ҚОРАКЎЛЧИЛИК

амалий машғулотлар

636.3
Ю91

Ю. Ю. ЮСУПОВ, А. А. РАҲИМОВ, А. И. ИСМОИЛОВ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК

(АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР)

Библиотека
СамСХИ
инв №

Библиотека
СамСХИ
ИНВ. №

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1986

46.6
Ю 91

Тақризчи: биология фанлари доктори, профессор ИКРОМОВ Т. Х.

Ю $\frac{3804020000-204}{М\ 359\ (04)-86}$ 100—86

© «Меҳнат» нашриёти, 1986

СЎЗ БОШИ

«Қоракўлчилик» курси юзасидан ўтказиладиган амалий машғулотлар учун мўлжалланган ушбу ўқув қўлланма «Қоракўлчилик билан наслчилик ишлари асослари» курсининг ўқув программасига мувофиқ тузилган бўлиб, унда студентларни амалий билимлар билан қуроллантириш, уларга ишлаб чиқаришдаги амалий ишларида зарур бўладиган малакани бериш кўзда тутилган.

Студентларга осон бўлиши учун ҳар бир машғулотни баён қилишда унинг темаси, мақсади, ишлашда керак бўладиган моддий ашёлар, машғулотнинг мазмуни ва ўтказиш методикаси кўрсатиб ўтилган. Булардан ташқари мустақил иш учун топшириқлар ва саволлар берилади. Булар ҳамиша ҳам ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида бўла олмайдиган, сиртдан ўқийдиганлар учун айниқса муҳимдир.

Машғулотларнинг материалари ўқув-тадқиқот характерида бўлиб темалар юзасидан берилган вазифаларни ҳал қилиш уларга ижодий ёндошишни талаб қилади.

Қўлланмада бир қанча машғулот темалари борки, уларни ўқув планида ажратилган вақт имкон бера оладиган даражадан кўра чуқурроқ ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Шунга кўра бундай машғулотларни тўла ҳажмда ёки уй вазифаларини бажариш йўли билан ўтказиш мумкинлиги методик кўрсатмаларда айтиб ўтилган. Жун қирқимини ташкил этиш ва ўтказиш, қўзилатиш, қўйларни қишловдан чиқариш, бонитировка қилиш ва бошқа машғулотларни ўқувчи-студентларнинг ишлаб чиқариш практикаси пайтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир, аммо бунда мазкур темаларга тааллуқли ташкилий масалалар ва усул-амалларнинг

ҳаммасини олдиндан ишлаб чиқиш албатта, шарт. Ҳар бир ўқувчи-студентга мустақил амалий ишда бевосита қатнашишга имкон туғдириб беришни мўлжаллаб, ўқув группаларини группачаларга бўлиш тавсия этилади.

Лаборатория-амалий машғулотларнинг ҳаммасини ўқув адабиётдан фойдаланиб туриб, студентлар олиб борадиган мустақил ишлар шаклида ўтказиш керак. Асосий ишлаб чиқариш жараёнларининг планларини, операцион-технологик карталарни тузиш, қоракўлчиликда қўчқорлар насл сифатини баҳолашга бағишланган машғулотлар ишлаб чиқариш практикасидан олиб келинган маълумотлардан фойдаланиб туриб, қисман уйда ишланади. Ўқувчи-студентлар лаборатория-амалий машғулотлар учун алоҳида дафтар тутишлари ва ҳамма маълумотларни унга ёзиб боришлари шарт.

Малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида кафедра тегишли лаборатория асбоб-ускуналари, муляжлар, қўзи тулумлари, қоракўл тери, қўй териси намуналари, қоракўлчилик маҳсулотларидан тайёрланган буюмлар, жадваллар, диаграммалар, плакатлар, фотосуратлар, слайдлар, ўқув фильмлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Мазкур курсни ўрганаётганда қоракўл заводларига, жунга бирламчи ишлов берадиган фабрикалар пўстинбоп қўй териси ва кўн ишлаб чиқарадиган корхоналар, гўшт комбинатларига, қоракўл тери ва қўй гўштини саноат асосида етиштирадиган ихтисослаштирилган комплексларга, участка-қура системасида қўй боқиладиган ва механизациялаштирилган бўрдоқичилик майдончалари бўлган наслчилик заводларига ўқув экскурсиялари уюштириб туриш тавсия этилади. Тегишли буюмлар бўйича дарсдан ташқари вақтда коллоквиумлар ташкил этилади.

Қўракўлчиликнинг назарияси ва практикасига доир актуал масалаларни ўрганиш, диплом ишлари ёки диплом лойиҳаларини тайёрлаш бўйича кафедрада ўқувчи-студентларнинг илмий тўгараги ташкил этилиши керак.

I-МАШҒУЛОТ

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙ ВА ҚЎЗИЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИОНАЛ ТИПЛАРИ, ЭКСТЕРЬЕРИ ВА ТАНАСИНИНГ АЙРИМ ҚИСМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Машғулотдан мақсад — қўй ва қўзилар танасининг айрим қисмларига баҳо бериш ва конституциясини аниқлашни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар (Машғулотни ўқув-тажриба фермасида ўтказиш ўринлидир). Ўқув-тажриба фермасининг қоракўл қўйлари, қоракўл қўй ва қўзиларнинг тулумлари, қоракўл терилар тасвирланган альбом, диапозитивлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ўқитувчи қоракўл қўзи ва қўйлари экстерьери хусусиятларини студентларга кўрсатиб беради, конституция типини аниқлаб, ҳайвон танаси топографиясини кўрсатади, тананинг ҳар бир қисмини батафсил баён қилиб беради. Шундан кейин тана ўлчамларини ўлчаб ҳисоблаш кўрсатилади ва экстерьерни баҳолаш ҳамда тана тузилиши индекслари ҳисобланади.

Машғулотнинг мазмуни. Аввало, қўйларнинг конституцияси дейилганида, худди бошқа чорва молларида бўлгани каби, организмнинг ташқи кўринишини, саломатлиги, маҳсулдорлиги ва умуман ҳаёт фаолиятини (барча функцияларини) белгилаб берадиган ташқи шакллар ҳамда ички хосса ва белгиларнинг биологик бирлиги тушунилади.

Конституция хусусиятлари наслдан наслга ўтиб боради, шунингдек организмнинг ривожланиш процессида ташқи муҳитнинг турли-туман факторлари таъсирида бир оз ўзгариши мумкин.

Маҳсулдорлиги жиҳатидан ҳар хил йўналишга мансуб қўйлар суяклари, мускул тўқимаси, териси, тери ости клетчаткаси, ҳазм органларининг ривожланганлиги, яъни конституцияси жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилади.

1-расм. Мустаҳкам конституцияли «ғўзамой» элита совлиқ.

Қоракўл қўйлар ўзларининг фенотиплари жиҳатидан бир хил эмас, улар конституция хусусиятларига кўра қуйидаги типларга бўлинади:

1. **Мустаҳкам тип** — «ғўзамой», бу типга кирадиган қўйлар қимматли, боқиб-урчитиш шароитларига яхши мослашган, нормал ривожланган, суяклари бақувват бўлади. Жун қоплами қалин, текис, ўртача катталикдаги кокилчалардан ташкил топган, кокилчалар жунининг $1/3$ қисми ёйилиб туради; қўйлардан кўпинча I—II класс жун чиқади. Боши, қорни, оёқлари жун билан яхши қопланган. Бундай ҳайвонларнинг энг кўп процентини ўртача жингалакли қўйлар ташкил этади.

2. **Дағал (оқ гул) типдаги** қўйлар анча кучли ривожланган, жуда суякдор, боши қўпол, жуни анча оқарган, дағал бўлади. Жунида дағал, узун қилтиқлар кўп, кокилчалари йирик, кам буралган ёки тўғри, охиригача ёйилиб туради, жунининг узунлиги 6—14 см, сифати —II класс, бу типдаги қўйлар ғўзамойдан кўра кўпроқ жун беради. Бу ҳайвонлар бирмунча йирик — вазни 43—44 кг. Улар тез семиради, аммо сер ўтяйлов-

ларни талаб қилади ва озиқ етишмай қолганда тез озиб кетади. Бу группага кўпроқ йирик жингалакли қўйлар киради. Дағал типдаги ҳайвонлар нормал қоракўл қўйлар типига кирмайди. Қўчқорларидан наслчиликда фойдаланилмайди.

3. **Нозик тип** — (нозик) қоракўл қўйлар — нозиклашгани билан гўзамойдан фарқ қилади, суяклари бир мунча нозик, жуни анча ингичка, аммо бирмунча қалин ва текис, сифати жиҳатидан кўпинча I классга киради, тивити ва оралиқ муйлари кўп бўлади. Мазкур типга мансуб ҳайвонлар қишдан яхши чиқади, жунининг узунлиги 4—11 см, бир қисми ярим дағал тоифага киради.

4. **Ута нозиклашган тип** — (қирриқ) — бу қўйларнинг жуссаси кичик, суяклари нозик, жуни анча ингичка, қалин, калта (3—4 см), асосан 1 классга киради, жунида тивит ва оралиқ муйлари кўп.

Вояга етган қўйларнинг жун-конституция типи ҳайвонларининг нечоғли ривожланганп, соғлиғи, боқиб-ур-

2- расм. Қупол конституцияли «оқ гул» қоракўл қўчқори.

3- расм. Нозик конституцияли совлиқ.

читиш шароитларига мослашгани ва жун маҳсулдорлигини таърифлаб берадиган кўрсаткичдир. Жун конституция кўрсаткичларининг кўнгилдагидек бўлмаслиги ҳайвонни бракка чиқариш учун асос бўлади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯ ТИПЛАРИ

Қоракўл қўзилар туғилганида қай даражада ривожланганлигига, конституциясига қараб баҳоланади ва уч группага бўлинади: бақувват, дағал ва нозик. Қўзиларни шу тариқа группаларга бўлиш учун қўзи жуссасининг катта-кичиклиги, суяклари ва оёқларининг нечоғлик ривожлангани, бошининг катта-кичиклиги, шакли, терисининг қалинлиги, жингалагининг кенглиги ва бошқаларга асосланилади.

Конституциянинг қай даражада ифодаланганлиги қўзининг она қорнидаги ривожланиш шароитларига, бўғоз совлиқнинг ориқ-семизлигига, ёшига, қорнида нечта боласи борлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бироқ конституция, асосан, ҳайвоннинг табиатига, унинг ирси-

4- расм. Қоракўл қўзиларининг конституция типлари:
а — мустаҳкам, *б* — дағал ва *в* — нозик тип қўзилар.

ятига боглиқ бўлади. Ривожланишнинг вақтинча сусайиб қолганини кейинчалик боқув шароитларини яхшилаш йўли билан бартараф этиш мумкин.

Мустаҳкам (бақувват) тип — бундай қўзилар нормал ривожланган, тирик вазни 4,0—4,5 кг келадиган суяклари бақувват, нормал, тана тузилиши мутаносиб, териси юпқа ва ўртача юпқа, пишиқ, жун қоплами ипаксимон, ўртача ялтироқ, жингалакларининг майдалиги ўртача, тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиши ўртача, терисининг запаси, ёғтерлилиги яхши ва ўртача.

Дағал тип — бундай қўзилар жуссали, вазни 4,0—6,0 кг келадиган бўлади, суяклари дағал, боши нисбатан калта, кенг, жуда дўнг қаншар, оёқлари йўғон, гав-

даси кенг, вазмин, териси қалин, пишиқ ёки камроқ пишиқ, бўш, жуни аксари дағал, жингалаклари йириклашган, лекин ўрта ўлчамда бўлиши ҳам мумкин, тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиши сийрак.

Нозик тип — бундай қўзилар майда, вазни 3,5 кг гача боради, суяклари ихчам, боши юз қисми ҳисобига узун тортилган, тор, профили тўғри ёки сал ботиқ, оёқлари ингичка, нисбатан узун, гавдаси ихчам, териси юпқа, жингалаги камбар, гоҳо ўртача, тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиши қалин, баъзан бироз сийракроқ бўлади, терисининг запаси кам.

Чорвачилик амалиётида конституция асосан экстерьерга қараб аниқланади. Экстерьер — ҳайвоннинг маҳсулдорлиги билан ўзаро боғланган ташқи шакллари тўғрисидаги таълимотдир.

Экстерьер ҳайвон танаси айрим қисмларининг ривожланганлик даражасига қараб тасвирлаб, баҳоланади.

ҲАЙВОННИНГ МУЧАЛАРИ ТАНАСИНИНГ АЙРИМ ҚИСМЛАРИДИР

Ҳайвоннинг мучаларига қараб конституциясининг типи, зоти, ёши, маҳсулдорлигининг характери, физиологик ҳолати аниқланади.

Экстерьерни аниқлаш учун қуйидаги методлар қўлланилади:

ҳайвонни умуман кўз билан чамалаб кўриб;
пайпаслаб, ушлаб кўриб;
айрим тана мучаларини ўлчаб;
фотосуратини олиб баҳолаш.

Ҳайвон танаси мучаларини ўлчаш учун амалда учта ўлчов асбобидан — ўлчов таёғи, циркули ва лентасидан фойдаланилади.

Экстерьерни ўрганиш бўйича қўйилган мақсадларга қараб ҳар турли ўлчовлар олинади. Қоракўлчиликда кўпинча 9 та ўлчов олинади.

Булардан ташқари яна сағрисининг кенглиги, чаноқсон бўғимлари орасининг кенглиги, кетининг қуймич дўмбоқларигача ёнлама узунлиги ва бошқа ўлчовлар ҳам олиниши мумкин.

Кўпинча тана тузилиши индексларини ҳисоблаб топиш методларидан, яъни айрим ўлчовлар нисбатларидан фойдаланилади, қуйидаги индекслар аниқланади:

Ўлчов	Асбоб қўйиладиган нуқталар	Асбоб
1. Яғринигача баландлиги	Яғриннинг энг юқори нуқтасидан ер юзасигача	Ўлчов таёғи
2. Думғазасигача баландлиги	Думғазасининг энг юқори нуқтасидан ер юзасигача	= ‖ =
3. Гавдасининг қия узунлиги	Елка-курак бўғимидан қуймич дўмбоғигача	= ‖ =
4. Кўкрагининг чуқурлиги	Яғринидан куракнинг орқа бурчагига уринма қилиб, тўш суягининг пастки юзасигача	= ‖ =
5. Кўкрагининг кенглиги	Куракнинг орқа бурчагига уринма қилиб, кураклар орқасигача	= ‖ =
6. Кўкрак айланаси	Куракнинг орқа бурчагига уринма қилиб олинган тик чизиқ бўйлаб	Ўлчов лентаси
7. Поча айланаси	Поча устки учидан бир қисмининг пастидан	= ‖ =
8. Бошининг узунлиги	Қулоқ супралари асосини бирлаштирадиган чизиқдан тумшуғининг учигача	Ўлчов циркули
9. Бошининг кенглиги (пешонасининг кенглиги)	Қулоқ супраларининг асосидан	= ‖ =

1. Узуноёқлилиги —

$$= \frac{(\text{яғринигача баландлиги} - \text{кўкрагининг чуқурлиги}) \cdot 100}{\text{яғринигача баландлиги}}$$

2. Чўзиқлиги — $\frac{(\text{гавдасининг қия узунлиги}) \cdot 100}{\text{яғринигача баландлиги}}$

3. Чаноқ-кўкрак индекси —

$$= \frac{(\text{кураклар орасидан ўлчанадиган кўкрак кенглиги}) \cdot 100}{\text{сагрисининг кенглиги}}$$

4. Кўкрак индекси — $\frac{(\text{кўкрак кенглиги}) \cdot 100}{\text{кўкрак чуқурлиги}}$

5. Миқтилиги, пишиқлиги — $\frac{(\text{думғазасигача баландлиги}) \cdot 100}{\text{гавдасининг қия узунлиги}}$

6. Узуноёқлилиги — $\frac{(\text{думғазасигача баландлиги}) \cdot 100}{\text{яғринигача баландлиги}}$

7. Суякдорлиги — $\frac{(\text{почасининг айланаси}) \cdot 100}{\text{яғринигача баландлиги}}$

8. Кенг пешоналилиги —

$$= \frac{(\text{пешонасининг энг кенг жойи}) \cdot 100}{\text{бошининг узунлиги}}$$

9. Бошининг катталиги — $\frac{\text{(бошининг узунлиги)} \cdot 100}{\text{яғринигача баландлиги}}$

10. Салмоқдорлиги —

$$= \frac{\text{(куraклари орқасидан ўлчанадиган кўкрак айланаси)} \cdot 100}{\text{яғринигача баландлиги}}$$

Қоракўл қўйларининг умуман катта-кичиклигини, яъни совлиқларининг тирик вазни 40—45 кг, қўчқорлариники эса 50—60 кг бўлишини билиб олиш керак; бундай қўйларнинг танаси ноксимон шаклда, боши қавариқ тортиб келган, йирик, қулоқлари асосан катта, осилган, аммо баъзиларида ўртача узунликда, ҳатто жуда калта бўлади ва ташқи қулоқ аранг билиниб туради. Қўчқорларининг кўпчилигида учи орқага, юқорига ёки пастга қараган кучли ривожланган спиралсимон шохлари бўлади. Совлиқлари шохсиз, оёқлари ўртача узунликда, кучли, баъзан тиззалари ва сакраш бўғимларида бир-бирига яқинлашган бўлади. Думи серёғ, думининг учида одатда S ҳарфи шаклида букилган қуруқ ўсимтаси бор, лекин у баъзи қўйларда тўғри бўлади, бунда понага ўхшаб пастга осилиб туради, думи калта сакраш бўғимидан паст ёки узун — деярли ергача тушиб турадиган бўлиши мумкин, устки томони жун билан қопланган, ички томони яланғоч. Туёқлари бақувват.

Чўл шароитларида урчитилиб кўпайтириладиган қоракўл қўйлар ниҳоят даражада яхши мосланувчан бўлиши билан ажралиб туради, яйловларда яхши юради, шўр, минерал моддалари кўп сувни ичаверади, температуранинг кескин ўзгаришларига чидамлидир.

Улар нисбатан кеч етилади, кўпчилик тўқлилар 6—7 ойлигида гарчи жинсий жиҳатдан вояга етса ҳам, амалда 1,5 яшарлигида қочирилади. Қўзилари туғилганидан кейин тез ўса бошлайди ва онасидан ажраладиган вақтга келиб (4,5—5 ойлигида) тирик вазни 20—25 кг га етади, баъзан бундан ҳам ортади. Қўзилар ва етилган қўйларнинг тирик вазни уларнинг ёши, қорнидаги боласининг сони, озғин-семизлиги, конституция типи, экологик типи ва бошқалар сингари омилларга қараб ҳар хил бўлади. Қоракўл қўзилари туғилган маҳалида жун қоплами ниҳоятда сержило ва ранго-ранг бўлишини айтиб ўтиш керак. Совлиқлар ўзининг жуссаси, ранги ва тўриғига қараб мосланувчанлиги, пуштдорлиги,

жун маҳсулдорлиги, ноқулай шароитларда семириб, этини сақлаб қолиш хусусияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Мустақил иш учун топшириқлар

1. Мавжуд қўзи ва қўй тунламлари (ёки тирик ҳайвонлар)дан фойдаланиб, 9 та асосий тана ўлчовини олиш.
2. Олинган маълумотларга кўра тана тузилишининг 10 та асосий индексини ҳисоблаш.
3. Ўқув фермасида (ёки тунламлар мисолида) айрим ҳайвонларнинг тана қисмлари (мучалари)ни ёзма равишда (сўзлар билан ифодалаб) тасвирлаш ва уларнинг конституция типини аниқлаш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Конституция типи, экстерьери, тана мучаси ва тана тузилишининг индекси деганда нима тушунилади?
2. Қоракўл қўйлар экстерьерини ўрганишда қандай методлардан фойдаланилади?
3. Асосий ўлчовлар ва уларни олиш методларини бирма-бир айтиб беринг.
4. Вояга етган қоракўл қўйлар ва қўзиларининг жун-конституция типларини тасвирланг.
5. Қоракўл қўзиларнинг конституция типи, экстерьери ва тана тузилиши нималарга боғлиқ?
6. Қоракўл қўйларнинг экстерьер хусусиятларини тасвирланг.
7. Қоракўл қўйларнинг биологик хусусиятларини бирма-бир санаб ўтинг.

2-МАШҒУЛОТ

ҚОРАКУЛ ҚУЙЛАРИНИНГ ЁШИНИ АНИҚЛАШ

Машғулотдан мақсад — студентларни қоракўл қўйларнинг тишларига қараб ёшини аниқлашга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар — қоракўл қўйларнинг тишли жағлари, жағлар тасвири туширилган диапозитивлар. Ҳар хил ёшдаги қоракўл қўйлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби — тушунтириш, ёзиб олиш ва мустақил ишлаш. Бу машғулотни ўқув фермасида ўтказган маъқул.

Машғулотнинг мазмуни. Қоракўл қўйларнинг ёши, туғилган вақти қайд этилган ёзувларга, қулоқлардаги белгиларга, ташқи кўриниши ва тишларига қараб аниқланади.

Қўйлар ёшини аниқлашнинг энг ишончли методи биринчи икки методдир, аммо уларни амалда ҳамиша ҳам қўллаб бўлавермайди (сабабини тушунтириб бериш керак). Қўйларнинг ташқи кўринишига қараб ёшини аниқлашда қора ва тўқ ранг қўйларнинг тумшуғи билан жунида оқариб қолган мўйлар пайдо бўлгани, шунингдек экстерьерида ўзгариш борлиги (жуссасининг катта-кичиклиги, орқасининг солиниб қолгани ва бошқалар) ҳисобга олинади. Бироқ, бу метод унчалик аниқ эмас. Шу сабабдан вояга етган қўйларнинг ёши тишларининг қанча алмашингани, едирилгани ва тушганига қараб аниқланади.

Тишларнинг алмашиниши ва едирилиши ҳайвонларнинг зотига, жинсига, нечоғлик тез етилувчанлигига, конституциясига, индивидуал хусусиятларига, озиқ рационининг таркибига (рациондаги сершира, юмшоқ ва қаттиқ озиқлар нисбатига) боғлиқ ва ҳоказо.

Вояга етган қоракўл қўйда 32 та тиш бўлади, шулардан 8 таси фақат пастки жағда бўладиган *курак (кесувчи) тишлар* ва 24 таси пастки ва устки жағнинг ҳар қайси томонида 6 тадан бўладиган *жағ тишлар*дир.

Вояга етган қоракўл қўйнинг тиш формуласи — $\frac{6+0+6}{6+8+6} =$ $= 32$ Пастки жағнинг олдинги қисмида жойлашган тишлар *курак тишлар* деб аталади, улар 8 та бўлади. Курак тишларнинг ички жуфти *омбур тишлар* дейилади; улардан кейин ўнг ва чап томонда биттадан тиш келади, булар ички ўрта курак тишлар деб аталади; кейин курак тишларнинг учинчи жуфти — *ташқи ўрта курак тишлар* билан тўртинчи жуфти, чап ва ўнг томонда, ҳаммасидан четда турадиган *четки курак тишлар* келади.

Қоракўл қўйларнинг курак тишлари ва сохта жағ тишлари сут тишлар билан доимий тишларга бўлинади. Доимий курак тишлар сут тишлардан сербарроқ ва йирикроқ бўлади. Ҳайвонларнинг тишлари умри бўйи алмашиниб боради — сут тишлар ўрнига доимий тишлар чиқади. Қўйлар 4 яшар бўлгунча сут курак тишларининг доимий курак тишлар билан алмашинишига қараб аниқланади.



5- расм. Ҳар хил ёшдаги қоракўл қўйларнинг курак тишлари.

Қоракўл қўзилар тишсиз ёки иккита курак тиши — омбур тишлари чиқиб туғилади.

Бир ойли бўлганида қолган ҳамма курак тишлари чиқади, бунда 1,2 ва 3-сохта жағ тишлари ҳам чиқади (тишларнинг умумий сони 20 та бўлади).

Тўққиз ойли бўлганида иккинчи асл жағ тиш чиқади (тишларнинг умумий сони 28 та бўлади).

12 ойликдан 18 ойлик бўлгунча биринчи жуфт сут омбур тишлар доимий тишлар билан алмашинади. Худди мана шу даврда 3 асл жағ тиш ҳам чиқади (тишларнинг сони энди 32 та бўлади).

Икки ёш бўлганда ички ўрта курак тишлар алмашинади. Бунда 1-, 2- ва 3- сохта жағ тишлар ҳам доимий тишлар билан алмашинади.

2,5 ёшдан 3 ёш бўлгунча ташқи ўрта сут курак тишлар доимий тишлар билан алмашинади.

3,5 ёшдан 4 ёшгача четки тишлар тушиб, ўрнига доимий тишлар чиқади.

Тўрт ёшли қўйнинг тиш қатори текис, тишлари яхши туташган, ҳали едирилмаган бўлади.

Тўрт ёшдан катта қоракўл қўйларнинг ёши курак тишларининг нечоғлик едирилгани ва улар ўртасидаги тирқишларнинг катта-кичиклигига қараб аниқланади.

Беш ёшга бориб, барча курак тишларнинг устки четлари едирилиб кетади ва орасида тирқишлар пайдо бўла бошлайди.

Олти ёшда биринчи жуфт курак тишлар орасида тирқиш пайдо бўлади, тишлар юзаси едирилиб сарғаяди, қимирлай бошлайди.

Етти ёшда биринчи уч жуфт курак тишларнинг коронкалари едирилади.

Етти-саккиз ёшда қоракўл қўйларнинг тишлари туша бошлайди, қўйлар озиқни яхши чайнаб ея олмайди, бундай ҳайвонлар бракка чиқарилади — тиши туфайли бракка чиқариш деб шуни айтилади.

Мустақил иш учун топшириқ

Студентлар ҳайвонларнинг ёшини тирик қўйлар устида ёки кафедрада коллекция қилиб қўйилган ҳар хил ёшдаги қўйларнинг жағлари мисолида мустақил аниқлашлари керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Вояга етган қоракўл қўйда нечта тиш бўлади (тишларининг морфологияси билан гистологиясини тасвирланг)?
2. Курак тишлар қаерда жойлашган ва жуфтига қараб нима деб аталади?
3. Сут тишлар билан доимий тишлар ўртасида қандай фарқ бор?
4. Сохта тишлар билан асл жағ тишлар ўртасидаги тафовутларни айтиб беринг.
5. Қўзи бир яшар бўлгунича тишлари системасида қандай манзара кузатилади?
6. Тўрт ёшгача бўлган қўйларнинг ёши қай тариқа аниқланади?
7. Тўрт ёшдан катта қўйларнинг ёши қандай белгиларига кўра аниқланади?
8. Қайси маҳалда қўйлар ёшига қараб бракка чиқарилади?

9. Қоракўл қўйларининг ёшини қандай аниқлаш мумкин?

10. Тишларнинг алмашиниш муддатлари ва едирилиш даражасига қандай омиллар таъсир қилади?

3-МАШҒУЛОТ

ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ. ТАНЛАШДА АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН БЕЛГИЛАР, БОНИТИРОВКА КАЛИТИ, БОНИТИРОВКА ЖУРНАЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

Машғулотдан мақсад — Қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириш, бонитировка журналларини тўғри тўлдиришни ўргатиш, қоракўл қўзиларини танлашда асос қилиб олинадиган белгиларни таништириш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар — қоракўл қўзиларининг тунламлари, қоракўл қўзиларини бонитировка қилишга доир асбоб ускуналар, инструкциялар, қўзиларни индивидуал бонитировка қилишда тутиладиган журнал ҳамда унга ёзиладиган ёзувлар; қўзиларни бонитировка қилиш тасвирланган плакатлар, слайдлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби — тушунтириш, ёздириш, мустақил иш.

Машғулотнинг мазмуни. Қоракўлчиликда наслчилик ишининг вазифаси қоракўл қўйларнинг асосий маҳсулоти — қоракўл терилар етиштириш ҳамда уларнинг сифатини мумкин қадар тезроқ яхшилаш мақсадида шу қўйлар зотини янада такомиллаштиришдир.

Қоракўлчиликда наслчилик иши ҳайвонларни танлаш ва жуфтлаш методларини тўғри қўшиб олиб боришдан иборат бўлиши керак. Барча танлаш системасининг асосий методи қоракўл қўзиларни бонитировка қилишдир.

Қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш қўзининг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларига, терисининг характери, насл-насаби ва конституциясига қараб баҳо бериш ҳамда қўзилардан хўжаликда қай тариқа фойдаланиш кераклигини аниқлаш демакдир.

Бонитировка индивидуал ва классли бўлади. Индивидуал бонитировка тўла ва қисқартирилган бонитировкага бўлинади ҳамда наслчилик заводлари билан

Библиотека
СамСХИ
Инв. №

наслчилик хўжаликларида қўлланилади. Ўстиришга қолдириладиган зотдор эркак қўзилар тўлиқ бонитировка қилиниши, ҳамда наслининг сифати текширилаётган қўчқорлар ва зотдор совлиқлардан туғилган бошқа ҳамма қўзилар қисқартирилган бонитировка қилиниши керак. Қўзилар сунъий уруғлантириш, совлиқларни қочириш ва қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш журналида тасвирлаб борилади (форма 3-к да). Тўла бонитировкада 1—39 устунлар, қисқартирилган бонитировкада 1—30 устунлар тўлдирилади. (Журнал формаларини тарқатиб, барча графаларининг мазмунини тушунтириб бериш зарур).

Бошқа ҳамма қўзилар классли бонитировкадан ўтказилади. Қўзилар индивидуал бонитировкада қандай қоидаларга мувофиқ баҳоланган бўлса, бунда ҳам худди шундай қоидаларга мувофиқ баҳоланади, аммо улар махсус журналларда алоҳида-алоҳида (индивидуал тарзда) қайд қилиниб, тасвирлаб чиқилмасдан, балки қоракўл терисининг ранги, класси ва барра типига қараб бонитировкадан ўтказилган қўзиларнинг сони ҳар куни ҳисобга олиб борилади.

Қоракўл қўзилари 1—3 кунлик вақтида бонитировка қилинади, бунда қўзилар, албатта, қуруқ ва тоза бўлиши керак.

Бонитировкани бонитер (шу соҳани ўқиб чиққан, амалий малакаларни эгаллаган шахс) ўтказиши лозим.

Бош зоотехник қўзиларни ўз вақтида ва сифатли бонитировка қилишда жавобгар шахс ҳисобланади. Қўзилаш даврида совлиқ сурувларини жойлаштириш планини тузиш ҳам бош зоотехник зиммасига тушади. Ҳар йили қўзиларни бонитировкадан ўтказиш олдидан бонитерлар билан ҳисобчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ўтказилиши зарур.

Қўзилар шу мақсад учун алоҳида ажратилган жойдаги бонитировка столида бонитировкадан ўтказилади. Бунинг учун махсус кичик-кичик қуралар бўлиши, бу жойлар ёруғ ва тоза сақланиши керак.

Қўзилаш даврида (қўчқорлар индивидуал ҳисобга олиниб, наслдорлик сифати текширилаётган отарларда) қўзиларга улар туғилган заҳоти ҳисобчи ёки бонитер ёрдамчиси фанердан ясалган ёрлиқ осиб қўяди, бу ёрлиқда қўзи онасининг номери, қўзини туғилган вақти ва отарнинг номери ёзилган бўлиши лозим.

Мутахассис зоотехник наслчилик отарларидаги қўзиларни, қўчқорлар наслининг сифатига қараб текшириладиган ва эркак қўзиларни танлаб, наслчиликда фойдаланиш учун ўстиришга қолдириладиган отарлардаги қўзиларни наслчилик иши бўйича бонитировкадан ўтказади. Бонитировканинг тўғри ўтказилиши устидан назорат олиб бориш колхоз ва совхозларнинг бош зоотехниги зиммасига юкланади. 10—15 кунлик зотдор эркак қўзиларни ҳам шуларнинг ўзлари текширувдан ўтказади.

Битта бонитерга тўғри келадиган нагрузка унинг малакасига, хўжаликдаги шароитларга ва қўзилатиш муддатларига қараб белгиланади. Ҳайвонларни мумкин қадар кўпроқ малакали бонитировкадан ўтказиш мақсадида мана шу ишни олиб бораётган бонитерга, қўзилатиш даврининг бошидан охиригача албатта, автомашина бириктириб қўйиш зарур.

Сўйишга мўлжалланган эркак қўзиларнинг ҳаммасига, албатта, отарнинг номери кўрсатиб қўйилган ёрлиқ илинади, ҳар бир бош қўчқор ёки совлиқдан туғилган қўзиларнинг сифати ҳисобга олиб бориладиган отарларда эса бу ёрлиқда қўшимча қилиб, қўчқор ёки совлиқнинг индивидуал ёки шартли номери ҳам кўрсатиб қўйилади.

Қўйлар қўзилаб бўлганидан кейин инвентаризациядан ўтказилади, инвентаризация вақтида бонитировка қилинган қўзиларнинг сони билан класси ҳисобга олинади ва ҳар бир отар бўйича қанчадан қўзи олингани ҳамда ўтказилган бонитировка натижалари тўғрисида белгиланган формада ҳисобот тузилади.

Қўйларни қўзилатиш ва қўзиларни бонитировка қилиш амалдаги инструкцияларга мувофиқ ветеринария-профилактика қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши кераклигини айтиб ўтиш лозим, бунда ходимлар шахсий гигиена қоидаларига ҳам амал қилишлари шарт. Бонитировкада банд бўлган ходимлар ўз вақтида, албатта, тегишли медицина кўригидан ўтишлари керак. Бонитировкани бошлашдан аввал қуйидаги зарур ашёлар тайёрлаб қўйилади:

1. Бонитировка журналлари;

2. Қулоққа тақиладиган сирғалар (металл ва пластмасса ёрлиқлар);

3. Керакли омбурлар (бонитировка дироколи, развольцовка омбурлари);

4. Бонитировкадан ўтказиладиган қўзилар учун махсус ёрлиқлар;

5. Сўйиладиган қўзиларга тақиладиган ёрлиқлар;

6. Халатлар, хўжалик ашёлари ва бошқалар. (Мана шу ашёларнинг ҳаммасини студентларга кўрсатиш керак).

Қоракўл қўзиларини бонитировкадан ўтказиш техникаси эпидиаскоп ёки диапроектор ёрдамида кўрсатилади. Бонитировка вақтида қуйидаги белгилар ҳисобга олинади (айни вақтда шу белгиларнинг қай тариқа аниқланишини тушунтириб бериш керак):

1. Туғилган вақти;
2. Қўзининг жинси;
3. Нечта туғилгани;
4. Класси;
5. Гулларнинг майда — 4 мм гача; ўртача — 4 мм дан 8 мм гача; йирик —8 мм дан ортиқ;
6. Гулларнинг шакли ва типи (ярим доира қаламигул, ясси қаламигул, қовурғасимон қаламигул, ловия, ёлгул ҳалқа гул, парма, лосслар, шаклини йўқотган гуллар);
7. Қаламигулининг узунлиги (калта — 20 мм гача, ўртача — 20 мм дан 40 мм гача ва узун — 40 мм дан ортиқ);
8. Терисининг барра типи (жакет, ясси, қовурғасимон ва кавказ типларига мансублиги);
9. Ранги ва нақши, рангдор қўзиларда нақшининг текислиги, сур қўзиларда эса сурлилик даражаси;
10. Жунининг майинлиги (ипаксимонлиги);
11. Рангининг оч-тўқлиги, яъни интенсивлиги, сур қўзиларда эса сурлилик даражаси;
12. Жунининг ялтироқлиги;
13. Олалиги;
14. Ёғ-терлиги;
15. Конституцияси;
16. Терисининг пишиқлиги;
17. Терисининг қалинлиги;
18. Терисининг солқилиги;
19. Жун қопламининг қалинлиги;
20. Жингалакларининг пишиқлиги;
21. Нақшининг аниқлиги;
22. Тана иккинчи даражали қисмларининг гул билан қопланиши;
23. Жуннинг узунлиги.

Индивидуал бонитировкада ҳисобга олинадиган танлаш белгиларининг сони пода хусусиятлари ва наслчилик ишининг мақсадларига қараб яна тўлдирилиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Бонитировка маълумотларини журналга ёзишда махсус шартли белгилар — бонитировка калитидан фойдаланилади. Бонитировка калитини студентлар қуйидаги тартибда мустақил ёзиб олишлари керак:

ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

1. Эркак — урғочи қўзи — элита; 1 класс, ўртача, йирик, майда, жакет, ясси, қовурғасимон тип.

Индивидуал №_______ўнги_______чапи_______

2. Отаси: №_______ўнги_______, чапи_______

Ранги _______, конституцияси_______, баррасининг типи, класси, яхшиловчи_______, синовчи_______, оддий _______

3. Онаси: №_______ўнги_______чапи_______, ранги конституцияси_______, баррасининг типи_______, жингалагининг йирик- майдалиги_______, класси_______

4. Қўзининг туғилган вақти;

_______куни, _______ойи, _______йили.

Қўзи неча кунлик туғилган_______

5. Қочириш вақти — совлиқ охирги марта уруғлантирилган' кун_______

6. Қўзининг туғилгандаги тирик вазни_______кг

7. Нечанчи қўзи бўлиб туғилган: 1-, 2-, 3-

8. Неча кунлигида бонитировка қилинган_______

9. Ранги (туси, нақши): тим қора, қора, сустроқ қора-кўк _______ сур,-_______пушти,_______жигарранг, _______оқ.

10. Оқининг бор- йўқлиги; думида, энсасида.

11. Терисининг қалинлиги: жуда қалин, ўртача қалин, қалин тортган, қалин.

12. Терисининг пишиқлиги: жуда пишиқ, пишиқ, бўш.

13. Терисининг запаси: таранг, осилиб тушган, майда бурмали, жуда кўп бурмали.

14. Жунининг ипаксимонлиги: жуда ипаксимон, ипаксимон ипаксимонлиги етарли эмас.

15. Жунининг ялироқлиги: кучли, нормал, етарлимас;

16. Жунининг қалинлиги: жуда қалин, қалин, қалинлиги етарлимас.

17. Жунидаги ёғ-тер; кам, ўртача. кўп.

18. Жингалагининг йирик- майдалиги: ўртача, йирик, майда.

19. Жингалагининг шакли: қаламигул, яссиқалами, қовурғасимон қалами, ловиягул, ёлгул.

20. Қаламигулининг узунлиги: узун, ўртача, калта.

21. Жингалакларининг зичлиги: жуда зич, зич, зичлиги етарлимас.

22. Жингалагининг очиқ томони: бошга, думга, орқага қараган, нотайин.

23. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами: боши, олдинги оёқлари, қорни, орқа оёқлари, думи.

24. Гули: аниқ, етарлича аниқмас, типи: параллелл концентрик, параллелл тўғри, аралаш.

25. Конституцияси: мустаҳкам (бақувват), нозиклашган, дағал, нозик, дағаллашган.

26. Жами баҳоси: 5, 4, 3,

27. Қайси мақсадда фойдаланилади: наслчиликда, маҳсулоти учун.

28.________кунлик қўзиларнинг тасвири

а) ривожланиши: яхши, ўртача, етарлимас;

б) ориқ- семизлиги: эти яхши, ўртача, кам.

в) рангининг сақланиши: яхши, қаноатланарли, ёмон, айнаган;

г) жун қопламида оқ толасининг бор-йўқлиги: йўқ, жуда кам, кўп

д) Жингалаклари шаклининг сақланиши: яхши, қаноатланарли, ёмон.

е) жингалакларининг зичлиги: зич, бўш;

ж) жунининг ипаксимонлиги: ипаксимон, етарлича ипаксимонмас;

з) жунининг ялтироқлиги: сақланиб қолган, сусайган, хира

и) гули: аниқ, аниқмас, йўқ;

й) қуруқ жуни :йўқ, ________да бор.

л) терисининг запаси: таранг, осилиб тушган, майда бурмали, кўп бурмали,

м) конституцияси: мустаҳкам (бақувват), нозиклашган, дағаллашган нозик, дағал;

н) жами завод баҳоси: 5. 4, 3;

о) қўзидан фойдаланиш йули; текширишга оддий, синашга, брак;

п) қўзининг ривожланиши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, пигментацияси, жингалаклари, ялтироқлиги, ипаксимонлигига қўйиладиган жами баҳо: 5, 4, 3.

29. Фотосуратининг №________

30. Алоҳида фикр ва мулоҳазалар:____

Бонитер имзоси:__________

19_____йил«________» _____

1. Жинси — урғочи, эркак қўзи;

2. Ранг-туси ва нақши — қора, кўк, сур, жигарранг (қамбар), пушти (гулигаз);

Бухоро сури — тилларанг, кумушранг;

Сурхондарё сури — платинасимон, бронзасимон, қахрабосимон;

Қорақалпоқ сури — ўрикгули, шамчироқгул, пўлати;

ўртача кўк — ҳаворанг, кумушсимон, қўрғошинсимон;

тўқ кўк — сафид, садафсимон, қора кўк;

оч кўк — пўлати, сутсимон;

3. Қоракўл типи — кавказ, қовурғасимон, ясси, жакет;

4. Жингалагининг шакли — қаламигул, қовурғасимон қалами, ясси қалами, ловиягул, қамбар ёлгул, сербар ёлгул, ҳалқа, лос, нўхатгул, бурама, деформация;

5. Қаламигулининг узунлиги — узун, ўртача, калта.

6. Қаламигулининг зичлиги — жуда зич, зич, зичлиги етарли эмас;

7. Жунининг қалинлиги — жуда қалин, қалин, қалинлиги етарли эмас;

8. Жунининг ипаксимонлиги — жуда ипаксимон, ипаксимон, ипаксимонлиги етарли эмас, қуруқ, дағал;

9. Жунининг ялтироқлиги — жуда ялтироқ, нормал, етарлимас, шишасимон, хира;

10. Оласи — думида, оёқларида, танасида, бошида;

11. Гулининг аниқлиги — аниқ, аниқмас, нотайин;

12. Териси — пишиқ, бўш, жуда юпқа, юпқа қалин тортган, қалин, таранг, осилиб тушган;

13. Жун қоплами — яхши, ўртача, етарлимас, ортиқ, кам;

14. Конституцияси — нозик, мустаҳкам (пишиқ), дағал;

15. Қўзининг тирик вазни ёки катта-кичиклиги — майда жуссали, йирик, ўртача.

Айрим ҳолларда бундай маълумотлар махсус блокнотларда қуйидаги формада ёзилади:

Хўжалик . . . .

Ферма . . . . бригада

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қоракўл қўзилари қайси ёшида бонитировка қилинади?
2. Қоракўл қўзилари қандай белгиларига қараб баҳоланади?
3. Индивидуал бонитировка билан класс бонитировкаси ўртасидаги фарқ нима?
4. Танлашда ҳисобга олинадиган белгилар.
5. Бонитировка калитидан фойдаланиб, индивидуал бонитировка журналини тўлдиринг.
6. Бонитировкани ўз вақтида ва сифатли ўтказишга жавобгар шахс ким?
7. Бонитировка ўтказиш учун қандай ашёлар зарур бўлади?
8. Қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш техникаси.

4- МАШҒУЛОТ

ҲАР ХИЛ ТИПДАГИ (БАРРА, МАҲСУЛДОР) ҚУРАКУЛ КЎЗИЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ. ҚОРАКУЛ ҚУЗИЛАРГА ЭН СОЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Машғулотдан мақсад — Ҳар хил типдаги қоракўл қўзиларининг хусусиятларини тушунтириш, уларнинг қимматини кўрсатиш. Эн солиш, яъни тамғалаш принципларини ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар — ҳар хил типдаги қоракўл қўзиларнинг тунламлари, ҳар хил қоракўл группаларига мансуб бўлган, бўялган қора терилар. Қоракўл қўзиларга эн солиш тасвирланган схемалар, плакатлар. Қоракўл қўзиларни бонитировка қилишни тасвирловчи альбом, слайдлар, диапозитивлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириш, ёздириш ва мустақил ишлаш. Тушунтириш қоракўл терилар музейида олиб борилади.

Машғулотнинг мазмуни. Қаламигулларнинг типи ва

шаклига қараб асл зот қоракўл қўзиларининг ҳаммаси (қора, кўк, сур қўзилар) бонитировка маҳалида қуйидаги барра типларга бўлинишини аниқ билиб олиш керак:

1. Яримдоира қаламигулли барра тип (жакет барра типи) узун, ўртача, калта қаламигуллар ва ловиягуллар бўлиши, терисининг юпқалиги ва пишиқлиги, ўртача узунликдаги жун қопламининг ипакдек мулойим ва ялтираб туриши, жингалакларининг анча пишиқ ва жилодор бўлиши билан характерланади. Бу типдаги қўзиларнинг кўпчилиги яхши ривожланган, бақувват конституцияли, тери запаси яхши ва ёғ-терлиги кўп бўлади. Жингалагининг очиқиш томони бошига қараб туради. Узун яримдоира қалами гулли қўзилар қоракўл зот қўйларда энг мақсадга мувофиқ ҳисобланадиган типдир.

2. Ясси жингалакли қоракўл типи ёлгуллар ва лослар билан аралаш жойлашган узун ва ўртача узунликдаги ясси қаламигуллари билан характерланади, ниҳоятда ипаксимон ва жуда ялтироқ бўлади. Жун қоплами калта тортган, териси юпқа ва пишиқ. Терисининг сифати «Ясси, юпқа I» нави талабларига жавоб бера оладиган қўзилар қимматли ҳисобланади.

3. Қовурғасимон жингалакли қоракўл типи терисининг асосий қисмида узун ёлгуллар қовурғасимон қаламигуллар аралаш бўлиши билан характерланади. Жун қоплами калта, ипаксимон ва ялтироқ, териси юпқа, пишиқ. Терисида чиройли нақш ҳосил қилувчи узун қовурғасимон қаламигуллар, тор ва ўрта ўлчамдаги ёлгуллар ва лослар бўладиган, барраси «Қовурғасимон юпқа I» нави талабларига жавоб бера оладиган қўзилар қимматли ҳисобланади.

4. Жингалаги ўсиқ (кавказ) қоракўл типи жун қоплами ўсиқ, терисининг асосий қисмида бўш ва эни ҳар хил келадиган ловиясимон жингалаклар ҳамда калта қаламигуллар кўп бўлиши билан характерланади, бундай қўзилар аксари бўш ва дағал конституцияли бўлади. Уларнинг териси, қалин, бўш, қиммати паст қоракўл тери навларига киради ва номатлуб ҳисобланади.

(Мана шу ҳар хил типга мансуб қўзилар орасидаги тафовутни студентлар аниқ тасаввур қилиб, билиб оладиган бўлиши учун ҳар хил қоракўл типига кирадиган қўзиларнинг характерли хусусиятларини бўялган қоракўл тери мисолида тушунтириб бериш керак.)

Мустақил иш

1-топшириқ. 10—15 бош қўзи ёки шунча терининг қайси қоракўл типига киришини аниқлаб чиқинг, жингалакларининг шакли ва типларига, терисининг қалин ва пишиқлигига, жунининг узунлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлигига алоҳида аҳамият беринг.

Буларни қуйидаги формага мувофиқ ёзинг.

2-топшириқ. Ҳар хил қоракўл типи ва классларига мансуб қўзиларга солинадиган энлар расмини қуйида кўрсатилгандек чизинг.

Жакет барра типи, 1 класс, жингалагининг катталиги ўртача. (Ҳар бир кичик группадаги студентларга ўқитувчи ўзи маъқул кўрган топшириқни беради).

Бонитировка маҳалида ҳамма қоракўл қўзилар кулоғига уларнинг қайси тип ва классга киришини, жингалагининг катта-кичиклиги, рангдор қўзиларда эса гул ўлчами ўрнига рангининг оч-тўқлиги ва ранг-баранглигини эслатиб турувчи эн барра типлари эни билан биргаликда солинади. Айни вақтда қўзининг класси ўнг қулоғига, жингалагининг ўлчами чап қулоғига тамғаланади. Қўзининг ясси қоракўл типига мансублиги ўнг қулоғининг олд томонига икки, қовурғасимон типга мансублиги эса чап қулоғининг олд томонига икки эн



6- расм. Қуйларга эн солиш учун ишлатиладиган омбурлар:

1 — татуировка қилишга; *2* — чўзиқ зирак солишга; *3* — думалоқ зирак солишга; *4* — қулоққа тамға босишга; *5* —қулоқдан думалоқ тешик очишга ишлатиладиган омбурлар.

солиш билан белгиланади (мана шундай энларни батафсил тушунтириб бериш керак). Жакет ва кавказ типларига эн солинмайди.

Жингалагининг катта-кичиклиги, чап қулоғига (фақат қора қўзиларда): майдаси—қулоқнинг олд томонига битта; ўртачаси — учки томонига битта; йириги — орқа томонига битта кертма солиш билан; қўзи класси (соф зотли барча қўзиларда) ўнг қулоғида белгиланади: элита — қулоқнинг олд томонига битта ва орқа томонига битта; биринчи класси — орқа томонига битта; иккинчи класси — орқа томонига иккита кертма солиб белгиланади.

Кўк (кулранг), пушти ранг ва жигарранг (қамбар) ранглар қўзининг чап қулоғида белгиланади: оч кўк, оч пушти, оч жигарранг қўзиларга қулоғининг олд томонига битта; ўртача кўк, ўртача пушти, ўртача жигарранг қўзиларга — қулоғининг уч томонига битта; тўқ кўк. тўқ пушти, тўқ жигарранг қўзиларга — қулоғининг орқа томонига битта кертма солинади.

Қоракўл тери типини аниқлаш

Тери номери	Жингалагининг йирик-майдалиги	Терининг пишиқлиги	Терининг қалинлиги	Ипаксимонлиги	Ялтироқлиги	Жун толасининг узунлиги	Жингалагининг шакли ва типи: орқасидаги	Жингалагининг шакли ва типи: дум томонидаги	Жингалагининг шакли ва типи: ёнидаги	Жунининг ўсиқлиги	Гулининг аниқлиги ва типи	Қоракўл типи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Кўк ранг ёки каптар нақшли қўзиларга чап қулоғининг орқа томонига қўшимча битта, кумуш ранг нақшли қўзиларга чап қулогининг олд томонига битта кертма урилади.

Сур нақшлар чап қулоқда белгиланади: кумуш ранг ва пўлати қўзиларга қулоқнинг уч томонига битта; тилла ранг, шамчироқ ўрик гул нақшли қўзиларга — қулоғининг орқа томонига битта; пластинасимон нақшли қўзиларга қулоқнинг олд томонига битта ва орқа томонига битта; бронзасимон нақшли қўзиларга — қулоқнинг уч томонига битта ва орқа томонига битта; қаҳрабо ранг қўзиларга — қулоқнинг олд томонига

битта, уч томонига битта ва орқа томонига битта кертма солинади: бракка чиқарилган қўзилар ўнг қулоғининг учи кесиб қўйилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қоракўл қўзилар қандай белгиларига кўра қоракўл типларига ажратилади?

2. Жакет, ясси, қовурғасимон, кавказ типларига мансуб қўзилар қандай бўлишини тасвирлаб беринг.

3. Нима учун кавказ типига мансуб қўзиларнинг қиммати паст ҳисобланади?

4. Жакет, ясси ва қовурғасимон типларга мансуб қўзиларнинг қиммати нимадан иборат?

5. Бонитировка пайтида қўзиларга нима сабабдан эн солиш зарурлигини тушунтириб беринг.

6. Қоракўл типи, класси, жингалагининг йирик-майдалиги, ранги, жилоси ва нақши ҳар хил бўлган қўзиларга эн солиш тартибини тасвирлаб беринг ва чизиб кўрсатинг.

5- МАШҒУЛОТ

ҚОРА РАНГДАГИ СОФ ЗОТЛИ ҚЎЗИЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИНИНГ СХЕМАСИ. ЖАКЕТ КОРАКЎЛ ТИПДАГИ ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАР МИСОЛИДА КЎРСАТИБ ТУРИБ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — қоракўл қўзилар классификацияси хусусиятларини тушунтириш, ҳар хил классларга кирадиган жакет типдаги қўзиларни характерлаб бериш ва уларни таниб, ажратиб олишга студентларни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар—қоракўл қўзиларнинг тулумлари, жакет типидаги қоракўл терилар коллекцияси. Қора рангли қоракўл қўзиларни классификациялаш схемаси. Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш журналлари ($ф_1$N3 к) ва альбомлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби — сўраш, кўрсатиб бериладиган терилар мисолида тушунтириш, ёздириш.

Машғулот мазмуни. Ҳаммадан аввал қора рангли қўзиларни классификациялаш схемасини тушунтириш, сўнгра жакет типнинг ҳар хил классларига мансуб қо-

ракўл қўзиларни тасвирлаб бериш ва буларнинг ҳаммасини, албатта, қоракўл терилар мисолида кўрсатиб ўтиш керак. Айни вақтда элита класс қўзилар билан I класс қўзилари ўртасидаги тафовутларни кўрсатиб ўтиш зарур. Йирик жингалакли I класс қўзиларни батафсил тасвирлаб, жингалаги йирик эркак қўзиларни нима учун наслчиликда фойдаланиш мақсадида қолдириб бўлмаслигини тушунтириш керак. Териси «Жакет московский» навига тўғри келадиган биринчи класс қоракўл қўзиларни нима учун наслчиликда фойдаланишга қолдириб бўлмаслигини тушунтириб бериш зарур.

Шулардан кейингина студентлар жакет типдаги қўзилар классларининг тасвирларини мустақил кўчириб олишга киришишлари зарур.

Бу ишни улар дарсдан ташқари вақтда мустақил тугатишлари керак.

ЖАКЕТ БАРРА ТИПИ

Элита. Жингалакларининг катталиги ўртача, жингалакларининг шакли орқа қирраси билан думғазасида ярим доирасимон узун қаламигуллар, ён томонларида ўртача узунликдаги ва калта ярим доирасимон қаламигуллар ва ловиягуллар шаклида бўлади. Жингалаклари пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон майин, ўртача ёки жуда ялтироқ, ранги тимқора. Гул нақшлари терисининг бурмадор ва жунининг нечоғлик қалинлигига қараб аниқ ёки нисбатан аниқ бўлади. Зотига хос белгилари яхши ифодаланган. Ёғ-терлиги кўп ёки қаноатланарли. Боши билан оёқлари бурама жунлар билан нормал қопланган. Териси пишиқ, юпқа ёки қалин тортган, жуссасини эркин қоплаб туради, суяклари нормал ривожланган, конституцияси пишиқ (бақувват).

Бундай қўзиларнинг териси «Жакет I» сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

Элита. Жингалаклари майда, бутун гавдаси бўйлаб баланд яримдоирасимон узун қаламигуллар ёки кўпроқ қаламигул аралаш ёлгуллар шаклида. Жингалаклари пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон, пигментланган. Ялтироқлиги нормал. Гули аниқ, тўғри марказлашган. Териси юпқа, пишиқ, гавдасини эркин қоплаб туради. Жун қоплами яхши. Нормал ривожланган. Конституцияси пишиқ ёки нозик.

Бундай қўзиларнинг териси «кирпук» сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Жингалакларининг катта-кичиклиги ўртача. Тана тузилиши ва ривожланиши жиҳатидан элита қўзилари қандай кўрсаткичлар билан таърифланса, бундай қўзилар ҳам худди шундай кўрсаткичлар билан таърифланади, лекин ушбу кўрсаткичлар, шунингдек, энг яхши қоракўл сифатлари ҳам сустроқ ифодаланган бўлади. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ўртача узун ва калта яримдоирасимон қаламгуллар, ён томонларида яримдоирасимон калта қаламигуллар ва ловиягуллар, озроқ миқдорда ёлгуллар шаклида. Жингалаклари пишиқ ёки ўртача пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон, ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа ёки қалин тортган. Жун қоплами яхши. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси «Жакет I» ва «Жакет московский» сортларига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари майда. Жингалакларининг шакли орқа қирраси билан думғазасида узун ва ўртача узунликдаги баланд яримдоирасимон қаламигуллар, ён томонларида тор ёлгуллар билан аралаш калта қаламигуллар. Жингалаклари пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон. Ялтироқлиги нормал. Териси юпқа, пишиқ. Жун қоплами яхши. Конституцияси нозик. Бундай қўзиларнинг териси «Кирпук» сортига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари йирик. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида тўлиқ жингалакланган ўртача узун ва калта яримдоирасимон қаламигуллар ва ловиягуллар шаклида. Жингалаклари пишиқ ва ўртача пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон. Ялтироқ. Териси пишиқ ёки бирмунча бўш, қалин тортган ёки қалин. Жун қоплами яхши ёки ўртача. Конституцияси дағаллашган ёки дагал.

Бундай қўзиларнинг териси «Жакет толстый» сортига тўғри келади.

II класс. Жингалакларининг йирик майдалиги ўртача. Улар орқа қирраси билан думғазасида ёлгуллар аралаш яримдоирасимон калта қаламигуллар ва ловиягуллар, ён томонларида ловиягуллар, бутун танаси бўйлаб ловиягуллар шаклида. Жингалаклари ўртача пишиқ. Жуни ипаксимон ёки унча ипаксимон эмас. Ялтироқлиги нормал ёки суст. Жун қоплами етарлича қалин эмас. Гули етарлича аниқмас. Териси пишиқ ёки

Барра типлари	Класси	Қўзи баррасининг қайси нақш, тус ва сортга мансублиги		
		Ўртача кўк	Тўқ кўк	Оч кўк
Жакет	Элита	„Жакет I" сортининг энг яхши қисми		
	I	а „жакет I"	б „жакет қалин"	в „жакет московский"
Ясси	Элита	Ясси группа I сортининг энг яхши кисми		
	I	Ясси группанинг I сортлари		
	II	II сортлари		
Қовурғасимон	Элита	Қовурғасимон группа I сортларининг энг яхши қисми		
	I	Қовурғасимон группанинг I сортлари		
	II	II сортлари		
Жакет ва Кавказ	II	II сортлари		
Брак		III сорт		

7- Қора қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш ва эн солиш схемаси.

бўш, юпқа ёки қалин тортган. Конституцияси пишиқ, нозик ёки дағал томонга мойил бўлиши ҳам мумкин.

Бундай қўзиларнинг териси «Жакет 2» сортига тўғри келади.

Мустақил иш учун топшириқ

Студент жингалаклари ҳар хил катталикда бўлган бир нечта элита, I ва II класс қўзиларининг терисини қуйидаги формага мувофиқ тасвирлаб чиқиши керак. (I-жадвал).

1-жадвал

Қоракўл териларни тасвирлаш схемаси

Тартиб №	Гулларининг ўлчами	Жингалагининг шакли	Қаламигулининг узунлиги	Жилоси ва нақши	Жунининг ипаксимонлиги	Ранг (куюқлиги)	Жунининг ялтироқлиги	Хиралиги	Терисининг пишиқлиги	Терисининг қалинлиги	Жунининг қалинлиги	Жингалагининг пишиқлиги	Гулининг аниқлиги	Жун қоплами (сержунлиги)	Қоракўл тип	Классн
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Жакет барра типдаги қўзилар қандай классларга бўлинади?
2. Соф зотли қора қоракўл қўзиларни классификациялаш схемасини чизиб беринг.
3. Элита қўзилар билан биринчи класс қўзилари орасидаги фарқларни сўзлаб беринг.
4. Жакет барра типидаги қўзиларнинг терилари қандай навларга тўғри келадиган бўлиши керак?
5. Қандай эркак қўзиларни наслчиликда фойдаланиш учун қолдирса бўлади?
6. Йирик жингалакли биринча класс эркак қўзиларни ва териси «Жакет московский» сортига тўғри келадиган ўрта жингалакли биринчи класс қўзиларни наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мумкинми?

6-МАШҒУЛОТ

ЖАКЕТ ТИПДАГИ ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАР МИСОЛЛАРИДА ТАСВИРЛАШ ЮЗАСИДАН МУСТАҚИЛ ИШ

Машғулотдан мақсад — жакет типидаги қора рангли қўзиларни бонитировка қилишни ва бонитировка натижаларини тўғри ёзиб боришни студентларга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — жакет группасига мансуб барча сорт қоракўл терилар коллекцияси, қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш журналлари (Ф. № 3-к.)

Машғулотни ўтказиш тартиби: сўраш, мустақил ишлаш.

Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Қуйидаги саволларни бериб, оғзаки ёки ёзма сўроқ ўтказиш.

1. Классли бонитировка билан индивидуал бонитировка ўртасидаги фарқни тасвирлаб беринг. Қанақа қўзилар ва қандай қилиб бонитировкадан ўтказилади?

2. Қўзилар қандай белгиларига кўра қоракўл типларига ажратилади?

3. Ҳар хил қоракўл типларига мансуб қўзиларнинг энг характерли хусусиятларини тасвирлаб беринг.

4. Жакет типига мансуб қора қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемасини чизиб, уларнинг териси қандай навларга тўғри келиши кераклигини кўрсатиб беринг.

Эслатма: Ёзма сўроқда 1, 2 ва 4-саволларни бериш ва бу топшириқни бажариш учун 15—20 минут ажратиш керак.

Мустақил иш учун топшириқ

18 та қоракўл терини тўла индивидуал бонитировка схемаси бўйича бонитировка журналида (жакет типидаги ҳар хил класс терилардан 3 тадан олиб) тасвирлаб чиқинг.

Мустақил иш вақтида ўқитувчи журналларнинг тўғри тўлдирилишини текшириб боради, тегишли тушунтиришларни бериб туради. Бўш вақтда ўқитувчи студентларнинг ёзма ишларини текшириб, баҳо қўйиб чиқиши ва бу баҳоларни машғулот охирида айтиб бериши керак.

Энг муҳим хатоларни муҳокама қилиб чиқиш ва тушунтириб бериш зарур.

7-МАШҒУЛОТ

ЯССИ ҚОРАКЎЛ ТИПДАГИ ҚОРА РАНГЛИ ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАР МИСОЛИДА КЎРСАТИБ ТУРИБ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — ясси типдаги ҳар хил класс қоракўл қўзилари хусусиятларини тушунтириб бериш ва буларни таниб, ажратиб олишни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — барча сортлардаги ясси тип қоракўл терилар коллекцияси, қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш альбоми (Ф № 3-к.)

Машғулотни ўтказиш тартиби — сўраш, мисолга олинган териларни кўрсатиб туриб, тушунтириб бериш (класслар характеристикасини студентлар инструкциядан мустақил равишда кўчириб оладилар), қоракўл терини тасвирлаб бериш юзасидан мустақил иш.

ЎТИЛГАН ТЕМА БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Жакет типига мансуб қоракўл қўзиларни классификациялаш схемасини чизинг.
2. Жакет типига мансуб қўзилар классларини (элита, ва II классларини алоҳида қилиб) тасвирлаб беринг.
3. Элита, I ва II-класс қўзиларнинг терилари қайси сортларга тўғри келади ва уларнинг конституцияси қандай бўлиши керак?
4. Жакет барра типига мансуб қўзиларнинг қайсиларини наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мумкин?

Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Аввало ясси қоракўл типига мансуб ҳар хил классдаги қўзиларни тасвирлаб бериш ва бунинг ҳаммасини терилар мисолида албатта кўрсатиб ўтиш керак. Айни вақтда студентлар диққатини ясси типдаги қўзиларнинг умумий тафовутларига жалб қилиш лозим (жун қопламининг қалин-сийраклигига, жингалакларининг йириклиги, жунининг ипаксимон ва кучли ялтироқлигига, терисининг пишиқлиги ва қалинлигига ва жунининг узунлигига).

Бундай қўзиларнинг қайсилари матлуб ҳисобланишини, наслчиликда фойдаланиш учун қайсиларини қолдириш мумкинлигини батафсил тушунтириб беринг.

Шундан сўнг студентлар ясси типга мансуб қўзилар классларининг характеристикасини мустақил ҳолда

кўчириб олишга киришишлари зарур. Шундан кейин студентлар ясси типдаги териларни қуйида келтирилган формага мувофиқ тасвирлашга киришишади (5-машғулот, I-жадвалға қаралсин).

ЯССИ ҚОРАКЎЛ ТИПИ

Элита. Жингалаклари ўртача катталикда. Жингалакларининг шакли: орқа қирраси билан думғазасида узун, ясси қаламгуллар, ён томонларида ўртача узун ясси қаламгуллар бўлади. Жингалаклари пишиқ. Жуни калта ва калта тортган, кучли ёки ипаксимон. Ялтироқлиги нормал ёки кучли. Гули аниқ. Териси юпқа, пишиқ, гавдасини эркин қоплаб туради. Тана иккинчи даражали қисмларининг жингалаклиги қониқарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Ривожланиши нормал. Конституцияси пишиқ. Бундай қўзиларнинг териси «Ясси юпқа I» сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари ўртача катталикда ва йирик. Жингалакларининг шакли: орқа қирраси билан думғазасида ўртача узунликдаги ва калта ясси қаламигуллар, ва ёлгуллар, бироз лослар бўлишига йўл қўйилади. Жингалаклари пишиқ. Жуни ипаксимон. Ялтироқлиги нормал ёки кучли. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Етарли даражада сержун бўлмаслигига йўл қўйилади. Конституцияси пишиқ ёки нозикка мойил.

Бундай қўзиларнинг териси «Ясси юпқа I» ва «Ясси қалин I» сортларига тўғри келади.

II-класс. Жингалаклари ўртача катталикда ва йирик. Жингалакларининг шакли: орқа қирраси билан думғазасида калта ясси қалами ва ёлгуллар, ён томонларида ловиясимон гулларга айланиб кетади. Жингалаклари ўртача пишиқликда. Жуни қалин ва етарлича қалин эмас, ипаксимон ва етарлича ипаксимон эмас. Ялтироқлилиги нормал ёки етарлича эмас. Гули ҳам етарлича аниқ эмас. Териси қалин тортган, бўш. Тана иккинчи даражали қисмларининг жингалаклиги етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси «Ясси 2» ва «Ясси 3» сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

Мустақил иш учун топшириқ

Ясси группага кирадиган ҳар хил сорт 12 та қоракўл тери тасвирланиб, класси аниқлансин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ясси қоракўл типдаги қора рангли қўзиларни ажратиб турадиган хусусиятлари нималардан иборат?

2. Жингалаклари йирик қўзиларни элита классига киритиш мумкинми?

3. Ясси қоракўл типидаги қўзиларнинг жун қоплами нима билан ажралиб туради?

4. Ҳар хил классларга мансуб ясси тип қўзиларни тасвирлаб беринг?

8-МАШҒУЛОТ

ЯССИ ҚОРАКУЛ ТИПДАГИ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ ВА ТАСВИРЛАШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ИШ

Машғулотдан мақсад — ясси қоракўл типдаги қора рангли қўзиларни бонитировка қилишни ўқувчиларга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — барча сортлардаги ясси группа қоракўл терилари коллекциялари, қоракўл териларини бонитировка қилиш альбомлари, журналлари.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, мустақил иш.

Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш методикаси.

Қуйидаги саволларни бериб, оғзаки ёки ёзма равишда сўроқ ўтказиб кўриш керак:

1. Жакет қоракўл типига мансуб элита I ва II класс қўзилар характеристикасини тасвирлаб беринг (ҳар бир студентга сифати жиҳатдан қарама-қарши 2 та класс характеристикасига оид савол бериш лозим);

2. Индивидуал бонитировка маълумотларини бонитировка калити ёрдамида ёзиб чиқинг (студент ўқитувчи айтиб турганларини доскага ёзади);

3. Ясси қоракўл типга мансуб қўзиларни тасвирлаб беринг (студент бевосита терилар мисолида кўрсатиб бериши зарур);

4. Ясси типга мансуб қўзиларга эн солиш схемасини (бу қўзиларнинг териси қандай навларга тўғри келиши кераклигини кўрсатиб) чизиб беринг.

Эслатма: сўроқ ёзма равишда ўтказиладиган бўлса, 1, 3, 4-саволларни бериш керак.

Мустақил иш учун топшириқ

18 та қоракўл терини бонитировка журналларида тўла индивидуал бонитировка схемаси бўйича (барча сортлар бўйича 6 тадан тери олиб) тасвирлаб чиқинг.

Мустақил иш вақтида ўқитувчи журналларнинг тўғри тўлдирилиб боришини, тўғри баҳо берилишини назорат қилиб боради, тегишли тушунтиришлар бериб туради.

9-МАШҒУЛОТ

ҚОВУРҒАСИМОН ҚОРАКЎЛ ТИПДАГИ ҚОРА РАНГЛИ ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИ МИСОЛИДА КЎРСАТИБ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — қовурғасимон қоракўл типга мансуб ҳар хил классдаги қоракўл қўзилар хусусиятларини тушунтириб бериш ва студетларни уларни ажратиб, таниб олишга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар — қовурғасимон типга мансуб қоракўл тери коллекциялари. Қоракўл қўзиларни бонитировка қилишга оид инструкция. Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш альбомлари.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, қоракўл териларни кўрсатиб туриб тушунтириб бериш, ёздириш (класслар харктеристикасини студентлар инструкциядан мустақил кўчириб олишади). Қоракўл терини тасвирлаш юзасидан мустақил иш.

Сўраш учун саволлар

1. Ясси типдаги қўзиларни классификациялаш схемасини чизиб кўрсатинг.
2. Ясси типдаги қўзилар классларини тасвирлаб беринг.
3. Элита, 1- ва 2- класс қўзиларининг териси қайси сортларга тўғри келади ва уларнинг конституцияси қандай бўлиши керак?
4. Ясси қоракўл типдаги қандай қўзиларни наслчиликда фойдаланиш учун қолдирса бўлади?

Ҳар хил классга мансуб қовурғасимон қоракўл тип қўзиларини тасвирлаб чиқиш ва уларнинг ҳаммасини албатта терилар мисолида кўрсатиб бериш. Буларнинг қайси хиллари матлуб типлар эканини, қайсиларини наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мумкинлигини батафсил тушунтириб бериш. Жингалаклари йирик айрим қўзилар жун қопламининг калта тортган ва сифатсиз бўлишига алоҳида эътибор бериш.

Шундан сўнг студентлар қовурғасимон тип қўзилар классларининг тасвирини мустақил кўчириб олишга киришишади. Мана шу иш тугаганидан кейин студентлар қовурғасимон типга мансуб териларни қуйида келтирилган формага мувофиқ мустақил тасвирлайдилар. (5- машғулот, 1- жадвалга қаранг).

ҚОВУРҒАСИМОН БАРРА ТИПИ

Элита. Жингалаклари ўртача катталикда. Жингалаклари бутун танаси бўйлаб қовурғасимон узун қаламигул ёки узун ёлгулларга аралаш қовурғасимон қаламигуллар шаклида. Жингалаклари пишиқ. Жуни калта, қалин, ипаксимон. Ялтироқлиги кучли. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Сержунлиги яхши. Ривожланиши нормал. Конституцияси пишиқ ёки нозикка мойил.

Бундай қўзиларнинг териси «Қовурғасимон юпқа 1» сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари ўртача катталикда. Улар орқа қирраси, думғазасида ва ёнларида ўртача узунликдаги, тўла буралмаган қовурғасимон қаламигуллар ва узун ёлгуллар шаклида; ён томонларида бироз лослар бўлишига йўл қўйилади. Жингалаклари пишиқ. Жуни калта тортган, ипаксимон. Ялтироқлилиги нормал. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Тана иккинчи даражали қисмларининг жингалаклиги ўртача. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси «Қовурғасимон юпқа 1» сортига тўғри келади.

II класс. Жингалакларининг катталиги ўртача ва майда. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ўртача узунликдаги ва калта ёлгуллар, қовурғасимон қаламигуллар, ён томонларида ёлгуллар ва лослар шаклида. Жингалаклари ўртача пишиқликда. Жуни

қалин, ялтироқлиги етарли эмас. Гули аниқ эмас. Тана иккинчи даражали қисмларининг жингалаклари етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси «Қовурғасимон юпқа 2» сортига тўғри келади.

II класс. Жингалаклари йирик. Жингалакларининг шакли: орқа қирраси билан думғазасида қовурғасимон калта қаламгуллар ва ёлғуллар ёки етарлича ўралмаган, кенг ёлгуллар билан лослар аралашган йирик ловиясимон гуллар, бутун танаси бўйлаб сербар ёлгуллар. Жингалаклари ўртача пишиқликда. Жуни қалин, ипаксимонлиги етарли эмас. Ялтироқлилиги нормал ёки ипаксимон. Нақшлари етарлича аниқмас. Териси пишиқ ёки бўш, қалин. Жун қоплами сийрак. Конституцияси дағал.

Бундай қўзиларнинг териси «Қовурғасимон қалин I». «Қовурғасимон қалин II» ва «Йирик жингалакли» сортларга тўғри келади.

Мустақил иш учун топшириқ

Қовурғасимон группага кирадиган ҳар хил сортдаги 12 та қоракўл тери формага мувофиқ тасвирлаб берилсин (5- машғулот, 1- жадвалга қаранг).

Мустақил ишни бажариш вақтида ўқитувчи форманинг тўғри тўлдирилиб, тўғри баҳо берилаётганини назорат қилиб боради, тегишли изоҳ-тушунтиришларни бериб туради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қовурғасимон типга мансуб қўзиларнинг бошқа қоракўл типига кирадиган қўзилардан фарқи нимадан иборат?

2. Матлуб тип деб ҳисобланадиган қўзиларни характерлаб беринг.

3. Элита қўзилари 1 класс қўзиларидан нима билан фарқ қилади.

4. Жингалаклари йирик қўзиларни элита ёки 1 классга киритиш мумкинми?

5. Қовурғасимон типга мансуб эркак қўзилар орасидан қандайларини наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мумкин?

10- МАШҒУЛОТ

ҚОВУРҒАСИМОН ҚОРАКЎЛ ТИПГА МАНСУБ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ ВА КЛАССЛАРИНИ ТАСВИРЛАБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАРИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ИШ

Машғулотдан мақсад — ковурғасимон қоракўл типга мансуб қора рангли қўзиларни бонитировка қилишни студентларга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ковурғасимон группага мансуб барча навлардаги қоракўл тери коллекциялари, қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш альбомлари ва журналлари.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, қоракўл терини тасвирлаш юзасидан мустақил иш.

Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Қуйидаги саволлар бўйича, оғзаки ёки ёзма равишда сўроқ ўтказиш:

1. Қовурғасимон қоракўл қўзи барра типининг элита, I, II классларига характеристика беринг. (Ҳар бир студентга сифат жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши иккита класс характеристикаси бўйича саволлар бериш керак).
2. Бонитировка калити ёрдамида индивидуал бонитировка маълумотларини ёзиб беринг (студент ўқитувчининг айтиб турганларини ёзади).
3. Қовурғасимон қоракўл типга мансуб қўзиларни тасвирлаб беринг.
4. Қовурғасимон типга мансуб қўзиларга эн солиш схемасини чизиб, шу қўзиларни териси қайси навларга тўғри келиши кераклигини кўрсатиб беринг.

Эслатма: 1, 2 ва 4-саволларни ёзма равишда бериш керак.

Мустақил иш учун топшириқ

20 та қоракўл терини бонитировка журналларида тўла индивидуал бонитировка схемаси бўйича (барча қовурғасимон навлардан 5 дона тери олиб) тасвирлаб беринг.

Мустақил иш вақтида ўқитувчи журналларнинг тўғри тўлдирилишини, териларга тўғри баҳолар берилишини назорат қилиб боради, тегишли изоҳ-тушунчалар-

ни бериб туради. Бўш вақтида ёзма ишларни текширади ва машғулотнинг охирида баҳоларни эшиттириб, энг типик хатоларни муҳокама қилиб чиқади.

11-МАШҒУЛОТ

ҚАВҚАЗ БАРРА ТИПДАГИ ҚОРА РАНГЛИ ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — Қавказ барра типдаги қўзиларнинг хусусиятларини тушунтириб бериш ва уларни бонитировка қилишни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — Қавказ барра типдаги қоракўл терилар, қўзиларнинг тулумлари, қоракўл қўзиларни бонитировка қилишга доир инструкциялар ва альбомлар.

Машғулот ўтказиш тартиби — тушунтириш, ёздириш ва мустақил иш.

Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Бу темани тушунтириш вақтида барра типи (кавказ типи)га кирадиган териларнинг жунлари ўсиқ, талайгина қисми бўш ва эни нотекис бўлиши, ловиясимон жингалаклари ҳамда калта қаламигулларининг устун туриши билан характерланишига, қўзиларнинг аксари дағал ва бўш конституцияда бўлишига студентларнинг диққат-эътиборини алоҳида жалб қилиб ўтиш керак. Бундай қўзиларнинг терилари арзон қоракўл навларига киради ва номақбул бўлиб ҳисобланади.

Шу типдаги эркак қўзиларни наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мутлақо ярамайди.

Селекция-наслчилик ишларини олиб боришда жуни ўсиқ терилар сонини имкони борича камайтиришга жиддий эътибор бериш керак. Тушунтиришни олдиндан тайёрлаб қўйилган, типик терилар мисолида ўтказиш лозим.

ҚАВҚАЗ БАРРА ТИПИ

II класс. Жингалаклари йирик. Жингалакларининг шакли: орқа қирраси билан думғазасида ёлгуллар аралаш калта қаламигуллар ва ловиясимон жингалаклар ён томонларида яхши ўралмаган ловиясимон жингалаклар ёки орқаси билан думғазасида ловиясимон йирик жингалаклар, ён томонларида суст ўралган ловиясимон жингалаклар. Жингалаклари пишиқ ва ўртача пишиқ.

Жуни ўсиқ, ипаксимон ёки ипаксимон эмас. Ялтироқлилиги нормал ёки етарли эмас. Гули аниқ. Териси бўш ёки пишиқ, қалин. Жун қоплами етарли эмас. Конституцияси дағал.

Бундай қўзиларининг териси «I дағал кавказ» сортларига тўғри келади.

II класс. Жингалаклари ўрта катталикда. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ўртача узун ва калта қаламигуллар, ловиясимон жингалаклар, ён томонларида ёлгуллар, нўхатсимон ва ҳалқасимон жингалаклар шаклида. Жингалаклари ўртача пишиқ. Жуни қалин, ўсиқ, сал-пал ипаксимон. Ялтироқлиги етарли эмас. Нақши унча аниқмас. Териси бўш, қалин тортган ёки қалин. Конституцияси пишиқ (бақувват) ёки дағал.

Бундай қўзиларнинг териси «I ингичка кавказ» сортига тўғри келади.

II класс. Жингалаклари майда. Жингалакларининг шакли: орқаси билан думғазасида калта қалами гуллар ёки ёлгуллар, аралаш ловиясимон жингалаклар, ён томонларида нўхатсимон жингалаклар бўлиши мумкин. Жингалаклари ўртача пишиқ. Жуни етарли қалин эмас, бир қадар ипаксимон. Ялтироқлилиги етарли эмас. Ёғ-терлиги ўртача. Нақши етарлича аниқ эмас. Териси бўшроқ, юпқа. Конституцияси нозик. Бундай қўзиларнинг териси «Флера» навига тўғри келади.

Брак. II класс талабларига жавоб бермайдиган, жуни сийрак, қуруқ, дағалроқ бўлиб, нўхатсимон, пармасимон, ҳалқасимон жингалаклар ҳолида ўралган, танасининг асосий қисмида деформацияси ёки оласи бор қўзилар брак қилинади.

Бундай қўзиларнинг териси III сортга тўғри келади.

Мустақил иш учун топшириқ. Жингалаклари ҳар хил катталикда бўлган 18 та қоракўл терини жингалакларининг шаклига қараб тасвирлаб чиқинг (5-машғулот, 1-жадвалга қаралсин).

Мустақил ишни бажаришда ўқитувчи топшириқнинг тўғри бажариб борилаётганини кузатиб туради, тегишли тушунтириш изоҳларини бериб боради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Кавказ барра типига кирадиган қўзиларнинг характерли хусусияти нимадан иборат?
2. Кавказ барра типдаги қўзиларни наслчиликда фойдаланиш учун қолдирса бўладими?

3. Жингалаклари ўртача катталикда ва йирик бўлган 2- класс қўзилари ўртасидаги тафовутларни кўрсатиб беринг.

Бу тема ниҳоясида коллоквиум ўтказиш керак. Бунинг учун студентларга коллоквиумда қора рангли қўзиларга баҳо бера олиш ва индивидуал бонитировка журналини тўғри тўлдира олиш хусусида савол бериб сўралади, деб олдиндан хабар бериб қўйиш зарур. Коллоквиумни дарсдан ташқари пайтда ўтказиш керак. Бунинг учун студентларга группалари ва навлари жиҳатидан ҳар хил бўлган 6—8 тадан қоракўл териларни бериб, улардан шу териларни бонитировка журнали формасига мувофиқ тасвирлаб чиқиш ва шу асосда шунақа терили қўзиларнинг класси билан типини аниқлаш топширилади. Коллоквиумни ўтказишда студентларга бонитировка билан сортировка (сортларга ажратиш) ўртасидаги фарқни тушунтириб бериш, унинг биринчи сортни биринчи класс билан адаштирмаслигини, «барра типи» ва «барра группаси» деган терминлардан тўғри фойдалана олишини текшириб кўриш лозим. Бунда қоракўлчиликка оид дафтарлари бор-йўқлиги ҳамда уларнинг тўғри тўлдириб бораётганини ҳам текшириб кўриш лозим.

12-МАШҒУЛОТ

КУК ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАРИНИНГ РАНГ-ТУСЛАРИ, НАҚШЛАРИ ВА БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Машғулотдан мақсад — кўк қўзиларни бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириб бериш, ранг-туслари ва рангбаранглик нақшларни ажратишга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар — ҳар хил нақшли қоракўл терилар, қўзиларнинг тулумлари, қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш альбоми ва шунга оид инструкциялар. Слайдлар, диапозитивлар.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, қоракўл териларни кўрсатиб туриб тушунтириб бериш, ёздириш (ранг-туслар ва нақшларнинг характеристикасини ўқувчилар инструкциядан мустақил ҳолда кўчириб оладилар). Кўк қоракўл қўзиларнинг туслари ва нақшларини аниқлаш юзасидан мустақил иш.

8- расм. Ў — та кўк тусли қўзи.

Тавсия этиладиган адабиётлар — Инструкция по бонитировке каракульских ягнят с основами племенного дела. М, 1974.

Серые каракульские овцы Гигинейшвили Н. С., 1954.

Қоракўлчилик. Раҳимов. А. А. 1967.

Разведение серых каракульских овец. Стояновская В. И., 1967.

Племенная работа в цветном каракулеводстве. Гигинейшвили Н. С., 1976.

Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Студентларнинг диққатини, аввало, кўк қоракўл қўзиларнинг тусига, рангининг бутун қўзи гавдаси бўйлаб

бир текис тарқалганлиги, рангбаранглиги (нақши)га баррасининг типи ва классига қараб танланишига жалб этиш керак. Кўк қоракўл тери оқ ва қора толаларнинг аралашувидан ҳосил бўлишини кўрсатиш лозим.

Ранг-туси қўзи терисининг нечоғлик кўклигини характерлаб беради, бу — оқ ва қора жун толаларининг оз кўплигига, шунингдек улар узунлигининг нисбатига боғлиқ. Бу қўзилар туси жиҳатидан оч-кўк, ўртача ва тўқ-кўкка бўлинади.

Оч кўк тусли қўзилар терисида оқ жунлар ўртача 80% атрофида (70% дан 95% гача), ўртача кўк қўзилар терисида ўртача 65% (45% дан 70%гача) ва тўқ кўк қўзилар терисидан ўртача 25% (8% дан 45% гача) бўлади.

Рангнинг бутун тери юзаси бўйлаб бир текис тарқалганлиги ва бир тусда бўлиши муҳим белги ҳисоб-

9-расм. Тўқ кўк тусли қўзи.

10- расм. Оч кўк тусли қўзи.

ланади. Рангнинг бир текис тарқалганлиги яхши, ўртача ва ёмон даражаларга бўлинади.

Кўк қўзилар қоракўл терисининг ранг-туси бир хил бўлса ҳам нақши (жилоси) жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, уларнинг жилолари оқ ва қора жунлар миқдорининг ўзаро нисбатига, бирининг иккинчисига нисбатан узун-калталигига, қора жунлари пигментларининг нечоғлик кўплигига, оқларининг ниҳоятда оқ ва ипаксимонлигига, барра юзаси бўйлаб қай тариқа жой олганига қараб ҳар хил бўлади.

Ўртача кўк тусли терилар орасида қуйидаги нақшлар фарқ қилинади: ҳаво ранг, кумуш ранг ва сурма ранг.

Тўқ кўк тусли терилар садафсимон ва тўқ кўк рангга ажратилади.

Оч кўк тусли терилар пўлати ва сутранг жилоли териларга ажратилади.

Энг мақбули ҳаворанг, кумушранг ва оқарган сафид (оқ) ранг нақшлардир.

Оқ жунлар 55—65% атрофида бўлганда **ҳаворанг** нақш юзага келади. Қора жун кучли пигментланган бўлиб, узунлиги оқ жун узунлигининг тахминан 85% ини тащкил этади. Бундай жун қовушоқ, эластик, ялтироқ ва ипаксимон бўлади.

Кумуш ранг нақш жуда ялтироқ оқ жунлар микдори тахминан 65—70% бўлганда юзага келади: оқ жун, хаворанг нақшли теридагига нисбатан (20%) узунроқ бўлади.

Қўрғошинранг нақш тенг узунликдаги оқ ва қора жунлар тахминан бир хил нисбатда бўлганда юзага келади. У қора жунлар пигментацияси сусайиб, қўнғир тусга кириши ва оқ жунлардаги сарғиш ранг камайиб, хира ялтироқлик пайдо бўлиши туфайли юзага келади.

Сафид (оқ) **ранг** нақш нисбатан тўла бир текис бўлиши билан харктерланади. Оқ жунга қараганда қора жун анча кўп бўлса бундай нақш юзага келади. У ҳолда оқ жун 45%дан кам ва қора жунга қараганда 10—15% узун бўлади.

Оқ жун қора жунга қараганда анча узун бўлганда садафранг нақш ҳосил бўлади. Қора жунлар миқдори 70%дан кўп бўлади. Бирмунча узун ва анча сийрак оқ жунлар барранинг устки қисмини ҳосил қилади, унинг тагидан қора жун кўриниб туради. Оқ жунлар анча узун ва жуда ялтироқ бўлса терининг нақши, айниқса ясси ва қовурғасимон группа барраларида жуда чиройли бўлиб кўринади.

Тўқ кўк нақш тери юзасининг кўк қисми қора жун билан қопланган бўлиши билан, оқ жун қўзининг яғринидан думғазасигача тасмадек бўлиб ўтади.

Пўлати нақш оқ ва қора жунлар бир хил узунликда, оқ толалар жуда ялтироқ бўлиб, сони жиҳатидан қоралардан устун турганда юзага келади.

Оқ толалар бирмунча **сут ранг** ёки **бўрранг** нақш ўсиб, қоралари устидан кўтарилиб турадиган, ялтироқ-

лиги камроқ ва қораларидан оқлари кўпроқ бўлганда юзага келади.

Нақш бевосита қоракўл терилари мисолида тасвирлаб берилади, бунда бир жинсли танлаб олинган кўк қўйлар наслининг биологик хусусияти шундаки, қўзиларнинг кўпчилиги ирсий факторлар туфайли туғилганидан кейин ўлиб кетади, деб айтиб ўтиш керак.

Шиллиқ пардалари кучли пигментацияланган кўк рангли қўзилар конституцияси жиҳатидан бирмунча бақувват бўлади. Пигментацияси кучсиз кўк қўзилар кўпинча яшашга ноқобил бўлиб, ривожланишининг турли даврларида ўлиб кетади.

Бонитировка вақтида РОЖ методини қўлланиш билан бир хил қилиб танлашда кўк қўзилар орасида бўладиган нобудгарчиликни камайтириш мумкин.

Тил ва танглай, кўз конъюктивалари, лаб ва тумшуқ шиллиқ пардалари, шунингдек туёқлар пигментининг ранги жиҳатидан олганда бирмунча аниқ боғланиш борлиги маълум бўлади.

Пигменти йўқ қўзиларнинг шу жойларда қон томирларининг кўриниб туришидан оч рангда бўлади, бундай қўзилар ёшлигида ўлиб кетади (типик альбинослар).

Кўк қўзилар пигментация даражасидан ташқари танасининг тузилиши ва саломатлигининг аҳволига кўра ҳам танланади. Альбиноидлиги кўриниб турган ва шу белгиси бор деб гумон қилинган қўзиларнинг ҳаммаси териси учун сўйиб юборилади.

Узун ва ўртача узун қаламгул жингалакларининг жуда ипакдек бўлиб, яхши ялтираб туриши наслчиликда фойдаланиш учун олиб қолинадиган кўк рангли қўзиларга қўйиладиган талабларнинг зарур элементларидир.

Мустақил иш учун топшириқ

Кўк териларни оқ ва қора жунларининг миқдори, бир-бирига нисбатан узунлиги, қора жунларининг пигментация даражаси ва оқ жунларининг оқлилиги жиҳатидан тасвирлаш.

Барранинг ранг-туси, нақши ва унинг бутун тери юзаси бўйлаб бир хил тақсимланганлигини аниқлаш.

Ҳар қайси ранг теридан 10 тадан ҳаммаси бўлиб 30 та олиб, қуйидаги форма бўйича тасвирланг.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Кўк қўзиларни бонитировка қилишда қора қўзилар олинганда яна қандай қўшимча белгилар аниқланади?

2-жадвал

№	Тери №	Жуннинг миқдори		Жуннинг узунлиги		Қора жунлар пигментацияси интенсивлиги	Оқ жунларнинг оқлилиги ипаксимонлиги	Ранги	Нақши	Накшининг бир текислиги
		оқи	қораси	оқи	қораси 100%					

2. Кўк терилар ранг-туслари ва нақшларининг ҳосил бўлиши нимага боғлиқ?
3. Қандай нақш ҳаммадан кўра энг матлуб деб ҳисобланади?
4. Бир хил рангли қўйлардан туғилган кўк қўзиларнинг биологик хусусияти нимадан иборат?

13-МАШҒУЛОТ

АСЛ ЗОТЛИ КЎК ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИНИНГ СХЕМАСИ ҚЎЗИЛАРГА ЭН СОЛИШ

Машғулотдан мақсад — асл зотли кўк қоракўл қўзиларни классификациялаш хусусиятлари ва уларга эн солишни тушунтириш. Кўк рангли қўзиларнинг барра типини аниқлаш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ҳар хил нақшли кўк қоракўл терилар, қўзи тулумлари, қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемаси, слайдлар, диапозитивлар.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, қоракўл териларни кўрсатиб тушунтириб бериш, ёздириш, (қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемасини студентлар мустақил ҳолда кўчириб оладилар).

Қоракўл қўзиларнинг ранг-туси, нақшларини тасвирлаш ва барра типини аниқлаш юзасидан мустақил иш.

Барра типлари	Класси	Жингалагининг йирик-майдалиги, қўзи баррасининг қайси сортга мансублиги		
		платинасимон	бронзасимон	қаҳрабосимон
Жакет	Элита	Ярим доирасимон группа I сортларининг энг яхши қисми		
	I	Ярим доирасимон группанинг I сортлари		
Ясси	Элита	Ясси группа I сортларининг энг яхши қисми		
	I	Ясси группанинг I сортлари		
	II	Қовурғасимон ясси группанинг II сортлари		
Қовурғасимон	Элита	Қовурғасимон группа I сортларининг энг яхши қисми		
	I	Қовурғасимон группанинг I сортлари		
	II	Қовурғасимон ясси группанинг II сортлари		
Жакет ва Кавказ	II	Ярим доирасимон группанинг II сортлари, Кавказ группасининг I сорти		
Брак		III сорт		

7- расм. Қора қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш ва уларга эн солиш схемаси.

Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Студентларнинг диққат-эътиборини кўк қўзилар ҳам, қора рангли қўзилар сингари жакет, ясси, қовурғасимон ва кавказ барра типларига бўлинишига жалб этиш зарур. Бироқ кўк қўзилар конституцияси-

нинг бўшлиги ва оқ жунларнинг узунроқ бўлиши жингалакларининг йирикроқ бўлиб чиқишига олиб келади. Бундай қўзилар терисининг жингалаклари камроқ жингалакланган, териси юпқароқ ва бўшроқ бўлади.

Кейин кўк қўзиларга эн солиш хусусиятларини схема бўйича баён қилиш. Кўк қўзиларни рангига қараб баҳолашнинг муҳимлигини тушунтириш.

Мустақил иш учун топшириқ

Нақши ва барра типи жиҳатидан ҳар хил бўлган кўк териларни қуйидаги формага мувофиқ тасвирлаш.

Ўқитувчи қуйидаги саволлар юзасидан бир йўла ёзма равишда дарс ўтказиши ҳам мумкин:

1. Кўк қўзилар ранги ва нақши жиҳатидан қандай хилларга бўлинади?

2. Кўк қўзиларнинг ранги билан нақши нималарга боғлиқ?

3. Қўзиларга эн солиш хусусиятлари — жакет типдаги кўк қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемасини чизиб кўрсатинг ёки ясси типдаги қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемасини чизиб кўрсатиш ва ҳоказо.

14- МАШҒУЛОТ

ЖАКЕТ ВА КАВКАЗ БАРРА ТИПДАГИ КЎК ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — жакет ва кавказ барра типдаги кўк қўзиларни бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириш ва бундай қўзиларни ажратиб, таниб олиш ва баҳолаш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — жакет ва кавказ группасига мансуб кўк қоракўл терилар, кўк қўзилар тулумлари, қоракўл қўзилар бонитировкасига оид инструкциялар ва қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш альбомлари (Олмаота, 1981 й).

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириш, ёздириш ва мустақил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Ўқитувчи жакет ва кавказ барра типларига кирадиган барча класс қўзиларини қоракўл терилар мисолида кўрсатиб, тасвирлаб беради. Сўнгра студентлар ҳар хил

3-жадвал

Тартиб №	Тери №	Жунлар сони, %		Тола узунлиги		Ранги	Нақши	Нақшининг бир текислиги	Жингалагининг шакли			барра типи
		оқ жунлар	қора жунлар	оқ толалар	қора толалар, 100%				думғазасида	ёнида	орқа қиррасида	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

3-а жадвал

Кўк қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемаси

Барра типи	Класси	Қўзи териларининг ранг-туси ва тўғри келадиган сорти		
		ўртача кўк	тўққўк	очкўк
жакет	Элита жингалаклари ўртача катталикда	Ҳаво ранг кумуш ранг	Сафид	
		«Жакет 1» сортининг энг яхши қисми		

классларга мансуб қўзиларнинг характеристикаларини мустақил кўчириб оладилар.

Элита қўзилар ўртача кўк ва тўқ кўк рангда бўлиб, териси бир текис ҳаворанг, кумушранг ва сафид нақшли бўлади. Жингалаклари ўртача катталикда. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ярим доирасимон узун қаламигуллар, икки ёнида ўртача узунликдаги ва калта қалами ҳамда ловиясимон шаклда. Жингалаклари пишиқ, урғочи қўзиларда қаламгуллари етарлича буралмаган бўлиши мумкин. Жуни қалин, ипаксимон. Ялтироқлиги ўртача. Териси пишиқ, қалинроқ. Гуллари аниқ. Тана иккинчи даражали қисмларининг жингалакланиш даражаси яхши. Қўзиларнинг боши билан оёқларидаги жун қоплами товланадиган ялтироқ нақш ҳосил қилади. Ривожланиши нормал. Конституцияси пишиқ. Экстерьерида нуқсонлари бор ва танаси калта эркак қўзилар элитага киритилмайди.

Бундай қўзиларнинг териси «Жакет 1» типининг энг яхши сортларига тўғри келади.

I класс қўзилар терисининг ранги ўртача кўк, тўқ кўк ва оч кўк, асосий қисмида бир текис тарқалган, корин томонининг бирмунча тўқроқ ва орқасининг ён томонларига қараганда бироз оч тусда бўлишига йўл қўйилади. Нақши ҳаворанг, кумушранг, сафид, пўлати ва садафнамо тусда. Нақши ўртача ва йирик. Жингалаклари: орқа қирраси билан думғазасида ўртача узунликда ва калта бўладиган қаламигуллар, иккала ён томонида ловиясимон, ёлгуллар шаклида бўлади. Жингалакларининг жуни ипаксимон, қалин, пишиқ, ялтироқ. Териси пишиқ, қалин тортган. Гуллари аниқ. Боши билан оёқлари бурама жунлар билан ўртача ва кам қоплама жунлари говланиб туради. Конституцияси пишиқ. Экстерьерида нуқсонлари бор, танаси калта ва ривожланмай қолган эркак қўзилар I классга киритилмайди.

Териси «Жакет-1», «Қалин жакет», «Москва жакети» типларидаги барра сортларига тўғри келади.

ЯРИМ ДОИРА ВА УСИНКИРАГАН ГУЛЛИ II КЛАСС КУК КОРАКУЛ КУЗИЛАР ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

II класс қўзилар жуда хилма-хил, ранг-туси билан нашқи бир текис бўлмаслиги ҳам мумкин. Жингалаклари ўртача катталикда, майда ва йирик. Жингалакларининг шакли орқа қирраси билан думғазасида ярим доирасимон калта қаламигуллар, ловиясимон ва ёлгуллар, ён томонларида йирик ловиясимон, ёлгуллар ва ҳалқа гуллар бўлади. Жингалаклари ўртача пишиқ Ялтироқлиги етарли эмас. Жун қоплами унча ипаксимон эмас. Гули ноаниқ. Териси бўш. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг терилари II сорт талабларига жавоб беради.

Брак II класс талабларига жавоб бермайдиган, жингалакларининг шакли номатлуб, гули нотайин ва ола қўзиларнинг териси брак қилинади.

Бундай қўзиларнинг териси III сортга тўғри келади.

Студентга қуйидаги схема бўйича мустақил иш олиб бориш учун топшириқ берилади (4- жадвал).

Умуман ҳар бир студент ҳар қайси барра типига мансуб бўлган, ҳар хил классларга кирадиган терилардан 25 тасини тасвирлаб бериши керак.

4- жадвал

Кўк рангли қоракўл териларни тасвирлаш схемаси

Тартиб №	Тери номери	Жингалагининг йирик-майдалиги	Жингалигининг шакли			Қалами гулининг узунлиги	Ранг-туси	Тола қопламининг ипаксимонлиги	Нақшининг бир текислиги	Жунининг ялтироқлиги	Оласи бор-йўқлиги	Терисининг пишиқлиги	Терисининг қалинлиги	Жунининг қалинлиги	Жингалагининг пишиқлиги	Гулининг аниқлиги	Сержунлиги	Қоракўлининг типи	Класси
			орқасида	ён томонларида	дум томонида														
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Жакет типдаги кўк қўзилар қандай классларга бўлинади?

2. Элита классига мансуб қўзиларнинг ранги қандай бўлиши мумкин?

3. Кавказ типга мансуб қўзилар билан жакет типга мансуб қўзиларнинг фарқи нимада?

4. Кўк қоракўл қўзиларни баҳолашда жингалагининг майда-йириклиги (эни) ҳисобга олинадими?

5. Ҳар хил классга мансуб бўлган, туси билан нақши ҳар хил бўлган жакет типдаги қўзиларга эн солиш схемасини чизиб кўрсатинг.

15- 16- МАШҒУЛОТЛАР

ЯССИ ВА ҚОВУРҒАСИМОН ТИПДАГИ КЎК ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — ясси ва қовурғасимон типлардаги кўк қўзилар класслари характеристкасини тушунтириш ва уларни баҳолашга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ясси ва қовурғасимон типларга кирадиган қоракўл терилар, кўк қўзилар тулумлари, қоракўл қўзилар бонитировкасига оид инструкциялар ва қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш альбоми (Олмаота, 1981).

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириш, ёздириш, ва мустақил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Ўқитувчи ясси ва қовурғасимон типларга кирадиган барча класс қўзиларини қоракўл тери мисолларида кўрсатиб, тасвирлаб беради. Сўнгра студентлар ҳар хил классларга кирадиган қўзиларнинг характеристикаларини инструкциядан мустақил кўчириб оладилар.

Элита қўзиларининг териси анчагина бир текис тарқалган ҳаворанг, кумушранг ва сафид нақшли бўлади. Жингалакларининг йирик-майдалиги ўртача, шакли орқа қирраси билан думғазасида узун ясси қалами гул, икки ёнида ўртача узунликдаги ва калта ясси қалами гулли жингалаклар бўлади. Улар пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон, ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиш даражаси яхши ва ўртача. Ривожланиши нормал. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси ясси группанинг 1-сортига тўғри келади.

I класс. Қўзиларининг териси ҳаворанг, кумушранг, сафид ва пўлати нақшли бўлади. Жингалаклари ўртача катталикда ва йирик. Жингалакларининг шакли орқа қирраси билан думғазасида узун ёки ўртача узун ясси қаламигуллар, ён томонларида ясси калта қаламигуллар ва бир оз лослар бор. Жингалаклари пишиқ. Жун қоплами қалин, ипаксимон, ялтироқ. Гули аниқ, териси пишиқ, юпқа. Тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиш даражаси ўртача. Суяклари яхши ривожланган. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси ясси группанинг 1-сортига тўғри келади.

II класс. Бундай қўзиларнинг ранги, нақши ва жингалакларининг йирик-майдалиги ҳар хил. Жингалакларининг орқа қирраси билан думғазасида калта ясси қаламигуллар, ён томонларида сербар ёлгуллар ва лослар шаклида. Жингалаклари ўртача пишиқ. Жуни айтарли қалин эмас, унча ипаксимон ҳам эмас. Ялтироқлиги кам. Гули етарлича аниқ эмас. Териси бўш, юпқа ёки қалин. Тана иккинчи даражали қисмларининг жун қоплами сийрак. Конституцияси пишиқ ёки дағал.

Бундай қўзиларнинг териси II сортга тўри келади.

ҚОВУРҒАСИМОН ҚОРАКУЛ ТИПИ

Элита қўзиларининг териси анчагина бир текис тарқалган ҳаворанг ва кумушранг нақшли бўлади. Жингалаклари ўртача катталикда. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида қовурғасимон узун қалами гуллар ва ёлгуллар, ён томонларида ўртача узунликдаги ва калта қовурғасимон қалами гуллар ва ёлгуллар шаклида, пишиқ. Жуни калта, қалин, ипаксимон. Ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа, жун қоплами яхши ва ўртача. Нормал ривожланган. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон барра тип группанинг 1-сортига тўғри келади.

I класс қўзиларнинг териси ҳаворанг, кумушранг, сафид ва пўлати, жингалаклари ўртача катталикда. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида узун ёки ўртача узун қовурғасимон қалами гуллар билан ёлгуллар, ён томонларида қовурғасимон калта қала-

ми гуллар ва ёлгуллар ёки бутун танаси бўйлаб узун ёки ўртача узунликдаги ёлгуллар шаклида. Жингалаклари пишиқ. Жуни калта, қалин, ипаксимон. Ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами яхши. Сержун. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон барра группанинг I сортига тўғри келади.

II класс қўзиларининг териси ҳар хил ранг ва нақшда, жингалакларининг йирик-майдалиги ҳар хил. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида қовурғасимон калта қалами гуллар ва ёлгуллар, ён томонларида ёлгуллар ва лослар шаклида. Жингалакларининг пишиқлиги ўртача. Жун қоплами калта тортган, сийрак. Ипаксимонлиги ҳамда ялтироқлиги етарли эмас, ноаниқ. Териси бўш, юпқа ёки қалин. Тана иккинчи даражали қисмларининг жун қоплами сийрак. Конституцияси пишиқ ёки дағал.

Бундай қўзиларнинг териси 2-сортга тўғри келади.

Бу ишни бажаришда ўқувчига қоракўл терини 4-формага мувофиқ тасвирлаб бериш юзасидан мустақил иш топширилади (студент ҳар хил қоракўл типдан 25 тадан тери олиб, тасвирлаб беради).

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ясси ва қовурғасимон типларга мансуб ҳар хил класс қўзиларга эн солиш схемасини чизиб беринг.
2. Қандай нақшдаги қўзиларни элита деб баҳолаш мумкин?
3. Ясси ва қовурғасимон тип қўзиларнинг энг характерли хусусиятларини тасвирлаб беринг.
4. Ҳар хил классларга мансуб қовурғасимон ва ясси типлардаги қўзиларни тасвирланг.

17- МАШҒУЛОТ

БУХОРО, СУРХОНДАРЁ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАРИНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ ҲАМДА ЭН СОЛИШ СХЕМАСИ

Машғулотдан мақсад — сур зот қўзиларни бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириб бериш, нақшларини бир-биридан фарқ қилишга ўргатиш. Сур зот

қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемасини тушунтириш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ҳар хил нақшли сур терилар, қўзиларнинг тулумлари, қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемаси, қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш альбомлари ва инструкциялари.

Машғулот ўтказиш тартиби — қоракўл териларни кўрсатиб тушунтириш, ёздириш. Сур терилар типлари ва нақшларини аниқлаш юзасидан мустақил ишлаш.

Тавсия этиладиган адабиёт — Инструкция по бонитировке каракульских ягнят со основами племенного дела, М., 1974. Племенная работа в цветном каракулеводстве, Н. С. Гигинейшвили, М., 1976. Қоракўлчиликда наслчилик иши. Тошкент, 1980. ,

Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Сур зот қўзилар ҳам, худди қора рангли қоракўл қўзилар сингари, тўла ва қисқартирилган индивидуал ҳамда класс бонитировка схемасига мувофиқ бонитировка қилинади. Тўла индивидуал бонитировкада сур зот қўзиларнинг нақши, баррасининг типи, жингалакларининг йирик-майдалиги, шакли ва типи, терисининг қалинлиги ва пишиқлиги, жун қопламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, қўзиларнинг конституцияси ва бошқа қимматли белгилари тасвирланади. Ҳозир айтиб ўтилган белгиларнинг сифатига қараб сур ранг қўзилар қуйидаги схемалар бўйича тип ва классларга бўлинади:

Бухоро ва Қорақалпоқ сур қўзиларини классификациялаш ва уларга эн солиш схемаси.

Сурхондарё сур қўзиларини классификациялаш ва уларга эн солиш схемаси.

Сур ранг жун толасининг асоси билан учи ҳар хил рангда бўлиши туфайли юзага келади. Терининг сур рангда бўлиши гетерохромияга, яъни жун толаси учининг оқариб бориши (яъни жуннинг нотекис рангга кириб қолиши) билан боғлиқдир. Жун толасининг асосида тўқ ранг учига томон бориб оқиш тусга ўтади. Бу териларни жилвадор қилиб, чиройли нақш бағишлайди. Сур рангнинг бир текис тарқалганлиги нақшининг бутун тери юзасида бир тусли бўлиши билан характерланади. Жун толалари асоси билан учларидаги ҳар хил рангларнинг бирга қўшилиши сур териларга ҳар хил нақш беради. Келиб чиқиши жиҳатидан сур зотли қўй-

Барра типлари	Класси	Қўзилар баррасининг қайси нақш ва сортга мансублиги	
		Кумушсимон ва пўлати	Тилларанг, шамчироқ, ўрикгул
Жакет	Элита	Ярим доирасимон группа I сортларининг энг яхши қисми	
	I	Ярим доирасимон группанинг I сортлари	
Ясси	Элита	Ясси группа I сортларининг энг яхши қисми	
	I	Ясси группанинг I сортлари	
	II	Қовурғасимон-ясси группа I сортларининг энг яхши қисми	
Қовурғасимон	Элита	Қовурғасимон группа I сортларининг энг яхши қисми	
	I	Қовурғасимон группанинг I сортлари	
	II	Қовурғасимон-ясси группанинг II сортлари	
Жакет ва кавказ	II	Ярим доирасимон группанинг II сортлари ва Кавказ группасининг I сортлари	
Брак		III сорт	

12-расм. Бухоро ва қорақолпоқ тип қўзиларини бонитировка қилиш ва эн солиш схемаси.

ларнинг уч типи — бухоро, сурхондарё ва қорақалпоқ типлари тафовут қилинади.

Бухоро тип сур қўйлар ҳозирги вақтда икки хил: **кумушсимон** ва **тилларанг** нақшли қўзилар олиш учун урчитилади.

Кумушранг — толанинг асоси тўқ сурмаранг ёки қора, учи кулранг ёки кумушранг бўлади. Бу накш ярим доирасимон узун ясси қаламгуллар ҳамда қовурғасимон қаламгуллар билан яхши пайваста бўлади; ясси қоракўл типдаги кумушранг сур айниқса қимматли ҳисобланади.

Тилларанг — жун толасининг асоси тўқ жигарранг тусда бўлгани ҳолда уч томони оч тилларанг бўлиб туришидан юзага келади.

Сўнгги вақтларда Бухоро сурида янги тус ва нақшлар пайдо бўла бошлади, очбинафша ранг, олмос ранг ва бошқа хил нақшлар шулар жумласидандир.

Сурхондарё сури нақшларининг характерли хусусияти жун толаси рангининг ростмана контрастлиги, асосининг қуюқ пигментли — қорамтир рангда бўлиб, учки томонининг анча оқариб туришидир. Сурхондарё тип сур қўйлар **бронзасимон, платинасимон** (оқ олтин) ва **каҳрабосимон** нақшли қўзилар олиш учун урчитилади. Нақш ёрқин, чиройли жило бериб турадиган бўлгани учун эстетик ва товарлик жиҳатидан қиммат ҳисобланади. Унинг учун жун толалари асосининг кофесимон ёки оқ тусда бўлиши характерлидир.

Бундай нақш толанинг пастки зонасида пигмент тўпланиб бориб, бутун жун узунлигининг 45—50% ини эгаллайдиган дистал томонида (учки тарафида) деярли батамом рангсизланиб кетишидан ҳосил бўлади. Бундай нақш ярим доира, ясси ва қовурғасимон қаламигуллар, кучли ялтироқлик ва ипаксимонлик билан пайваста бўлиб туради.

Бронзасимон нақш асоси бирмунча тўқ тусда бўлиб, контрастлиги пластинасимон ва каҳрабосимон нақшдагиларга қараганда камроқдир. Унинг учун жунлар устки томонининг оч бронзасимон ёки оқ рангда ва пастки томонининг ҳар хил тусдаги жигаррангда бўлиши характерлидир. Жуннинг оқиш тортган зонаси бутун узунлигининг 30—35% ини эгаллайди. Бу — Сурхондарё сурининг энг кўп учрайдиган нақши бўлиб, наслдан-наслга ҳаммадан кўра муқимроқ ўтиб боради.

Каҳрабосимон нақш учун жун қоплами юзасининг сариқдан тортиб тилларанг сариқ ёки қовоқранг сариқгача каҳрабо ранггача) бўлиши характерлидир, ана шундай тус тола асосидаги жигарранг тусни қоплаб туради. Бу ранг терининг бутун юзасига бир текис тарқалган, тери жуда ялтироқ ва ниҳоятда ипаксимон бўлади.

Барра типлари	Класси	Жингалагининг йирик-майдалиги. Барранинг қайси нақш ва сортга мансублиги		
		майда	ўртача	йирик
Жакет	Элита	„Кирпук" сортининг энг яхши қисми	„Жакет I" сортининг энг яхши қисми	
	I	„Кирпук"	„Жакет I" „Жакет московский"	„Жакет қалин"
	II		„Жакет II"	
Ясси	Элита		„Ясси юпка I" сортининг энг яхши қисми	
	I		„Ясси юпка I", „Ясси калин I"	
	II		„Ясси II", „Ясси III" нинг энг яхши қисми	
Қовурғасимон	Элита		„Қовурғасимон юпқа I" нинг энг яхши қисми	
	I		„Қовурғасимон юпқа I"	
	II	„Қовурғасимон юпқа II"		„Қовурғасимон I ва II" жингалаги йирик
Кавказ	II	„Флера"	„Кавказ юпқа I"	„Кавказ қалин I"
Брак			Учинчи сортлар	

13- расм. Сунхондарё тип қўзиларини бонитировка қилиш ва эн солиш.

Сурхондарё сурида ҳозир айтиб ўтилган уч нақшдан ташқари яна бошқа бир қанча **нақшлар** ҳам бор— **тилларанг**, оч қамари пушти, сурмаранг, қумранг ва бошқа нақшлар шулар жумласидандир, лекин бундай нақшли ҳайвонлар урчитиш учун ҳали қабул қилинган эмас.

Қорақалпоқ тип сур қўйлар қуйидагича нақшли қўзилар олиш учун урчитилади:

пўлати нақш — жуннинг асоси қора, учи —пўлати ранг;

шамчироқ гул — жуннинг асоси қора, учи оқ;

ўрик гул — жуннинг асоси қора ёки тўқ жигарранг, ўртаси тўқ малла-жигарранг, учи оқ ёки қовоқранг.

Шундай қилиб, сур зотли қўзиларни бонитировка қилишда қора ва кўк қўзилар бонитировкасидагига қўшимча ўлароқ яна толалар асосининг туси ва учининг ранги, оқиш тортган қисмининг чуқурлиги ва ифодаланганлиги, тола тўқ рангли асосининг оқиш тортган қисмига нисбати, қўзидаги с囲суррангининг ифодаланганлик даражаси ва бир текис тарқалганлигига аҳамият берилади.

Толалар асосидаги қорамтир рангининг учига келганида бирдан йўқолиб, оқиш рангга ўтиши сур териларда яхши жило ва чиройли нақш ҳосил қилади ҳамда бу териларни қимматли қилиб қўяди.

Тола асосидаги қора рангнинг қай даражада оқиш тусга ўтиб боришига қараб терилардаги сурранг яхши, ўртача ва ёмон ифодаланган бўлади. Сур рангнинг қанчалик ифодаланишига сурлилик даражаси, яъни тола оқиш тортган учлари узунлигининг тола умумий узунлигига бўлган нисбати таъсир кўрсатади. Жуннинг оқиш тортган қисми ҳар хил тарқалган бўлиши мумкин. Тўла жингалакланган шакллар учун толанинг оқиш тортган учларининг тола узунлигига нисбати 1/3 етарлича буралмаган шакллар учун эса 1/4 ва бундан кўра камроқ бўлиши ҳаммадан матлубдир. Тола оқиш тортган учларининг тола узунлигига нисбатан толани ростлаб, кўз билан чамалаб туриб аниқланади.

Суррангнинг бир текислиги терининг бир хил жилоси, бир тусдаги ранги билан характерланади. Мана шундай бир хил жилолик ва бир туслилик терининг қимматли хоссаси ҳисобланади, нақшнинг нотекис бўлиши эса терининг қимматини пасайтиради.

Мустақил иш учун топшириқ

Ҳар хил нақшли қоракўл териларни 5-жадвалда келтирилган форма бўйича тасвирлаб чиқиш зарур.

5-жадвал

тартиб №	Тери номери	Сур қўйлар типи	Толанинг ранги		Контрастлиги	Сурлилик даражаси	Нақши	Нақшнинг ифодаланганлиги	Нақшнинг бир текислиги	Гулларнинг шакли			Қоракўл типи
			асосидан	учидан						дум томонида	орқасида	ён томонларида	

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Сурранг нималар ҳисобига ҳосил бўлади?
2. Сур қўйлар қандай типларга бўлинади?
3. Сур қўзиларнинг нақшларини типларга қараб тасвирлаб беринг.
4. Суррангнинг ифодаланганлик даражаси ва бир текислиги дейилганда нима тушунилади?
5. Сурлилик даражаси деганда нима тушунилади ва қандай аниқланади?

18-МАШҒУЛОТ

«ЖАКЕТ ВА КАВКАЗ ҚОРАКЎЛ ТИПЛАРГА МАНСУБ СУР ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — жакет ва кавказ тип сур қўзиларни баҳолаш хусусиятларини тушунтириб бериш ва уни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — жакет ва кавказ группасига мансуб сур қоракўл терилар. Сур қўзиларнинг тулумлари, қоракўл қўзиларни бонитировка қилишга доир инструкция ва альбом.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириб бериш ва мустақил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни. Жакет ва кавказ тип сур қўзиларга эн солиш схемасини тушунтириб бергандан

кейин қоракўл терилар мисолида ҳар хил классга мансуб қўзиларнинг характерли хусусиятларини кўрсатиб бериш.

ЖАКЕТ ВА КАВКАЗ ТИПЛАРИДАГИ СУР ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Элита — сур ранги яхши ифодаланган. Жингалакларининг катталиги ўртача, шакли—орқа қирраси билан думғазасида узун ва ўртача узунликдаги ярим доирасимон қалами гуллар, ён томонларида калта қалами гуллар ва ловиясимон гуллар. Жингалаклари пишиқ. Жуни ипаксимон. Ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами яхши ёки етарли эмас. Ривожланиши нормал, Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг терилари 1-сорт ярим доирасимон группанинг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Сурранг яхши ифодаланган. Жингалаклари ўрта ва йирик. Гуллар орқа қирраси ва думғазасида ўртача узун ва калта қалами гуллар билан ловиясимон гуллар, ён томонларида ловиягуллар ёки ёлгуллар шаклида. Гуллари пишиқ, тола қоплами ипаксимон, ялтироқлиги нормал. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Жун қопламининг тана иккинчи даражали қисми яхши ёки етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси ярим доирасимон группанинг I-сортига тўғри келади.

ЖАКЕТ ВА КАВКАЗ ҚОРАКЎЛ ТИПЛАРИ

II класс. Сур ранги етарлича ифодаланган эмас, нотекис. Жингалаклари йирик. Гуллари орқа қирраси билан думғазасида ярим доирасимон калта қаламигуллар ёки ловиясимон гуллар, ён томонларида ёл гуллар ва ҳалқа гуллар шаклида. Жингалакларининг пишиқлиги ўртача. Тана иккинчи даражали қисмларининг жингалаклари тола қоплами етарлича ипаксимон эмас. Ялтироқлиги нормал ёки кам. Гули ноаниқ. Жун қоплами етарли эмас. Конституцияси пишиқ ва дағал.

Бундай қўзиларнинг териси ярим доирасимон группанинг II сортига ёки кавказ группасининг 1- сортига тўғри келади.

Мустақил иш учун топшириқ

Ўқувчилар ҳар хил класс талабларига жавоб берадиган терилардан 10 тадан олиб, уларни қоракўл қўзилар бонитировкаси журнали формаси (форма 3-к) га мувофиқ 39- графага қадар тасвирлаб чиқишлари керак.

Мустақил иш пайтида ўқитувчи берилаётган баҳонинг тўғрилигини кузатиб бориши ва бевосита қоракўл терилар мисолида контроль сўроқ ўтказиши лозим.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Жакет ва кавказ типларига мансуб ҳар хил нақш ва класслардаги сур қўзиларнинг қулоқларига қандай эн солинади?
2. Элита, I ва II класс қўзиларининг маҳсулдорлик хусусиятларини тасвирлаб беринг.
3. Элита қўзилари билан I класс қўзилари, I класс қўзилари билан II класс қўзиларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари орасидаги фарқ нимадан иборат?

19- МАШҒУЛОТ

ЯССИ ВА ҚОВУРҒАСИМОН БАРРА ТИП СУР ҚЎЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ТАСВИРЛАШ

Машғулотдан мақсад — ясси ва қовурғасимон типлардаги сур қўзиларни баҳолаш хусусиятларини тушунтириб бериш ва бунга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ясси ва қовурғасимон тип сур қоракўл терилар. Сур қўзиларнинг тулумлари, қоракўл қўзиларни бонитировка қилишга оид инструкция ва альбом.

Машғулотни ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириб бериш ва мустақил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни. Ясси ва қовурғасимон типдаги сур қўзиларга эн солиш схемасини тушунтириб бергандан кейин ҳар хил классларга мансуб қўзиларнинг характерли хусусиятларини қоракўл терилар мисолида кўрсатиб ўтиш керак.

ЯССИ ҚОРАКЎЛ ТИПИ

Элита. Сур ранг яхши ифодаланган. Жингалакларининг йирик-майдалиги ўртача. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида узун ясси қаламигуллар,

ён томонларида ўртача узун ва калта ясси қаламигуллар шаклида. Гуллари пишиқ. Жун қоплами ипаксимон, жуда ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа ёки қалинроқ. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами яхши ёки ўртача. Ривожланиши нормал. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси ясси группа I- сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Сур ранг яхши ифодаланган. Жингалакларининг йирик-майдалиги ўрта ва йирик. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ўртача узун ва калта ясси қаламигуллар, ён томонларида ясси қаламигуллар, ёлгуллар ва лослар шаклида. Жингалаклари пишиқ. Жуни ипаксимон, кучли ёки ўртача ялтироқ. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа ва қалинроқ. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами яхши ёки етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси ясси группанинг 1 сортига тўғри келади.

II класс. Сур ранг етарли ифодаланмаган, нотекис. Жингалакларининг йирик-майдалиги ўрта ва йирик. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида қовурғасимон калта қалами гуллар ёки ёлгуллар, ён томонларида ёлгуллар ва лослар шаклида. Гуллари ўртача пишиқ. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами етарлича ипаксимон эмас, ялтироқлиги ўртача ёки хираpoқ. Гули нотайин. Териси бўш, қалинроқ. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон-ясси группанинг 2-сортига тўғри келади.

ҚОВУРҒАСИМОН ҚОРАКЎЛ ТИПИ

Элита. Сур ранг яхши ифодаланган. Жингалакларининг йирик-майдалиги ўрта. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида қовурғасимон узун қалами гуллар ёки узун ёлгуллар, ён томонларида ўртача узун ва қовурғасимон калта қаламигуллар ва ёлгуллар шаклида. Жун қоплами ипаксимон, ялтироқлиги кучли ёки нормал. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами етарли эмас. Конституцияси пишиқ. Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон группа 1 сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Сур ранг яхши ифодаланган. Жингалакларининг йирик-майдалиги ўртача ва йирик. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ўртача узун ва калта қовурғасимон қаламигуллар ва ёлгуллар, ён томонларида ёлгуллар ва лослар шаклида. Жингалаклари пишиқ. Жуни ипаксимон ялтироқлиги кучли ёки нормал. Гули аниқ. Териси пишиқ, юпқа ёки қалинроқ. Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон группанинг I сортига тўғри келади.

II класс. Сур ранг етарлича ифодаланган эмас, нотекис. Жингалаклари ўртача ва йирик. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида қовурғасимон калта қаламигуллар ва ёлгуллар, ён томонларида ёлгуллар ва лослар шаклида. Гуллари ўртача пишиқ. Жуни ипаксимон ёки унча ипаксимон эмас. Ялтироқлиги ўртача ёки хирароқ. Гули етарлича аниқ эмас, нотайин. Териси бўш, қалинроқ ёки қалин тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами ўртача ёки етарли эмас. Конституцияси пишиқ.

Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон-ясси группанинг II сортига тўғри келади.

Мустақил иш учун топшириқ

Ўқувчилар ҳар хил класслар талабларига жавоб берадиган терилардан машғулотлар вақтида 5 тадан ва дарсдан ташқари вақтларда 5 тадан олиб, қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш журнали формаси (форма 3- к)га мувофиқ 39 графа бўйича тасвирлаб чиқишлари керак.

Мустақил иш вақтида ўқитувчи берилаётган баҳоларнинг тўғрилигини кузатиб бориши ва бевосита қоракўл терилар мисолида контроль савол ўтказиши лозим.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ясси ва қовурғасимон типларга мансуб ҳар хил нақш ва классдаги сур қўзиларнинг қулоқларига қандай эн солинади?

2. Ясси ва қовурғасимон типларга мансуб элита, I ва II класс қўзиларининг маҳсулдорлик хусусиятларини тасвирлаб беринг.

лида. Жун қоплами ипаксимон, ялтироқлиги нормал. Жингалаклари пишиқ ва ўртача пишиқ. Гули аниқ. Конституцияси пишиқ, шунингдек нозик ва дағал конституцияга мойил.

Бундай қўзиларнинг териси 1-сортга тўғри келади.

II-класс қўзиларининг ранги ҳар хил тусда ва жингалаклари йирик, майда бўлади. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида яримдоирасимон калта, ясси ва қовурғасимон қаламигуллар ёки ловиясимон гуллар, ён томонларида суст ўралган ловиясимон гуллар, ҳалқа гуллар, ёлгуллар ва лослар шаклида. Жингалаклари ўртача пишиқ. Жун қоплами унча ипаксимон эмас. Ялтироқлиги етарли эмас. Гули ноаниқ. Конституцияси пишиқ, шунингдек нозик ва дағал конституцияга мойил.

Бундай қўзиларнинг териси II-сортга тўғри келади.

Брак. II класс талабларига жавоб бермайдиган, жуни дағал ва қуруқ қўзиларнинг териси III сортга тўғри келади.

Қамбар ранг. Қамбар ранг жигарранг қўйларни соф ҳолда урчитганда, шунингдек, бошқа рангдаги қўйлар урчитилганида белгиларнинг ажралиши туфайли ҳосил бўлади.

Қамбар қўзилар ранг-туслари жиҳатидан оч жигарранг, ўртача жигарранг, тўқ жигарранг қўзиларга бўлинади ва гулигаз қўзилар қандай принципга асосан бонитировка қилинса, худди шу принципга мувофиқ бонитировка қилинади, аммо қамбар қўзилардан элита класси ажратилмайди.

Наслчилик мақсадлари учун 1 класс эркак қўзилари олиб қолинади ва булардан жигарранг совлиқларни қочириш учун фойдаланилади. Қўзиларни ихтисослаштирилган хўжаликларда баҳолашда элита класси ажратилиши мумкин.

ОҚ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

I класс қўзилари жингалаклари ўрта ва йирик ўлчамда. Жингалаклари орқа қирраси билан думғазасида ҳар хил узунликдаги ярим доирасимон, қовурғасимон ва ясси қалами гуллар ва ловиясимон гуллар, ён томонларида етарлича ўралмаган ловиясимон гуллар ва ёлгуллар шаклида. Жуни ипаксимон. Ялтироқлиги нормал. Жингалаклари пишиқ ва ўртача пишиқ. Гули аниқ. Конституцияси пишиқ.

15- расм. Оқ тусли совлиқ ва қўзилар.

Бундай қўзиларнинг териси 1-сортга тўғри келади.

II класс. Жингалаклари ўртача ва йирик. Жингалаклари орқаси билан думғазасида ўртача узун қаламигуллар, ёлгуллар аралаш ловиясимон гуллар, ён томонлари ва қорнида ёйиқ ловиясимон гуллар, ҳалқагуллар ва лослар шаклида. Жун қоплами қалин, унча ипаксимон эмас, ялтироқлиги нормал ёки унчамас. Гули етарлича аниқмас. Конституцияси пишиқ ёки дағал.

Бундай қўзиларнинг териси 2 сортга тўғри келади.

Брак. II класс талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек жунлари қуруқ, ола қўзиларнинг териси нечоғлик кўп бўлса, тери ранги шунча оч тусда бўлади, 3-сортга тўғри келади.

Оқ рангли қўйларни урчитиш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган хўжаликларда қўзиларни қоракўл типларига бўлиб, энг яхшиларини элита классига ажратиш мумкин.

ДУРАГАЙ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Қоракўл зот қўчқорларни бошқа (барра терили, думбали ва дагал жунли) зот совлиқлар билан чатиштириб олинган дурагай қўзилар қон-қардошлиги қана-

қалигидан қатъи назар классли бонитировка қилинади.

Дурагай қўзиларнинг териси қуйидаги белгилар билан характерланади:

— жун қоплами дағалроқ, унча ипаксимон эмас, ялтироқлиги кам ёки хира, шишасимон;

— жингалакларининг шакли асл (соф) зотли қўзиларда қанақа бўлса, худди шунақа, лекин гуллари камроқ буралган пишиқлиги ўртача ёки бўш;

— бўйни, боши, оёқлари бироз товланиб турадиган ёки силлиқ жун билан қопланган;

— орқа оёқларининг сакрагич бўғинидан юқори қисми кучсиз буралган бўш жингалаклар, силлиқ ёки ўсиқроқ сал кўтарилиб турадиган жун билан қопланган;

— думи асоси кенг, ўзи калта тортган; аранг билинадиган ўсимта билан тугалланади ёки бундай ўсимтаси бўлмайди, думи понасимон калта ёки чўзиқроқ шаклда, суст жингалакланган ёки тўғри жун қопланган бўлиши ҳам мумкин.

Бонитировка қилишда дурагай қўзиларни ранги ва барра типига қараб, классларга ажратмасдан туриб, группаларга бўлинади.

Дурагай эркак қўзилар, одатда наслчиликда фойдаланиш учун қолдирилмайди. Барра терили зотларга мансуб совлиқларни қоракўл қўчқорлар билан чатиштирадиган хўжаликларда терисининг сифати олий даражага кирадиган, асл зотлардан олинган дурагай эркак қўзилар истисно тариқасида наслчилик ишларида оддий қўчқорлар сифатида фойдаланиш учун қолдирилиши мумкин.

Мустақил иш учун топшириқ

Студентлар турли класслар талабларига жавоб берадиган ҳар бир рангдаги терилардан бештадан олиб, уларни қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш журна-

6- жадвал

Дурагай қўзиларга эн солиш схемаси

Ранги ва классн	Барра типлари			
	«жакет»	«ясси»	«қовурғасимон»	«кавказ»
белгиланмайди				

7-жадвал

Гулигаз ва қамбар қўзиларни классификациялаш ва уларга эн солиш схемаси

Қоракўл типлари	Класси	Қўзилар баррасининг ранги, нақши ва тўғри келадиган сорти			
		ўртача гулигаз	ўртача қамбар	оч гулигаз, оч қамбар	тўқ гулигаз ва тўқ қамбар
Бўлинмайди	элита	I сортнинг энг яхши қисми			
Бўлинмайди	I	барча рангдаги I сортлар			
	II	барча рангдаги II сортлар			
Брак		III сорт			

ли формасига (форма 3-к) га мувофиқ тасвирлаб чиқишлари керак.

Мустақил иш маҳалида ўқитувчи берилаётган баҳоларнинг тўғрилигини назорат қилиб бориши ва бевосита терилар мисолида контроль сўроқ ўтказиши лозим.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Гулигаз қўзиларнинг рангларини, уларни классификациялаш схемасини чизинг.
2. Оқ ва қамбар қўзиларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини тасвирлаб беринг.
3. Дурагай қўзиларни баҳолаш хусусиятларини тасвирланг.
4. Гулигаз, қамбар ва оқ рангли қўзиларга эн солиш ва уларни классификациялаш схемаларини чизиб кўрсатинг.

21-МАШҒУЛОТ

ҚУЗИЛАРНИ 12—20 КУНЛИГИДА, 4 ОЙЛИГИДА ВА 1,5 ЁШЛИГИДА ҚУШИМЧА БАҲОЛАШ

Машғулотдан мақсад — қўзиларни 12—20 кунлигида, 4 ойлигида ва 1,5 ёшлигида қўшимча баҳолаш хусусиятларини тушунтириб бериш ва ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар—қоракўл қўзиларнинг тулумлари, қоракўл қўзиларни бонитировка қилишга оид инструкция ва альбом.

Машғулотни ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириб бериш ва мустақил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Наслдор эркак қўзилар 12—20 кунлигида қандай белгиларига қараб баҳоланадиган бўлса, аввало, шу белгиларнинг ҳаммасини қўзи тулумлари ҳамда териларида кўрсатиб ўтиш керак.

Шундан кейин студентлар эркак қўзиларни 12—20 кунлигида, 4 ойлигида ва 1,5 ёшлигида қўшимча равишда баҳолашга асос бўладиган белгиларини мустақил равишда кўчириб оладилар.

Сўнгра студентлар қўзи терилари ва тулумларини бонитировка журналида (форма 3-к да) мустақил равишда тасвирлашга киришадилар.

ҚЎЗИЛАРНИ 12—20 КУНЛИГИДА ҚЎШИМЧА БАҲОЛАШ

Баъзи қоракўл қўзиларида жингалакларини қоракўл териларининг барча хусусиятлари нисбатан узоқ муддат (12—20 кун) гача сақланиб қолади. Бошқа бирларида терисининг сифати анча тез, гоҳида 3—4 кунлигидаёқ сезиларли даражада ўзгариб кетади.

Завод ва наслчилик хўжаликларида наслга қолдирилган эркак қўзиларни 10—15 кунлигида такрор баҳолаш шарт. Бунда юқори сифатли жингалаклари ва жун қопламининг сақланиб қолгани қўзилар баррасининг типи ва рангини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Баҳо қуйидаги кўрсаткичларга қараб берилади: ривожланганлиги, ориқ-семизлиги, жун пигментациясининг нечоғлик сақланганлиги, жингалакларининг сақланганганлиги, жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлигига қараб баҳо берилади. Қўзилардаги камчилик ва афзалликлар эслатмада батафсил баён этилади.

Қоракўлининг сифатлари кескин ёмонлашиб кетган эркак қўзиларни бракка чиқариб, гўштга топширилади. Масалан, қора рангли қўзиларда бир талай оқ жунлар пайдо бўлса, жун қоплами анча қўнғир тусга кириб қолади.

Хўжаликдаги наслдор эркак қўзиларнинг ҳаммасини 12—20 кун давомида бош зоотехник, наслчилик иши бўйича зоотехник ёки бош бонитёр тажрибали чўпонлар иштироки билан кўздан кечириб чиқади.

Қўзининг ривожланганлиги ва ориқ-семизлиги, яъни ҳайвоннинг қай даражада тўғри ривожланиб бораётга-

ни, унда яшаб кетишга қандай имкониятлар борлиги, саломатлиги, конституциясининг нечоғлик пишиқлиги қайд қилинади.

Пигментациянинг сақланиш даражаси. Қоракўл қўзилар орасида жун қопламининг пигментация даражаси тез вақт ичида ўзгариб кетадиган, ёки жун қопламининг пигментацияси узоқ вақт сақланиб қоладиган қўзилар ҳам учрайди. Кўпчилик қўзиларда 12—20 кун ичида тим қора ранг батамом сақланиб қолади, бошқаларида эса бу ранг айнаб, анча қўнғир тусга киради. Тим қора ранг терилар жуда чиройли жило беради. Шунинг учун танлашда одатда шу рангни узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳайвонлар афзал кўрилади.

Жингалак гулларининг сақланиш даражаси. Айрим қўзилар жингалакларининг типи 12—20 кун ичида шу қадар яхши сақланиб қоладики, терисининг сифати жиҳатидан янги туғилган қўзилар терисидан қолишмайди. Қўзиларнинг ана шу хусусиятини селекционерлар жуда қадрлашади.

Жун ялтироқлиги ва ипаксимонлигининг сақланиш даражаси. Қўзининг ёши улғайган сайин мана шу сифатларининг йўқолиб кетиши тери қимматини пасайтириб юборади.

Оқарган тола борлиги. Қора рангли баъзи қўзиларда шу давр ичида жуда кўп миқдорда оқ, қуруқ тола пайдо бўлади, бу — наслдор ҳайвон учун жуда катта нуқсон ҳисобланади.

Қуруқ тола борлиги—наслдор қоракўл қўзилар учун салбий деб ҳисобланадиган белги. Янги туғилган қўзиларда қуруқ тола борлиги бонитировка маҳалида баъзан билинмай қолади, бундай қўзилар юқори баҳо олади, аммо 12—20 кунлигида кўздан кечириб қаралганида, айниқса думининг ёгли қисми ва сонларида қуруқ толалар борлиги маълум бўлиб қолади. Бундай қўзилар брак қилинади.

Қўзилар териси асосий хоссаларининг нечоғлик сақланиб қолганлиги тўғрисидаги умумий характеристика асосида, ҳайвоннинг ривожланиш даражаси ва конституцияси ҳисобга олинади, унга балли система бўйича **завод баҳоси** ёки **йиғинди (суммар) баҳо** берилади:

«5» баҳо — барча қимматли хоссалари: ривожланганлик даражаси, конституцияси, экстерьери, терисининг сифати ва бошқалар ҳаммадан яхши кўзга таш-

ланиб турган, қандай бўлмасин бирор хилдаги камчиликлари мутлақо бўлмаган аъло даражали қўй;

«4» баҳо — қандай бўлмасин бирор нуқсони бўлмаган, аммо барра сифатлари, ривожланиш даражаси ва конституциясида айтарлик хусусиятлар ҳам кўзга ташланмайдиган дуруст, яхши ҳайвон;

«3» баҳо — тери сифати қаноатланарли аҳволда бўлган, аммо кўпчилик кўзга ташланиб турадиган белгилари яхши сақланиб қолмаган ёки жуссаси, бўй-басти яхши ўсиб етилмаган қўй.

12—20 кунлик наслдор эркак қўзиларни қўшимча баҳолашга оид маълумотларни журналга ёзишда махсус шартли белгилардан — бонитировка калитидан фойдаланилади. Бонитировка калитини студентлар мустақил кўчириб олишлари керак.

1. Ривожланиши нормал (нор.), орқада қолган (о. қ.);

2. Семизлик даражаси — яхши (я.), ўртача (ўр.), ўртадан паст (ўр. п.);

3. Пигментациянинг сақланиш даражаси—яхши (я.), нормал (нор.), ёмон (ём.);

4. Жунида оқ тола борлиги — йўқ (йўқ), жуда кам (ж. кам), кўп (кўп);

5. Жингалакларнинг сақланиш даражаси — яхши (я.), қаноатланарли (қан.), ёмон (ём.);

6. Жун қопламининг ипаксимонлиги (и.), ипаксимонлиги етарли эмас (иеэ.).

7. Ялтироқлиги—нормал (нор.), кам (кам), хира (х.);

8. Қуруқ тола борлиги — думининг ёғли қисмида (дум), қорнида (қор.), қуруқ тола йўқ (йўқ);

9. Баллар ҳисобидаги завод баҳоси — ривожланиш даражаси билан жингалакларининг сақланиш даражаси аъло—5, яхши—4, қаноатланарли—3.

4—5 ойлигида, яъни онасидан ажратилганида наслдор эркак қўзиларнинг ҳаммаси ривожланиш даражаси ва конституцияси жиҳатидан текшириб чиқилади, уларни боқиб, парвариш қилиб бориш учун энг яхши шароитлар яратиб берилади. Онасидан ажратилганидан кейин уларни алоҳида отарларга тўплаб, серўт яйловларга чиқарилади ва уларни парвариш қилиб бориш иши энг яхши чўпонларга топширилади.

Баҳорги жун қирқими олдидан бир ёшли эркак қўзиларни кўздан кечириб текшириб чиқишдан мақсад барча кўрсаткичлари (класси, ота-онаси, ривожланиш

даражаси, жун-конституция белгилари) жиҳатидан ҳаммадан яхши ҳайвонларни саралаб олишдир.

Бир ёшлигида саралаб олинган ёш қўчқорларнинг энг яхшиларини бир ярим яшарлигида, кузги жун қирқими олдидан насл сифати текширилади. Бундай қўчқорлар сунъий вагинага ирғишга олдиндан ўргатилган ва уруғининг сифати сунъий қочириш инструкциясига мувофиқ текшириб чиқилган бўлиши керак.

Мустақил иш учун топшириқ.

Мавжуд қўзи тулумлари ва териларидан фойдаланиб, тегишли баҳо қўйиб чиқинг ҳамда саралаш белгиларини бонитировка калити ёрдамида бонтировка журналига ёзиб қўйинг (форма 3- к).

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. 12—20 кунлик қўзилар нима мақсадда қўшимча баҳоланади.
2. 12—20 кунлик қоракўл қўзилар қандай белгиларига қараб баҳоланади?
3. Бонитировка журналини бонитировка калити ёрдамида тўлдириб чиқинг.
4. 4 ойлик ва 1,5 яшар эркак қўзилар нима учун ва қандай белгилари бўйича баҳоланади?

22-МАШҒУЛОТ

ҚОРАКЎЛЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ҲИСОБИ

Машғулотдан мақсад — наслчилик ҳисоби бўйича формаларни тўлдириш тартибини ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — наслчилик ҳисоби учун қоракўлчиликда қўлланиладиган формалар.

Машғулот ўтказиш тартиби — сўраш, тушунтириб бериш ва ҳисоб формаларини тўлдириш юзасидан мустақил иш.

Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси. Қоракўлчиликда наслчилик ҳисоби қуйидаги формаларга мувофиқ олиб борилади:

1. Наслдор қўчқор карточкаси (форма — 1-к);
2. Наслдор совлиқ карточкаси (форма — 2-к);

3. Уруғлантиришни, совлиқларнинг қўзилашини ва қоракўл қўзиларни бонитировка қилишни ҳисобга олиш журнали (форма —3-к);

4. Қоракўл қўзилар бонитировкаси натижалари тўғрисидаги акт (форма — 4-к);

5. Қоракўл тери, барра сифатини ҳисобга олишнинг якунловчи ведомости (форма — 5-к);

6. Қоракўл қўйлар подасининг сифат таркиби тўғрисидаги ведомость (форма — 6-к);

7. Йўлланма (накладная) (форма — 7-к);

8. Қўзилатишнинг бориши тўғрисида акт (форма — 8-к);

9. Қоракўл зот наслдор қўчқорлар ва совлиқларнинг завод китоби.

Наслчиликни ҳисобга олиб бориш тўғрисидаги ҳозир айтиб ўтилган формалар, давлат наслчилик китоблари СССР Марказий статистика бошқармаси билан келишилган ва ҳар бир республикада марказлаштирилган ҳолда нашр этиб борилади (буларнинг ҳаммасини студентларга кўрсатиш зарур).

Наслдор қўчқорлар карточкаси текшириб кўрилган қўчқорларга ҳамда наслнинг сифатини текшириб кўриш учун танлаб олинган ва сунъий уруғлантиришда фойдаланиладиган қўчқорларга тўлдирилади. Наслчиликда фойдаланиш учун сотилиши керак бўлган қўчқорларга наслдорлиқ гувоҳномалари тузилади. Унга ёзиладиган ёзувлар бонитировка журнали, вояга етган ҳайвонларни бонитировка қилиш блокноти ва ведомостларидан олинган маълумотларга асосланган бўлади.

Наслдор совлиқлар карточкалари наслчилик заводларида, наслчилик хўжаликларида ва наслчилик фермаларида элита I класс қўзиларни туққан элита ва I класс совлиқларига тўлдирилади . Ёзиладиган материаллар бонитировка маълумотларидан, шунингдек қоракўл тери сифати ведомостидан ҳамда вояга етган ҳайвонларни бонитировка қилиш ведомостидан олинади.

Уруғлантириш, совлиқларнинг қўзилаши ва қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш ҳисобга олиб бориладиган журналга наслдор совлиқлар, шунингдек қайси отарларда қўчқорлар насл сифати текшириб кўрилаётган бўлса, ўша отардаги совлиқлар ёзилади.

Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш натижалари тўғрисидаги акт ҳар бир отарда қўйлар қўзилаб бўлганидан кейин ўстиришга қолдирилган қўзилар инвента-

ризацияси асосида тузилиб, бунда қўзиларнинг жинси, ранги, барра типи, класси ва жингалакларининг йирик-майдалиги кўрсатиб қўйилади.

Қоракўл тери барра сифатини ҳисобга олишнинг якунловчи ведомости ҳар бир хўжаликда қоракўл териларни қоракўлчилик заводларида саралаб, сортларга ажратиш маълумотлари асосида тузилади.

Қоракўл қўйлар подасининг сифат таркиби тўғрисидаги ведомость ҳар йили отарларни тузиш натижаларига қараб тузилади.

Йўлланма (накладная) қўзиларни ва териларини сўйиш пунктига юбориш маҳалида бевосита отарларда тўлдирилади.

Наслчилик заводлари ва наслчилик хўжаликларидаги наслдор қўчқорлар завод китобига наслдор қўчқорларнинг ҳаммаси, улардан нима мақсадда фойдаланишдан қатъи назар, ёзилади (1,5 ёшлигида бонитировка қилиш маълумотлари ва қўчқорлардан кейинчалик фойдаланилганда олинган материаллар асосида).

Подадаги наслдор совлиқлар учун завод китоби наслчилик заводларида юритилади, бу китобга барча завод типида қўйлар ёзилади (элита ва I класс совлиқлари ҳамда индивидуал саралаш ўтказилаётган жойлардаги элита совлиқлар). Бу китобга совлиқларнинг нечтадан қўзи туққани ҳар йили ёзиб борилади.

Қўчқорлар билан совлиқлар биринчи марта завод китобларига туғилганида ўтказилган бонитировкадан кейин ёзилади. Кейинчалик бу китобга қўйларнинг расми ёпиштирилади, улардан фойдаланиш натижалари ва маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотлар ёзиб борилади. Ҳайвонларнинг бошқа хўжаликларга сотилгани ҳам китобда қайд қилиб қўйилади.

Ҳайвонлар Давлат наслчилик китоблари тўғрисидаги Низомга мувофиқ қоракўл қўйлар давлат наслчилик китобига ёзилади.

ҚОРАКУЛ ҚУЗИЛАРНИ РАСМГА ОЛИШ

Наслчилик заводлари ва наслчилик хўжаликларида насл учун қолдириладиган эркак қўзиларни расмга олиш наслчилик ишларини ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўстириш даврида қўзиларнинг онасини эмиши ва овқат ейишини синчиклаб кузатиб бориш зарур. Эмизикли совлиқларни тўлиқ рацион билан боқиб бориш қўзиларнинг яхши ўсиб-униб боришини таъминлайди.

Қўзиларни ёш сақмондан каттароқ сақмонга ўтказишда ҳар бир қўзининг ёшидан қатъи назар организмининг умумий ҳолати ва ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Сақмонларни «она-бола»га ажратиш жараёнида она қўйлар ва уларнинг қўзилари бор-йўқлиги доимо текшириб турилади.

Заиф қўзилар алоҳида сақмонга ажратилиб, яхши парваришланади ва боқилади. Бу совлиқларга яйлов озиғига қўшимча қилиб концентратлар ёки сервитаминли пичан бериб турилади. Сақмондаги қўзилар парвариши сақмончиларга топширилади.

Сақмонларни ўтлатишда қуйидаги талабларни бажо келтириш зарур:

— бир сақмондаги қўзиларнинг бошқа сақмондаги қўзилар билан аралашиб кетмаслигига;

— қўзиларни йўлларда, ҳайдаладиган ерларда ва юмшоқ тупроқли яйловларда ўтлашига (қўзилар тупроқ ейди ва шундан кейин кўпинча ўлиб қолади) йўл қўймасликлари;

— қўзилар онасини топиб олиши учун сақмонни ҳар куни 2—6 мартадан (қўзилар ёшига қараб) тўплашлари;

— қўзиларнинг зах ерда, айниқса ёмғирдан кейин ётишига йўл қўймасликлари (акс ҳолда, улар шамоллаб касал бўлиб қолиши мумкин);

— кун ботиши билан қўзиларни ҳайдаб келиш (агар улар оналари билан бирга ўтлаб юрган бўлса) ва эрталаб уларни барвақт ўрнидан турғазмаслик;

— бир ойли катта сақмонларни кечаси оналари билан бирга ўтлатиш;

— заиф қўзиларга ёки наслчиликда фойдаланиш учун мўлжаллаб қўйилган энг қимматли қўзиларга 1,5—2 ойлигидан бошлаб яйлов ўтларига қўшимча равишда ҳар бош қўзига кунига 0,2—0,4 кг ҳисобидан (яйловларнинг ҳолатига қараб) концентратлар бериб туриш тавсия этилади.

Сақмонларни ўтлатиш учун тупроғи тез қизийдиган, серқум ва совуқ шамолларни тўсувчи табиий ҳимояси бор жойлар танланади. Заиф қўзилар эса қўра атрофида қолдирилади. Улар қувватга кириб, тетиклашган сайин очиқ яйловларга ҳайдалади. Барча ёшдаги сақмонларни

қўзилатиш ўтказилаётган жойдан очиқ яйловларга барвақт чиқариш қўзиларнинг яхши ўсиб-униб боришига ҳамиша ёрдам бериши тажрибада исботланган. Ўстиришга қолдириладиган ҳар 100—120 бош қўзига 45 кунга 1 та сақмончи ажратилади.

Қорақўлчилик хўжаликларида одатда қўзиларни 3,5—4,5 ойлигида онасидан ажратилади. Қорақўл қўзиси онасини эмадиган даврда тез ўсади ва тирик вазни вояга етган қўйлар вазнининг 60—65% ига етиб қолади. Масалан, яхши ривожланган қўзининг тирик вазни онасидан ажратиш маҳалида 28—32 кг, ўртача ривожланганиники 22—27 кг ва суст ривожланган қўзининг тирик вазни 15—21 кг бўлади. Жуда заиф, ривожланмай қолган қўзилар, шунингдек танасида бирор шикасти (чиққан, синган жойлари) бўлганлари онасидан ажратишда алоҳида ҳисобга олинади, аммо бажариладиган план ҳисобига киритилмайди ва бу қўзилар маълум бир кондицияга етмагунча ёки батамом соғайиб кетмагунча улар учун чўпонларга қўшимча ҳақ тўланмайди.

Қўзилар ранги, жинси, наслчиликдаги ўрни, барра типи (маҳсулдорлик типи), класси ҳамда жингалагининг йирик-майдалигига қараб ажратилади. Бу ҳақдаги маълумотлар қўзиларни онасидан ажратиш тўғрисидаги якунловчи актга ёзиб қўйилади. Ёш қўзиларни қабул килиб олишда мана шу акт асосий ҳужжат ҳисобланади. Ёш қўзилар онасидан бирин-кетин ажратиб борилади. Онасидан ажратишдан 10—15 кун аввал ёш қўзилар совлиқлардан алоҳида ўтлатилади, эрталаб эса уларни оналарининг ёнига қўйиб қўйилади. Қўзиларни онасидан ажратиш иши шу тарица ташкил этилганида қўзилар ўзича ўтлаб юришга ўрганади ва онасидан батамом ажратилганидан кейин ўзини яхши сезиб, организм ҳолатида айтарлик ўзгаришлар бўлмайди. Қўзилар ўргатилмасдан туриб, онасидан бирдан ажратиб қўйилса улар она сутидан маҳрум бўлиб фақат яйлов ўтлари билан озиқланишга мажбур бўлади. Ана шундай кескин ўзгариш айрим ножўя ҳодисаларга сабаб бўлади, чунки қўзилар мустақил ҳаётининг дастлабки кунларида яхши ўтламайди, уларда моддалар алмашинуви бир қадар бузилади, натижада ёш қўзилар ўсиш ва ривожланишда орқада колади. Қўзилар онасидан ажратилганидан кейин юқорида айтиб ўтилган ҳодисалар рўй бермаслиги учун ёш қўзилар отарларига 15—20 бош совлиқ қўйларни қўшиб қўйиш тавсия этилади. Зооветеринария талаблари бўйича

қўзиларни онасидан ажратгандан кейин урғочиларини алоҳида тўқлилар группасига, зотли эркак қўзиларни қўчқорчалар группасига ажратиб қўйиш керак. Ривожланмай қолган ва сурункасига касал бўлиб юрадиган заиф-қўзилар алоҳида группаларга ажратилади.

Соғлом тўқлилар ранги, баррасининг типи, жингалагининг йирик-майдалиги, класси ҳамда бошқа бонитировка маълумотларига қараб алоҳида отарларга жамланади ва энг серўт яйловларда ўтлатилади.

Қўзиларни онасидан ажратиш ва улардан отарлар тузишда қуйидагиларни ҳисобга олмоқ зарур:

1. Қўзиларни онасидан ажратиладиган жой ва муддатларни, булар хўжалик жойлашган экологик зона, яйлов-озиқа шароитлари ва йилнинг иқлим шароитларини;

2. Қўзиларни онасидан ажратиш техникасини, яъни қўтонлар ёки ажратиб қўйилган жойлар, йўл бошловчи эчкилар, серкалар ва совлиқлардан фойдаланиш имкониятларини;

3. Отарлар сони, наслдор тўқлилар учун 600—620 бош, оддий пода тўқлилари учун 800—850 бош, зотли эркак қўзилар учун 300—350 бош, бошқа эркак қўзилар учун 750—800 бош ҳисобидан тузилади;

4. Отарларининг дастлабки сифат таркиби (отарларнинг сифат таркиби бонитировка маълумотларига асосан тузилган якунловчи инвентаризация актига қараб аниқланади).

5. Зарур бўладиган чўпонлар ва ёрдамчи ишчилар сонини.

Заиф қўзилар отарини қишлоққа яқин жойда, эски бедазорларга жойлаштириш, чучук сув билан таъминлаб туриш ва ёш қўзилар суткасига 100—120 г дан ўсиб борадиган қилиб қўшимча озиқ бериб бориш керак. Қолган қўзилар сифатига қараб отарларга жамланади.

ЁШ ҚЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПИ

НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ОТАРЛАР ТУЗИШ

Қора рангли қоракўл қўзилари қуйидагича алоҳида-алоҳида отарларга жамланади:

Барра типи яримдоирасимон қўзилар:

а) майда жингалакли элита ва I класс;
б) ўртача жингалакли элита ва I класс;
в) йирик жингалакли I класс;

г) ўртача жингалакли II класс.

Ҳар бир группа қўйлари етишмайдиган бўлса, майда жингалакли ва ўртача жингалакли элита ҳамда I класс қўзиларини битта отарга қўшиш мумкин. Бундан ташқари I класс йирик жингалакли қўзиларни II класс ўртача жингалакли қўзиларга қўшиш мумкин.

2. Ясси барра типдаги қўзилар:

а) элита ва I класс;

б) II класс.

3. Қовурғасимон барра типдаги қўзилар:

а) элита ва I класс;

б) ўртача жингалакли II класс;

в) йирик жингалакли II класс.

Хўжаликда ясси ва қовурғасимон барра типидаги қўзилар сони етарли бўлмаган ҳолларда уларни қуйидаги тартибда қўшиб боқилади: ясси барра типидаги элита ва I класс қўзилари қовурғасимон барра типидаги элита ва I класс қўзилари билан бирга боқилади: ясси барра типининг II класс қўзилари қовурғасимон барра типининг II класс қўзилари билан бирга боқилади.

4. Жун қоплами ўсиқ бўладиган кавказ барра типидаги қўзилар:

а) ўртача жингалакли IIкласс;

б) йирик жингалакли IIкласс;

в) майда жингалакли II класс.

Жингалаклари бир хил ўлчамдаги қўйлар сони кам бўлганда уларни битта отарга қўшиш мумкин. Шу тариқа тузилган отарлар доимий бўлиб ҳисобланади. Уларни қўйлар хўжалик ишлаб чиқаришида бўладиган вақтнинг бошидан охиригача чўпон бригадаларига топшириб қўйилади. Отарлар тузишнинг ана шундай методи қўй-қўзиларни соғлом ва яхши ривожланган қилиб етиштиришда чўпонлар манфаатдорлигини оширади. Отарлар ҳар йили кузда қўшимча равишда кўздан кечириб чиқилади. Касаллиги, ривожланиш даражаси, конституцияси жиҳатидан талабларга жавоб бермайдиган қўйлар бракка чиқарилади, отарлар ранги, баррасининг типи, класси ва ёши бўйича тегишли бўлган ҳайвонлар билан тўлдирилади.

КЎК ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПИ

Кўк қўзилар отарларини тузишда терисининг ранг-туси, нақши, класси, барра типи (маҳсулдорлиги) ҳисобга олинади.

1. Ярим доирасимон барра тип қўзилар қуйидаги алоҳида отарларга жамланади:

а) ўртача кўк рангли, ҳаворанг, кумушсимон нақшли элита ва I класс қўзилар;

б) тўқ кўк рангли, сафид ва садафсимон нақшли элита ва I класс қўзилар;

в) оч кўк рангли, пўлати нақшли I класс қўзилар;

г) барча ранг-тус ва нақшлардаги II класс, кавказ тип қўзилар ҳам шунга қўшилади.

2. Қовурғасимон-ясси барра тип ёш қўзилар қуйидаги отарларга ажратилади:

а) ўртача кўк рангли, ҳаворанг, кумушсимон нақшли элита ва I класс қўзилар;

б) тўқ кўк рангли, сафид ва садафсимон нақшли элита ва I класс қўзилар;

в) барча ранг-тус ва нақшлардаги II класс қўзилар.

Қандай бўлмасин бирор барра типи, ранг-тус ва нақшдаги, классдаги зотдор, қимматли ҳайвонлар сони кам бўлса, улар ўзига монанд келадиган қимматли, зотдор ҳайвонларга қўшилади; қиммати пастроғи эса қиммати пастроқ қуйларга қўшиб боқилади.

СУР ҚЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ

Барча сур қўзилар отарлари бухоро сури бўйича ихтисослаштирилганда тилларанг, кумушранг; сурхондарё сури бўйича ихтисослаштирилганда платинасимон, бронзасимон ва каҳрабосимон; қорақалпоқ сури бўйича ихтисослаштирилганида пўлати, ўрик гул, шамчироқгул нақшларга ажратилади. Барра типларини ҳисобга олиб туриб ҳар бир нақш бўйича қўзилар отарларга жамланади. Ҳар бир нақш ва барра типи доирасида қўзилар классларга ажратилади. Битта нақш доирасидаги ёш қўзилар сони кам бўлса, қовурғасимон барра типга мансуб I класс ёш қўзиларини ясси барра типга мансуб I класс ёш қўзилар билан бирлаштирса бўлади. II класс ёш қўзиларини ҳам худди шу принципга мувофиқ бирлаштириш мумкин. Ярим доирасимон ва ўсиқ барра типдаги II класс қўзилари ҳам бирлаштирилади.

ТОВАР ХЎЖАЛИКЛАРДА ЁШ ҚЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ

Товар хўжаликларида туқлилар ранг-туси, барра типи ва классларига қараб ажратилади. Жакет, ясси ва қовурғасимон типлар элита класси қўзиларини жингалак-

лари ҳар хил катталикда, ранг-туси ва нақши ҳар хил бўлган I класс қўзиларини битта отарда асрашга рухсат этилади (тўлдириб комплектлаш). Жингалакларининг катталиги ҳар хил бўлган II класс қўзиларини барра типи, ранг-туси ва нақшини ҳисобга олиб туриб бирлаштиришга рухсат этилади. Отарлар сифати жиҳатидан нечоғлик бир жинсли қилиб тузилса, саралаш ҳам шунча самарали бўлиб чиқади. Мана шу кўрсаткичлардан ташқари давлат наслчилик заводларида ҳайвонларнинг наслнасаби ҳисобга олинади, шу сабабдан ёш қўзилар отарларини сара элита, оддий элитадан алоҳида тузиш тавсия этилади. Жуда дағал ёки жуда нозик конституцияли қўзилар классидан қатъи назар завод подасига қўшилмайди.

Давлат наслчилик заводларида қўзилар отарларини тузишда, ушбу хўжаликда ҳайвонлар линияси яратилаётган ёки линиялар бўйлаб урчитиш ишлари олиб борилаётган бўлса, алоҳида зотдор қўчқорлардан туғилган қўзиларни ҳисобга олиб бориш жуда муҳим.

Қўзиларнинг нормал ўсиб ривожланиши учун онасидан ажратилганидан кейин 10—12 ойлик бўлгунича уларни яхши боқиб бориш, тез-тез яйратиб туриш ниҳоятда зарур.

Қўзи отарлари учун яйлов ажратишда жой рельефи, тупроғининг типи ҳисобга олиниши керак. Қум барханлари бўлган ва бута, ўт ўсимликлар ўсиб турган баландпаст жойлар улар учун ҳаммадан қулай келади (С. И. Кедрова, 1969). Мана шундай яйловларда майда ўтлар етарли миқдорда бўлади (читир, қорамашак, арпағон, сета, қуён жун ва бошқалар). Мана шундай жойларда қўзилар яхши ўтлабгина қолмай, балки яйраб, сайр ҳам қилади. Бу — уларнинг бақувват, чидамли ва маҳсулдор ҳайвонлар бўлиб етишишига ёрдам беради.

8- жадвал

Қўзилар учун тахминий озиқ нормалари (Бутуниттифоқ чорвачилик илмий текшириш институти маълумотлари)

Ёши (ой)	Тирик вазни, кг	Озиқ бирлиги	Ҳазм бўладиган протеин, г	Туз, г	Са, г	Каротин, мг
4—6	23—30	0,95—1,5	140—155	6—10	6,0—7,0	7—10
6—8	31—34	1,05—1,15	145—160	6—10	6,3—7,3	7—10
8—10	34—39	1,15—1,25	150—165	6—10	6,6—7,3	8—13
10—12	41—46	1,20—1,40	155—180	6—10	6,8—7,8	9—13

Бундан ташқари мана шундай яйловларда қиш илиқроқ бўлади.

Ўт қоплами қалин бўлган яйловларда онасидан ажратилган қўзиларнинг вазни суткасига ўртача 150—200 г дан ортиб боради ва йил охирига бориб уларнинг тирик вазни 38—40 кг га етади. Бу, эрта туғилган қоракўл қўчқорчаларни ўша йилнинг ўзидаёқ гўштга топшириш мумкинлигини кўрсатади. Мана шу даврда ҳар бир кг қўшимча вазн ҳисобига қилинган харажат энг кам бўлади. Бундай қўзилардан энг арзон ва юқори сифатли гўшт олиш мумкин.

Агар шу ёшда қўзилар озиқа билан яхши таъминланмай қолса, ноқулай ташқи шароитларга бардош беролмай, заиф ва каммаҳсул бўлиб, кўпинча, ўлиб кетади.

Ёш қўзиларни диққат билан парвариш қилиб бориш, уларни вақтида ўтлатиб, вақтида суғориб туриш ва дам олдириш керак. Қўзилар парваришнинг маълум бир режимига жуда тез ўрганади. Улар олис масофаларга ҳайдаб борилганда тез чарчаб қолади, сувсизликка, сувнинг шўр бўлишига чидамсиз бўлади. Қўзилар онасидан ажратилганидан кейин судан ўт, беда экилган жойларда ёки майин ўтли яйловларда ўтлатиладиган бўлса, у ҳолда кунига 2 марта, эрталаб ва кечқурун ҳайдаб келиб суғорилади. Борди-ю қўзилар ўти қовжираган яйловларда ўтлатиладиган бўлса, у ҳолда онасидан ажратилгандан кейин дастлабки 2 ой мобайнида уларни яйловларнинг ўзида суғориб туриш мақсадга мувофиқдир (яйловларга сув автоцистерналарда олиб келинади). Совуқ тушиб қолган кезларда қўзиларни эрталаб наҳорга суғориш ярамайди. Улар ичкетар ва шамоллаш касалликларига учраб қолиши мумкин. Юриб келиб, иссиқлаб турган қўзиларни ҳам суғориш ярамайди. Суғориш олдидан улар дам олиши керак.

Топшириқ

Фермада 15 400 бош, шу жумладан 900 бош наслдор эркак қўзи, 1600 бош кам қимматли эркак қўзи, 670 бош суст ривожланган қўзи бор. Қўзиларнинг қолган қисми тўқлилар бўлиб, уларнинг 40% кўк, қолгани қора ранглидир. Ранг-туси жиҳатидан олганда тўқлиларнинг 40% жакет, 20% кавказ типига киради, қолганлари қовурғасимон ясси типга мансуб. Ёш қўзи-

ларни 9-жадвалдагига мувофиқ отарларга жамлаш, уларнинг умумий сонини, чўпонлардан неча киши зарур бўлишини ва заиф қўзилар учун 4 ойлик муддатга ҳар хил турдаги озиқалардан қанча кераклигини аниқлаб чиқиш зарур (бир бош қўзига ўрта ҳисобда 150—200 г концентрланган озиқ ва 500 г ўт уни ҳисобидан). Отарлар товар хўжаликлари принципига мувофиқ тузилади.

9- жадвал

Қўзи отарларини тузиш плани

Тартиб	Отар номери	Катта чўпоннинг исми, фамилияси	Қўйлар сони (бош)	Жинси	Ранги	Барра типи	Класси	Қанча зарур бўлади				
								чўпон	ажратиш даврига-ча ёрдамчи ишчи	концентрланган озиқа	хашак	эслатма
Ферма бўйича жами:												

Эслатма: Сифат кўрсаткичларини ўзгартириб, топшириқларнинг бир нечта вариантларини тузиш ва ўқувчиларнинг ҳар бир группасига дифференциалланган топшириқлар бериш мумкин. Материални яхши ўзлаштириб олиш учун топшириқларнинг бирини уйда ишлаб келиш топширилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қоракўл зот қўзилар қандай метод билан ўстирилади?
2. Етим қўзиларни қандай қилиб боқиб ўстириш мумкин?
3. Сақмонлар тузиш тартибини айтиб беринг?
4. Сақмончи қандай қоидаларга риоя қилиши керак?
5. Қўзилар қайси ёшида онасидан ажратилади ва бу ишни муваффақиятли ўтказиш қандай омилларга боғлиқ?
6. Наслчилик хўжаликлари билан товар хўжаликларида ёш қўзилардан отарлар тузиш принципини айтиб беринг.
7. Қўзиларни онасидан ажратгандан кейинги боқишнинг ўзига хос томонларини айтиб беринг.
8. Қўзиларни суғориш режимини тасвирлаб беринг.

24-МАШҒУЛОТ

ПОДА СТРУКТУРАСИ, ҚУЙЛАРНИ БРАККА ЧИҚАРИШ ВА КЕЙИНЧАЛИК УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ҚУЙЛАРНИ БЎРДОҚИГА ВА ЯЙЛОВДА БОҚИЛГАНИДАГИ ОЗИҚА САРФИНИ ҲИСОБЛАШ

Машғулотдан мақсад — ўқувчиларни оптимал пода структурасини ишлаб чиқишга, қуйларни брак қилишни ўтказиш ҳамда бўрдоқига ёки яйловда боқиш йўли билан улардан кейинчалик фойдаланишнинг рационал методларини белгилаб олишга ўқувчиларни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — айрим хўжаликларнинг йиллик ҳисоботлари, пода оборотининг якунловчи формалари (форма № 24-к). Ем-хашакнинг туйимлилик справочниги, «Қоракўл қуйларни боқиш ва асраш» ўқув қўлланмасининг справочниги.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, ўқувчилар топшириқларни мустақил ҳал қилишади. Топшириқлар ўзгартирилиши ва қоракўл қуйларнинг ранги ҳамда хўжалик категориясига қараб совхоз миқёсида ҳамда ферма миқёсида берилиши мумкин. Вақт чекланган бўлганлиги учун ўқувчилар аудиторияда амалда фақат битта топшириқни бажаришади, яна битта ёки иккита топшириқни эса уйда ишлаб келишни топшириш мумкин. Машғулотнинг охирида 3—4 студентни сўраб кўриш керак, улар ўзлари ишлаган топшириқлар бўйича изоҳлар бериши лозим.

Машғулотнинг мазмуни. Пода структураси дейилганда жинси ва ёши ҳар хил қоракўл қуйлар (совлиқлар, туқлилар, қўчқорлар, қўчқорчалар, ахта қўзилар ва урғочи қўзилар) нинг подадаги салмоғи тушунилади. Ҳар йили олинадиган қоракўл тери, жун, гўшт ва пўстинбоп тери миқдори ҳамда қўзилар миқдори ҳам, ана шу пода структурасига боғлиқ бўлади. Қоракўл қуйлар подасининг структураси эса ушбу хўжаликнинг наслчилик ёки товар хўжалик эканлигига, шунингдек ундаги конкрет шарт-шароитларга боғлиқдир.

Наслчилик заводларида қоракўл қуйлар подасининг қуйидаги структураси тавсия этилади:

совлиқлар — 70—75%;

наслдор қўчқорлар (вояга етганлари) — 1,3—1,5%;

синалиши керак бўлган ва синалаётган қўчқорлар — 0,2—0,3%;

ремонтга мўлжалланган қўчқорлар 0,3—0,4%;
наслчилик ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган қўйлар —3,4—3,5%;
тўқлилар — 18—20%.

Хўжаликнинг ички эҳтиёжлари учун кам миқдорда қўзи қолдириладиган товар фермаларда пода структураси 1 январга келганда тахминан қуйидагича бўлади: совлиқлар — 75—78%; ўтган йили туғилган тўқлилар — 15—17%; ўтган йили туғилган эркак қўзилар — 3—5%; қўчқорлар — 2—3%. Республикадаги маълум бир хўжаликнинг конкрет шарт-шароитларига қараб бу тавсияномалар бир қадар ўзгартирилиши мумкин.

Наслчилик хўжаликларида вояга етган ахта қўчқорлар одатда бўлмаслиги керак, чунки наслчилик ишлари учун яроқсиз деб топилган эркак қўзиларнинг ҳаммаси бичилиб, бўрдоқига боқилганидан кейин ёки яйловда семиртирилганидан кейин гўштга топширилади.

Қўйлар подасининг структураси 1 январга белгиланади. Пода структурасининг қўзилатиш муддатларига маҳкам боғлиқ бўлишига ўқувчилар диққатини жалб этиш керак. Чунончи, қўзилаш илк муддатларда бошланганида эркак қўзиларни туғилган йилининг ўзида реализация қилишга эришиш мумкин бўлади, бу — подада совлиқлар сонини ошириш ва шунга яраша маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон беради.

Соҳани рационал юритиш учун барча подалар ҳар йили янгилаб борилади. Шу мақсадда қари, насл олишга ярамайдиган ва каммаҳсул ҳайвонлар бракка чиқарилади. Бу иш қоракўлчилик хўжаликларида ёш қўзилар онасидан ажратилганидан кейин дарров бажарилади. Бунда бракка чиқаришдан тахминан бир ой илгари план тузилиб, шу планда бракка чиқарилиши ва гўштга топширилиши керак бўлган ҳайвонлар сони тахминан мўлжаллаб қўйилади. Айни вақтда отарлар қай хилдаги ва қанча сондаги ҳайвонлар билан тўлдирилиши ҳисобга олинади. Бунда отарлар ва фермаларнинг аҳволи ҳам бир йўла аниқлаб чиқилади. Бракка чиқариладиган ҳайвонларни белгилаб қўйиш учун жунини айнитмайдиган бўёқ тайёрлаб қўйилади. Одатда олдинги тишларининг бир қисми тушиб кетган, тишлари жуда едирилган ёки исканасимон шаклга кириб, қимирлаб қолган ҳайвонлар бракка чиқарилади. Жағ тишлари (битта ёки бир нечтаси) жуда ўсиб кетган (макродентизм) лиги туфайли овқатни яхши чайнай олмай, озиб

қолаётган совлиқ ва қўчқорлар ҳам бракка чиқарилади. Нотўғри ўсган жағ тишлари бор-йўқлигини пайпаслаб кўриш йўли билан аниқласа бўлади, шубҳа туғилганда оғиз кергичдан фойдаланилади. Ветеринария врачи отарни кўздан кечириб, ҳайвонлар соғлигининг аҳволини аниқлайди. Елини ва эмчаклари шикастланган (мастит ва бошқа касалликлар билан оғриб ўтган) совлиқлар бракка чиқарилади. Мудом касал бўлиб юрадиган совлиқлар ва танасига шикаст етган, кўзларига оқ тушган қўчқорлар ҳам бракка чиқарилиши керак. Бракка чиқарилган ҳайвонларнинг ҳаммаси бўёқ билан белгилаб қўйилади. Биринчи текширишда бирор ҳайвоннинг саломатлиги тўғрисида узил-кесил хулосага келинмаса, бу ҳайвонни 10—15 кундан кейин иккинчи марта текшириб кўрилади. Қоракўлчиликда олти ёшли ва ундан катта ҳайвонлар ёши туфайли брак қилинади. Бракка чиқарилган совлиқлардан фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида уларнинг орасидан энг соғлом, бақувват ва тишлари бир қадар яхши сақланиб қолган она қўйларни ажратиб олишга ҳаракат қилиб кўрилади. Бундай ҳайвонлар қишловга қолдирилади ва қишлаб чиқадиган брак деб аталади. Ёши туфайли бракка чиқарилган бошқа совлиқларнинг ҳаммаси жорий йилнинг ўзида сўйилиши керак, булар тишига кўра брак деб аталади. Бракка чиқариладиган ҳайвонларнинг умумий сони 16—19%ни ташкил этиши керак. Қишлаб чиққан она қўйлардан яна бир марта қўзи олинади, шундан сўнг улар гўштга топширилади. Бундай қўйлар одатда бирмунча илк муддатларда уруғлантирилади, туғилган қўзиларнинг ҳаммаси териси учун сўйилади, она қўйлар эса йилнинг биринчи ярмида гўштга топширилиши керак.

Шундай қилиб, қоракўлчиликда гўшт олишнинг асосий манбаи ёшига кўра бракка чиқарилган она қўйлар ва қўчқорлар, насл беришга яроқсиз ҳайвонлар (хўжалик браки)дир.

Хўжаликларда гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим резерви қўйларни яйловда семиртириш ва бўрдоқига боқишдир. Ҳозирги вақтда қоракўлчилик хўжаликларида қўйларни хўжаликнинг ўзида ўтлатиб семиртириш ва бўрдоқи майдончаларида боқиб семиртириш усули (ем-хашак, тегишли бино ва ускуна-жиҳозлар бўлганида) ёки қўй гўшти ҳамда қоракўлча ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хўжаликлараро

комплексларда бўрдоқига боқиш усули қўлланилмоқда.

Ўқитувчи мазкур ҳолда ҳайвонларни гўшт учун топширишга тайёрлаш методларини қандай танлаб олиш кераклигини, ҳайвонларни семиртириш учун бўладиган озиқа сарфи, меҳнат унумдорлиги ва бошқа технологик масалаларга боғлаб туриб тушунтириб бериши ва ушбу машғулотнинг мақсади қўйларни хўжалик ичида ўтлатиб ва бўрдоқичилик майдончаларида боқиб семиртириш методлари билан танишиб ва ўрганишдан иборат эканлигини ўқувчиларга айтиб бериши зарур. Гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришда тиши туфайли брак қилинган ва қишлаб чиқадиган брак она қўйлар подасини тузиш, уларни асраш, ўтлатиб, бўрдоқига боқиб семиртириш билан бир қаторда қўшимча озиқа бериб семиртириш яхши натижалар беришига студентларни ишонтириш жуда муҳим. Қоракўл қўйларни ҳар хил усулда боқишда бўладиган озиқа сарфига, ҳар бир усулнинг интенсивлиги ва иқтисодий самарадорлигига диққатни жалб этиб ўтиш керак. Мана шу машғулотни ўтказишда ўқувчилар қоракўл қўйларни бракка чиқариш техникасини, тишбрак ва қишлаб чиқадиган брак она қўйлардан подалар тузиш ва уларни боқиб бориш, қўйларни бўрдоқига боқишда ҳайдаб, яйлов озиқалари билан семиртириш ва ўтлатиш билан бирга қўшимча озиқа бериб семиртирилганда бўладиган озиқа сарфини ҳисоблаб чиқиш принципини яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Ҳайвонларни гўшт учун топширишга тайёрлашнинг энг арзон методи қўйларни яйловларда ўтлатиб семиртиришдир. Тажрибали чорвадорлар қўйларни уч даврда ўтлатиб семиртиришни ҳаммадан кўра мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

эрта баҳорги семиртириш — апрель ойининг иккинчи ярмидан то 10—15 июнгача, яъни қўйлар жуни қирқиб олинганидан кейин иссиқ кунлар бошлангунча давом этади;

эрта кузги семиртириш — 25—30 июлдан 25—30 сентябргача, яъни қўзилар онасидан ажратиладиган маҳалдан қўйлар сунъий уруғлантириладиган пайт бошлангунча давом этади;

кеч кузги семиртириш — 15 ноябрдан 15—20 декабргача ёки кузги совуқлар тушишидан қишки совуқлар бошлангунча давом этади. Бу даврда шўра ўт ва шу-

воқлар қўйларнинг озиқланиши учун тамомила яроқли ҳолда бўлади, уларнинг тез эт қўйишига имкон беради.

Эрта баҳорги семиртириш учун патологик қисир совлиқлар, боласини ташлаган қўйлар ёки тишбрак совлиқлари, яъни қўзилаганидан кейин ёши туфайли бракка чиқарилган қўйлар ажратилади. Эрта баҳорги семиртириш натижаларини ўрганиш учун А. А. Раҳимов билан Н. С. Бадалбоев биргаликда тажриба қўйиб кўришди. Бунинг учун улар Самарқанд областидаги «Қизил чорвадор» совхозида қишлаб чиқадиган 6—7 ёшли 786 бош брак қўйларни ўрганиш учун ажратиб олишди. 1 майдан бошлаб бу қўйлар баҳорги эфемер-шувоқлар ўсадиган энг яхши яйловларда ўтлатилди, кечаю-кундуз дамба-дам ўтлатиб турилди. 1 майдан 23 майгача қўйлар вазнининг суткалик ўсиши ўртача 114 г ни ташкил этди. Бунда 15 майга қадар қўйларга суткасига икки маҳал, 15 майдан бошлаб эса суткасига бир маҳал сув бериб турилди. 23 майдан бошлаб 7 июнгача ўтлатиш режими бирмунча ўзгартирилди, яъни қўйлар асосан кечаси ўтлатилди, соат 10—11 дан соат 14—16 гача қўйлар дам олиб ётди. Бунда қўйларга ҳар куни ош тузи бериб турилди ва улар истаганча сув ичди. Мана шу даврга келиб эфемер ўсимликлар етилди ва вазнининг ўртача суткалик ўсиши 133 г ни ташкил этди. 7 июндан 22 июнгача қўйлар яйловларда ҳамда арпаси ўриб олинган майдонларда ўтлатилди, бу ерда вазнининг ўртача суткалик ўсиши 203 г ни ташкил этди. Шундай қилиб, 52 кун давом этган ўтлатиб семиртириш даврида 6 яшар қўйлар ўртача 9,17 кг ва 7 яшар қўйлар 8,9 кг вазн қўшди, бунда уларнинг ўртача вазни 47,3—47,5 кг ни ташкил этди. Кузги семиртириш учун барча тишбрак қўйлар яхши яйловларга чиқарилади. Уларни 1,5—2,0 ой давомида дони ўриб олинган ғаллазорларда ўтлатиш жуда фойдали. Масалан, А. А. Раҳимов 6—7 яшар 800 бош тишбрак қўйлар устида (ўртача вазни 38,3 кг) 10 августдан 1 октябргача тажриба олиб борди, яъна 50 кун мобайнида. Бу қўйлар яйловларда ва 3—4 соат ўриб олинган ғаллазорларда ўтлатилди. 5 сентябрдан бошлаб имкони борича, кўпроқ тунда ўтлатилди. Бунда қўйлар сутка давомида аввал ўти камроқ яйловларда, кейин эса серўт яйловларда ўтлатилди, шунда улар озиқбоп ўсимликларни яхши ейди, қўйларни Фориш районидаги Киров номли совхознинг тажрибали чўпонларидан би-

ри Успон Пиримқулов боқди. Мана шу 50 кун давомида қўйларнинг тирик вазни ўртача 11,6 кг ёки 31,0% га ортди ва улар 50 кг га яқин тош босадиган бўлди. Ўтлатишнинг участка-қўтон системасидан фойдаланиладиган бўлса, қўйларни маданий яйловларда, бедазорларда семиртириб яхши натижалар олиш мумкин.

Қўйларни ўтлатишдан ташқари омихта озиқалар билан қўшимча озиқлантириб туриш ҳам яхши самара беради. Бундай омихтанинг асосини майдаланган арпа, кунжара, шрот шулхаси қўшилган дағал пояли озиқалар (шувоқ, янтоқ, каррак ва бошқалар) ташкил этади. Омихта озиқаларни донадорлаштирилган ҳолда бериш яхши натижалар беради.

С. И. Кедрова қўйларга ҳар сафар бериладиган шундай омихта таркибида 70% асосий компонент, 15% концентратлар ва 15% ғўза шулхаси бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ана шундай 1 кг аралашмада 0,43 озиқа бирлиги ва 70 г ҳазм бўладиган оқсил бўлади. Аниқланишича қўйлар майдаланган ва ун ҳолидаги янтоқни қиш ва баҳорда нишхўрд қолдирмай батамом ер экан, ёзда эса махсус цементланган ўраларда совуқ сув билан намлаб, концентратлар ва туз қўшиб берилгандан кейингина сйди.

Ёз даврида қўйларни каррак ва шрот аралашмаси билан боқиш, айниқса диққатга сазовордир («Улус» совхозининг тажрибасидан). Бунинг учун каррак ДКУ-1,2 майдалигичи ёрдамида майдаланиб, устига шрот қўшилади. Аралашма сув билан намланиб, махсус бетон траншеяларда 10—12 соат қолдирилади, кейин эса суткасига икки марта: биринчи ўн кунликда 0,2—0,6 кг дан, иккинчи ўн кунликда 0,8 кг гача ва охирида (88 кун давомида) 1 кг дан каррак ва 0,4 кг дан шрот бериб борилади, яъни бутун боқим давомида ҳар бош қўйга 75 кг дан каррак ва 35,8 кг дан шрот сарфланади. Мана шунда қўйлар вазни суткасига ўртача 140—159 г дан ортиб боради, умумий вазн эса 20—22 кг ни ташкил этади.

Қўйларни оғилда семиртириш иши усти ёпиқ бўрдоқичилик майдончаларида ёки ёпиқ биноларда ўтказилади, бундай биноларнинг учала томонидаги деворлари яхлит, тўртинчиси эса очиқ бўлади. 2 м баландликда ҳаво ўтиб туриши учун туйнуклар очилади. Бўрдоқичилик бинолари ҳайвонлар кўп ҳаракатлана олмайдиган қилиб қурилади. Охурлар қўйларнинг ҳаммаси бир

вақтда келиб озиқланадиган қилиб жойлаштирилади. Сув автопоилкалар ёрдамида керагича бериб турилади. Қуйлар 300—500 бошдан иборат группа-группа қилиб боқилади, ушбу группага улар, ёши, конституцияси ва семизлик даражасига қараб танлаб олинади. Бўрдоқига боқилаётган ҳар бош қўйга суткасига 10 г ҳисобидан туз бериб туриш зарур. Ўзбекистон ССР да қўйларни қамаб семиртириш учун чигит кунжараси, шулхаси, кепак, ёрмалар, ун қолдиқлари ҳамда майдаланган, дағал пояли озиқалар аралашмаси берилади. Унга концентратлар аралашмаси ёки донадорлаштирилган омихта озиқалар қўшилади. Ҳозир қоракўл қўйларни бўрдоқичилик майдончаларида (80 кун давомида) фақат чигит кунжараси, шрот ва шулха билангина боқиш мумкин. Боқувнинг биринчи ярмида ҳар бир қўй 2 кг шулха ва 100 г кунжара ёки шрот, иккинчи ярмида эса 1—1,2 кг шулха ва 300 г кунжара ёки шрот олади. Суткасига 1 марта ем бериб турилади. Асосий рационга 0,5 л хлорелла суспензияси (С. И. Кедрова ва А. Г. Амарьянц тажрибаси), антибиотиклар (М. Р. Рашидов ва бошқалар) қўшиб бериш жуда яхши натижалар берди. Хлорелла суспензияси ёки жайдари озиқаларни қўшиб бериш қўйларнинг госсипол билан заҳарланиш даражасини камайтиради.

И. С. Попов таъкидлашича, қўйлар вазнининг 1 кг ўсиши учун ўрта ҳисобда 5 озиқа бирлиги сарфланади. Бўрдоқига боқишнинг бошланишида, агар қўйлар ориқ бўлса, 3—3,5 озиқа бирлиги, ўртача семизликдаги қўйлар учун эса 4—4,5 ва бўрдоқига боқишнинг иккинчи ярмида 5—6 озиқа бирлиги сарфланади.

Фориш районидаги С. М. Киров номли, Навоий областидаги Жонгелди номли совхозда қўйларни бўрдоқига боқишда 1 кг қўшимча вазн учун 5—6 озиқа бирлиги сарфланади (Д. Ф. Бойко).

Ш. А. Абдувоитов маълумотларига қараганда Фориш районидаги С. М. Киров номли совхозда мазкур йили туғилган эркак қўзилар, 1,5 яшар ахта қўчқорлар ва ёши туфайли бракка чиқарилган совлиқларни жайдари озиқа билан бўрдоқига боқишда 1 кг қўшимча вазн учун ўртача 6,1—6,4 озиқа бирлиги сарфланган.

«Қарноб» давлат наслчилик заводининг механикалаштирилган бўрдоқичилик майдончасида қўйларни дағал пояли жайдари озиқалардан тайёрланган донадор омихта озиқалар ва концентратлар билан боқиб жуда

16- расм. Қоракўл қўйларини саноат асосида бўрдоқига боқиш

яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Бунда маҳсулот таннархи пасайиб, меҳнат унумдорлиги ортиб бормоқда (С. А. Асомов).

Бу ерда 7—8 минг бош қўйга мўлжалланган тўртта бўрдоқичилик майдончаси ишга туширилган. Улар 800—1000 бошгача қўй сиғадиган усти ёпиқ қўтон ва секцияларга бўлинган. Бу бўрдоқичилик майдончаларида донадор озиқа ишлаб чиқарадиган цех бор. Озиқа сиғими 500—600 кг ҳажмли автомат тарқатгичлар ёрдамида тарқатилади. Ана шундай битта охур 50 бош қўйни 5—7 кун давомида озиқа билан таъминлаб туради.

Хўжаликнинг ўзида ташкил қилинган бўрдоқичилик майдончаларида гўшт ва қоракўлча етиштириш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

— типбрак совлиқлари орасидан туққанидан кейин қўзиларини эмизмайдиган ва соғилмайдиган қўйларни ажратиб олиб, бўрдоқига қўйиладиган сурувни ташкил этиш ва тўлдириш;

— қўйларни қочириш

— қўйларни боқиш ва бўрдоқига семиртириш;

Совлиқлар баҳорги-ёзги ва кузги даврларда куюкишини тезлаштирадиган гормонал препаратлар қўллаб уруғлантирилади. Уруғлантирилган қўйларни 42—44

кун давомида яйловларда ўтлатиб семиртирилади, сўнгра уларни бўрдоқичилик майдончаларига ўтказилиб 85—88 кун давомида бу ерда бўрдоқига боқилади.

Бўрдоқига боқиш даврида қўйларнинг тирик вазни суткасига ўртача 177—197 г дан ўсиб бориб, 15,6—16,8 кг га ортади, сўйиш олдидан эса қўйларнинг тирик вазни 48—50 кг бўлади.

«Қарноб» давлат наслчилик заводи қўйларни саноат йўли билан бўрдоқига боқиб семиртириш ҳисобига ҳар йили 90 минг сўмдан 150 минг сўмгача соф даромад олади.

Бутуниттифоқ чорвачилик илмий тадқиқот институти қўйларни бўрдоқига боқиш учун қуйидаги нормаларни тавсия этади. Бу нормалар вазннинг суткасига ўртача 100 ва 200 гг ортиб боришига мўлжалланган (А. В. Модянов). Бўрдоқига боқиш муддатини белгилаш жуда муҳим. Бўрдоқига боқиш даври бир қадар узайганида озиқа сарфигина эмас, балки меҳнат сарфи ҳам ортади. Чунончи, ёши туфайли брак қилинган бўрдоқига боқилаётган совлиқлар вазнининг ўсишини таҳлил қилиб чиқиб, С. И. Кедрова қўйларни 75 кун давомида бўрдоқига боқиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келди. Бу муддатни 60 кунгача бемалол қисқартириш мумкин. Бўрдоқига боқиш муддатини бундан узайтириш иқтисодий жиҳатидан ўзини оқламайди. Бўрдоқига боқишнинг муваффақиятли бўлиши учун қўйларни озиқлантиришни шундай ташкил қилиш кераккки, ҳар бош қўй суткасига 1 озиқ бирлиги ҳисобига камида 66 г ҳазм бўладиган протеин оладиган бўлсин. Бериладиган концентрат озиқалар суткасига 400 граммдан ортмайдиган бўлиши керак, майдалаб ун қилинган

10- жадвал

Вояга етган қўйларни бўрдоқига боқиш нормалари

Тирик вазни (кг)	Бир бош қўйга суткасига бериладиган озиқ				
	озиқ бирлиги, кг	ҳазм бўладиган протеин, г	кальций, г	фосфор, г	каротин мг
40	1,24—1,50	90—110	3,7—4,5	2,2—2,7	6—10
50	1,35—1,75	105—130	4,5—5,3	2,5—3,0	6—10
60	1,55—2,05	110—140	5,3—6,0	2,8—3,3	6—10
70	1,75—2,25	120—160	6,0—7,0	3,1—3,6	6—10
80	2,00—2,70	140—190	6,7—7,8	3,4—3,9	6—10

дагал озиқаларни эса ҳайвонларга истаганча бериб туриш лозим. Амалда бу — боқув мавсумига қараб 1,0—1,5 кг ни ташкил этади. Ўсадиган ҳайвонларни янада жадал семиртириш учун суткалик норма оширилади. (10-жадвал).

Озиқа нормаси аста-секин ошириб борилганида яхши натижалар олинади. Чунончи, бўрдоқига боқишнинг биринчи даврида (20 кун давомида) рационга 1,1—1,3 кг озиқа бирлиги ва 90—100 г ҳазм бўладиган протеин; иккинчи даврида (20—30 кун давомида) 1,35—1,50 кг озиқа бирлиги ва 110—130 г ҳазм бўладиган протеин, учинчи даврида (20—30 кун давомида) 1,5—1,7 кг озиқа бирлиги ва 1,30—1,50 г ҳазм бўладиган протеин берилади.

Оптимал пода структурасини тузиш юзасидан топшириқлар

1. Қора рангли қоракўл қўйларни урчитишга ихтисослашган давлат наслчилик заводи ва товар хўжалигида умуман 86 000, 72 000, 61 000, 52 000, 41 000 бош қўй бўлса, шу қўйларнинг йил бошига келиб жинси ва ёшига қараб ажратилган айрим группаларидаги оптимал сони қанча бўлишини аниқланг.

2. Кўк қоракўл қўйларни урчитишга ихтисослашти-

11-жадвал

Пода структураси

Жинси ва ёшига қараб ажратилган қўйлар группалари	1-январдаги сони		Жумладан, ранги бўйича		
	бош	%	қоралари	кўклари	бошқа рангдагилари
Қўчқорлар:					
синовчи қўчқорлар					
Ремонт қўчқорлар					
Совлиқлар					
Ўтган йили туғилган қўзилар					
урғочилари					
эркаклари					
ахта қўчқорлар					
жами:					

рилган давлат наслчилик заводи ва товар хўжалигида рангини бир хил қилиб туриб жинси ва ёшига қараб ажратилган айрим группалардаги қўйларнинг йил бошига келганда оптимал сони қанча бўлиши кераклигини аниқланг. Давлат наслчилик заводларида кўк қўйлар ранги бўйича бир хил қилиб, товар хўжаликларида эса ҳар хил қилиб сараланишини айтиб ўтиш керак. Қўйларнинг умумий сони 84 000, 70 000, 63 000, 51 000, 41 000 бош (11- жадвалга қаралсин).

Қўйларни бракка чиқариш, бўрдоқига боқишда ем-хашак сарфини ҳисоблашга оид топшириқлар

1. Хўжаликда 36; 48; 54; 62 минг совлиқ, 800; 1000; 1100; 1500 бош қўчқор ва 1000; 1500; 2000 ва 3000 бош ахта қўчқорлар бор. Совлиқларнинг 17,5%и ва қўчқорларнинг 5%и бракка чиқарилиши керак. Бракка чиқарилган совлиқларнинг 5; 6; 7; 8% ини қишга қолдириш лозим. Қолган қўйларни совхознинг бўрдоқичилик майдончасида 60; 70; 80 кун бўрдоқига боқиш ва сўнгра гўштга топшириш зарур. Қишлаб чиқадиган брак қўйларни қўзилаганидан кейин 40; 50; 60 кун давомида тегишлича ўтлатиб ҳамда қўшимча озиқа бериб семиртирилганидан сўнг июнь ойида гўштга топшириш зарур (қўшимча озиқа майин пояли ўтлар ва концентрланган озиқалардан иборат аралашмадир).

Бракка чиқарилган совлиқларнинг ўртача тирик вазни 36; 38; 40; 44 кг; қўчқорларнинг ўртача тирик вазни 54; 56; 60; 64 кг; ахта қўчқорларнинг ўртача тирик вазни 40; 44; 48; 52 кг; қишлаб қоладиган брак совлиқларнинг ўртача тирик вазни — 35; 37; 39 ва 41 кг.

Қўйлар бўрдоқига боқиладиган ва ўтлатиб семиртириладиган бутун давр учун аралаш озиқалар таркибини белгилаб, умуман қанча озиқа керак бўлиши ҳисоблаб чиқилсин (совлиқ қўйлар, қўчқорлар ва ахта қўчқорлар учун алоҳида-алоҳида), бўрдоқига боқиш даврларига (3даврга) рацион тузилсин. Ҳисобга кўра қўйлар вазнининг қанча ўсиши ва умумий гўшт ҳажми аниқлансин (12-ва 13- жадвалларга қаралсин).

Эслатма: Ҳар бир топшириқ 4 та вариантга мўлжаллаб тузилган.

Рационни хўжалик мавжуд бўлган қуйидаги озиқаларга қараб тузиб чиқса бўлади:

	Озиқ бирлиги	Протеин	Ca	P	Каротин
1. Майин пояли ўтлар пичани	0,5	40—50			
2. Гуллаган янтоқ пичани	0,25	24			
3. Буғдой сомони	0,39	16			
4. Чигит шулхаси	0,35	15			
5. Арпа	1,15	77			
6. Чигит шроти	1,15	319			
7. Буғдой кепаги	0,71	1,8			
8. Беда пичани					

12-жадвал

Қўйларни бракка чиқариш плани

Бракка чиқариладиган	Бош	Ўртача тирик вазни, /кг	Оғилда боқиладиган, бош	Ўтлатиб ҳамда қўшимча озиқа бериб боқиладиган	Кутиладиган қўшимча вазни: бўрдоқига боқилгандан кейин (кг): бир бош қўйдан	Кутиладиган қўшимча вазни: бўрдоқига боқилгандан кейин (кг): ҳаммаси бўйлиб	Кутиладиган қўшимча вазни: ўтлатиб боқилгандан кейин: бир бош қўйдан	Кутиладиган қўшимча вазни: ўтлатиб боқилгандан кейин: ҳаммаси бўйлиб
Совлиқлар								
Қўчқорлар								
Ахта қўчқорлар								

13-жадвал

Қўйларни оғилда боқиш учун керакли озиқа

Озиқа хили	Озиқа миқдори: қўчқорлар ва ахта қўчқорлар учун: бўрдоқига боқишнинг 1-даврига: 1 бошга	ҳаммасига	бўрдоқига боқишнинг 2-даврига: 1 бошга	ҳаммасига	бўрдоқига боқишнинг 3-даврига: 1 бошга	ҳаммасига	совлиқлар учун: бўрдоқига боқишнинг 1-даврига: 1 бошга	ҳаммасига	бўрдоқига боқишнинг 2-даврига: 1 бошга	ҳаммасига	бўрдоқига боқишнинг 3-даврига: 1 бошга	ҳаммасига
Беда пичани												
Майин пояли ўтлар пичани												
арпа												
шулха												
шрот ва бошқалар												

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Пода структураси деганда нима тушунилади?

2. Давлат наслчилик заводлари ва товар хўжаликлари учун қоракўл қўйлар подасининг структураси қандай бўлганида ҳаммадан маъқул ҳисобланади?

3. Қандай қўйлар бракка чиқарилиши керак? Бракка чиқариш техникаси ва муддатлари.

4. Қандай ҳайвонлар қишлаб чиқадиган брак ва тишбракка ажратилади?

5. Қайси группа ҳайвонлар гўшт етиштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади?

6. Хўжалик шароитида топшириладиган гўшт миқдорини қандай ошириш мумкин?

7. Ўтлатиб семиртириш нима ва уни қайси даврларда ўтказиш мумкин?

8. Қўшимча озиқа бериб ва ўтлатиб семиртириш қандай ўтказилади, қўшимча озиқалар тариқасида нимадан фойдаланилади?

9. Бўрдоқига боқиш нима, вазннинг 1 кг ортиши учун қанча озиқа сарфлаш керак ва озиқа сарфи нимага боғлиқ бўлади?

10. Йилнинг турли даврларида қўйларни бўрдоқига боқилганида ва ўтлатиб семиртирилганида қандай суғориб туриш кераклигини тасвирлаб беринг.

25-МАШҒУЛОТ

ХЎЖАЛИКЛАРАРО КОМПЛЕКСЛАР ШАРОИТИДА ҚОРАКЎЛЧА ВА ҚЎЙ ГЎШТИ ЕТИШТИРИШ

Машғулотдан мақсад — ихтисослаштирилган хўжаликлараро комплекслар шароитида саноат асосида қоракўлча ва қўй гўшти етиштириш технологияси билан, уларга қўйиладиган талаблар ва шу ишларни ташкил этиш принциплари билан студентларни таништириш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — Ўзбекистонда қоракўлча ва қўй гўшти ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган комплекслар фаолиятига оид материаллар, плакатлар, фотосуратлар, слайдлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — республикадаги ихтисослаштирилган комплекслар ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари билан студентлар би-

ринчи галда аудиторияда танишадилар, комплекс фаолиятининг самарадорлигини анализ қилиб чиқадилар ва сўнгра бевосита комплекснинг ўзида ишлаб чиқариш технологияси билан танишиб, унинг сўнгги йил давомидаги фаолиятини анализ қилиб кўрадилар.

Қўйлар туёғини, қоракўл, жун, қўй гўшти ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни янада кўпайтириш учун қоракўлчиликда ишлаб чиқариш процессларини бутунлай механизациялаш, меҳнат сарфини камайтириш ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишни таъминлайдиган янги иш усулларини жорий этмоқ зарур.

Қариб қолган қўйларни бўрдоқига боқадиган ва саноат асосида қоракўлча етиштирадиган ихтисослаштирилган йирик хўжаликлараро комплексларни ташкил этиш қўйларни боқишда илғор технологияни қўлланишта, сермеҳнат процессларни механизациялаштиришга имкон беради.

Қоракўлчилик амалиётида биринчи марта ана шундай комплекс 1975 йили Самарқанд областида Каттақўрғон бўрдоқичилик базаси асосида ташкил этилди.

Бу комплекснинг иши областдаги барча қоракўлчилик совхозлари билан хўжаликлараро кооперация тузишга асосланган. Унда бир йўла 40 минг бош қўй боқилади, йиллик обороти 100—120 минг бош қўй.

Ана шундай ихтисослаштирилган йирик комплекснинг ишга туширилиши областдаги совхозларни қариб қолган (тишига қараб бракка чиқарилган), касал ва насл олишга ярамайдиган қўйларни ортиқча боқишдан халос қилди, бунинг ҳисобига яйловларни, ем-хашак ва озиқларни тежаб қолиб, ишчи кучини бўшатиб олишга, энг кам сарф-харажат қилган ҳолда ҳайвонлар вазнининг ҳаммадан кўп ортиб боришига эришишга, юқори сифатли қўшимча қоракўл тери ва жун олишга имкон берди.

Каттақўрғон комплексининг иш тажрибасини ҳисобга олиб Ўзбекистонда ихтисослаштирилган 9 та бўрдоқичилик комплекси барпо этилди ва ишга туширилди. Йирик саноат комплекслари регионнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Бунда комплекснинг муваффақиятли фаолияти учун зарур шарт — озиқа манбалари, маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарнинг яқин бўлиши, шунингдек комплекснинг ўзига қарашли озиқа базасини ташкил этишдир.

Ихтисослаштирилган бўрдоқичилик комплексларининг иши қуйидаги принципга мувофиқ ташкил этилади:

— бракка чиқарилган қоракўл қўйларни совхозлар комплексларга бир йил ёки бундан кўра кўпроқ муддатга тузиладиган шартномалар асосида етказиб беради, бундай шартномаларда комплексга топшириладиган қўйлар сони, тирик вазни ва уларни бўрдоқига боқиш муддатлари кўрсатиб қўйилган бўлади;

— қўйлар актлар бўйича қабул қилиб олинади, бу актлар топширилган ҳайвонлар учун ҳақ тўлаш ҳамда уларни балансга ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади; совхозлар томонидан бўрдоқига боқиш учун ихтисослаштирилган комплексларга топширилган қўйлар 24-формада акс эттирилади;

— ихтисослаштирилган комплекслар билан қўй топширган совхозлар ўртасидаги ўзаро узил-кесил ҳисоб-китоблар хўжалик фаолиятининг натижаларига қараб йил охирида чиқарилади;

— ихтисослаштирилган комплекс томонидан реализация қилинган (давлатга топширилган) қўйлар ҳақиқий тирик вазнига қараб қатнашувчи совхоз планининг бажарилишига қўшиб ҳисобланади. Давлат тайёрлов ташкилотларидан қабул қилинган маҳсулотга қабул квитанциялари олинганидан кейин комплекс расшифровка-реестр тузиб, бунда қабул квитанциясидан кўрсатилган миқдордаги маҳсулот қўйларни топширган хўжаликлар ўртасида тақсимланади;

— йил якунлари бўйича олинган даромад қўйларни топширган совхозлар ўртасида тақсимланади.

Ихтисослаштирилган комплексларда қўйлар йил бўйи усти ёпиқ майдончаларда боқилади. Бунда уларга овқат ва сув бериш учун группа охурлари ва цементланган суғориш новларидан фойдаланилади. Озиқалар трактор озиқа тарқатгичлар ёрдамида тарқатилади, қўй қийи, гўнги, бульдозерлар билан тозалаб турилади. Битта оператор қўйбоқарга 1000—1200 бош қўй тўғри келади.

Қоракўлча етиштиришда яроқли совлиқлар йилига икки марта (баҳорда, кузда) ажратиб олинади, 2000 бош дан қилиб группаларга жамланади ва прогестерон ёки ацетатмегестрол билан эмланади, 1200—1400 сичқон бирлиги миқдорда СЖК препарати юборилади ва сунъий уруғлантириш пунктларида юқори классли қўчқор-

ларнинг шаҳвати билан уруғлантирилади. Қоракўлча олиш мақсадида совлиқларни сўйишнинг энг яхши муддати бўғозлигининг 130—132 кунидир. Қолган қўйларнинг ҳаммаси қўчқорлар, ахта қўчқорлар ва қочиришга яроқсиз совлиқлар одатдагича бўрдоқига қўйилади.

Қоракўлча олинадиган совлиқлар ихтисослаштирилган комплексга қабул қилинган вақтдан бошлаб гўштга топширилгунча бўрдоқига боқиш муддати 150—160 кун давом этади. Битта бўғоз қўйнинг таннархи уни қочиришга сарф бўладиган харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда тахминан 25 сўмни ташкил этади.

Ихтисослаштирилган комплексда меҳнатни ташкил этишнинг асосий формаси қўйларни бўрдоқига боқадиган, қоракўлча етиштирадиган ва озиқа тайёрлаб етказиб бериб турадиган механизациялашган бригадалардир. Қўйлар, қишлоқ хўжалик техникаси, транспорт воситалари, зарур бўладиган технологик ускуна ва асбоб-анжомлар ана шу бригадаларга бириктиб қўйилади. Қўйларни бўрдоқига боқадиган бригадаларнинг аъзолари бир нечта касбни бирга қўшиб ишлайди. Ҳар бир бригада аъзоси озиқа тарқатиш, биноларни тозалаш, қўйларни саралаш, совлиқларни уруғлантириш операцияларини бажариб бориши ва бошқа технологик процессларни бажаришда қатнашиши керак. Меҳнатга ҳақ «Саноат асосида чорвачилик маҳсулоти етиштирадиган давлат комплекслари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом»га мувофиқ тўлаб борилади. Бригадалар ўз ишида тўғридан-тўғри комплекс раҳбарларига бўйсунади.

Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган комплексларда 1 ц вазн қўшилишига озиқа сарфи ўртача 8,7 ц озиқа бирлигини ташкил этди (1976 йилдан 1980 йилгача бўлган беш йил давомида), битта қоракўлча етиштиришга эса 0,95 ц миқдорида озиқа сарфланди.

1 ц қўшимча вазннинг танархи 111,6 ва реализация баҳоси тегишли равишда 124,0 сўмни ташкил этган бўлса, бир дона қоракўлча терининг танархи 24,41 сўм, реализация баҳоси эса 42,70 сўмни ташкил этди; 1 ц жунинг таннархи эса 368,59 сўмни ва реализация баҳоси 480,0 сўмни ташкил этди.

1981 йили бўрдоқига боқилган ҳар бош қўйга қўшилган вазн 11 кг ни ташкил этди. 90% дан кўпроқ қўйлар ўртача ва ўртачадан юқори семизликда топширилди. 1 ц қўй гўштининг таннархи 109 сўмни, реализация ба-

ҳоси эса 124 сўмни ташкил этди. 130,5 минг дона қўшимча қоракўлча олинди, буларни ўртача 43,1 сўмдан Бухоро қоракўл заводига топширилди. Ҳаммаси бўлиб 2881,0 минг сўм соф даромад олинди.

Топшириқ: Каттақўрғон ихтисослаштирилган комплексида қўйларни бўрдоқига боқиш технологияси билан танишиб чиқиб, унинг сўнгги йил мобайнидаги ишлаб чиқариш-молия фаолиятини қуйидаги формулага мувофиқ анализ қилиб чиқинг.

Тартиб №№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йил	Эслатма
1	2	3	4	5
1.	Бўрдоқига қўйилган қўйлар	минг бош		
		минг бош		
	шу жумладан совлиқлар	минг бош		
2.	Бўрдоқидан олинган қўйлар	минг бош		
3.	Жами қўшилган вазн	т		
	жумладан 1 бош қўйга	кг		
4.	Қоракўлча олиш учун уруғлантирилган совлиқлар сони	минг бош		
		минг бош		
	жумладан: ёзда, кузда	минг бош		
5.	Олинган қоракўлча, тери сони	минг дона		
6.	Озиқа сарфи			
	1 ц вазн қўшилишига	п, о. бир		
	1 дона коракўлча терига	п, о. бир		
7.	1ц вазн қўшилиши таннархи	сўм		
	1дона қоракўлча тери таннархи	сўм		
8.	Жами даромад	минг сўм		
	қўй гўшти реализациясидан			
	қоракўлча тери реализациясидан	минг сўм		
		минг сўм		
9.	1 та ходим ҳисобига етиштирилган ялпи қоракўлчилик маҳсулоти	минг бош		

Эслатма: Йил фасллари бўйича уруғлантириш проценти, 100 та совлиқ қўйдан олинадиган терилар сони, топшириладиган гўшт сифати сингари зоотехник кўрсаткичларни аниқлаш, технологик карта тузиш ва бошқалар юзасидан ўқитувчи қўшимча топшириқлар бериши мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Нима учун хўжаликлараро комплексларни ташкил этиш зарур?
2. Уларни қаерларда ташкил этса бўлади?

3. Хўжаликлараро комплексларнинг иши қандай принцип асосида олиб борилади?

4. Хўжаликлар совлиқларни қайси даврларга комплексларга топширишади?

5. Комплексларда қоракўлча ва қўй гўшти етиштириш технологиясини тасвирлаб беринг.

6. Ўзбекистондаги комплекслар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан анализ қилиб чиқинг.

26-МАШҒУЛОТ

НАСЛДОР ЭРКАК ҚЎЗИЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ ВА ЎСТИРИШ

Машғулотдан мақсад — наслдор эркак қўзиларни саралаш ва ўстириш хусусиятларини ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — қоракўл зот қўчқорларни танлаш ва наслнинг сифатига қараб танлаш ҳамда текшириб кўриш юзасидан инструкция (М., 1982), фотосуратлар, слайдлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади. Студентлар наслдор эркак қўзиларни танлаш ва ўстириш хусусиятларини мустақил ўрганишади ва топшириқни бажаришади. Ўқитувчи машғулотнинг боришини назорат қилиб туради, тегишли изоҳ-тушунтиришлар бериб боради ва машғулот охирида бажарилган топшириқлар бўйича сўраб кўради.

Машғулотнинг мазмуни

Қоракўл қўйларининг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини мукаммаллаштиришда маҳсулдорлиги юқори бўлган қўчқорлар группасини яратишга алоҳида аҳамият берилади. Маълумки, қўйлар подасининг зоти ва маҳсулдорлигини яхшилашда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан жуда қимматли қўчқорлардан фойдаланишга боғлиқ. Бундай қўчқорлар анча қатъийлик билан танланади, уларда асосий маҳсулдорлик сифатлари селекцион дифференциал совлиқлардагига қараганда юқорироқ бўлади, чунки қоракўлчиликда тўқлиларнинг ҳаммаси терисининг сифатидан қатъи назар ўстиришга қолдирилади.

Эркак қўзилар туғилганидан кейинги бонитировка пайтида танлаб олинади. Наслчиликда фойдаланилади-

ган эркак қўзилар наслчилик заводларининг подаларида, наслчилик совхозларида ва наслчилик фермаларида барча рангдаги жакет, ясси ва қовурғасимон барра типларга мансуб бўлган ўртача ва майда жингалакли энг яхши элита ҳамда 1 класс қўзилар орасидан танлаб олинади.

Наслчилик хўжаликлари бошқа хўжаликларга сотиш учун ўзлари қандай тип ва рангдаги барралар етиштиришга ихтисослашаётган бўлса, баррасининг типи билан ранги худди шундай бўлган эркак қўзиларни ўстиришга қолдиради.

Товар хўжаликларида наслдор совлиқлардан туғилган эркак қўзиларни шу хўжаликнинг ўз подасида синовчи қўчқорлар сифатида фойдаланиш учун қолдиришга йўл қўйилади. Товар хўжаликларидан наслдор қўчқорларни бошқа хўжаликларга сотиш мумкин эмас.

Товар хўжаликларнинг қўчқорлар подаси наслчилик хўжаликларидан — наслчилик репродукторлари ва наслчилик заводларидан наслдор қўчқорларни сотиб олиш ҳисобига тўлдирилиши керак.

Кейинчалик наслчиликда фойдаланиш мақсадида ўстиришга қолдириладиган эркак қўзилар бонитировка куни икки проекцияда: ён томонидан ва орқасидан туриб расмга туширилади. Кўк рангли ва сур қўзиларнинг расмини рангдор плёнкага олинади. Эркак қўзининг наслчилик карточкасида унинг расми бўлиши шарт.

Наслчиликда фойдаланиш учун эркак қўзилар келиб чиқиши, индивидуал ва насл сифатларига қараб сараланади.

Қоракўл қўйлар селекция белгиларининг кўпчилиги полиген тарзда наслдан-наслга берилади. Қоракўл типларининг айрим сифат кўрсаткичлари турли ҳайвонларда турлича ифодаланган бўлади ва шу сабабдан ҳам битта ҳайвоннинг ўзида 20 тадан кўпроқ белгининг максимал намоён бўлишига эришиш амалда мумкин эмас. Шу муносабат билан наслчиликда фойдаланиш учун текширилган ва зоти соф деб топилган қўчқорлар билан кам деганда 1 класс совлиқлардан туғилган эркак қўзиларни саралаб олиш керак. Шу мақсадда наслчилик заводлари ҳамда наслчилик хўжаликларида элита ва 1 класс совлиқларидан махсус отарлар тузилади, шулардан туғилган эркак қўзилар наслчиликда фойдаланиш учун қолдирилади. Бундай совлиқларга

насли текшириб кўрилган, энг яхши элита қўчқорлар танлаш методига мувофиқ бир хил қилиб қўйилади. Махсус отарларнинг совлиқлари, одатда, ранги, баррасининг типи ва класси бир хил бўлган совлиқлардан; сур ва кўк рангли қўй отарлари эса жингалаклигининг нақши бир хил бўлган ҳайвонлардан тузилади.

Қора рангли эркак қўзилар бир хил қора рангли қўйларни жуфтлаштириб олинади; ҳар хил (қора ва кўк) рангдаги ота-оналардан олинган қора кўчқорлар кўк рангли совлиқларга қўйиш мақсадидагина ўстиришга қолдирилади. Кўк рангли эркак қўзилар ота-оналарининг ранги бир хилда кўк тусда ёки кўк ва қора бўлиши ҳам мумкин. Сур рангли эркак қўзилар фақат бир хил рангда қилиб жуфтлаштирилган сур зотли ота-оналардан олинади.

Индивидуал сифатларига қараб саралаш. Наслчиликда фойдаланиш учун танлаб олинадиган эркак қўзилар туғилишидаёқ селекцион хосса ва белгилари ҳаммадан кўп ифодаланган бўлиши керак; қора ранг учун—жингалаклари майда ва ўртача кенг қаламигул нусха, жингалаклари яхши ўралган узун-узун тарами бош томонга қараб йўналиб, аниқ концентрик равишда жойлашган. Жун толаси ўртача узун, ипаксимон ва жун қоплами ялтироқ. Буларнинг териси жакет 1 нинг энг яхши қисмига ёки бирмунча тарроқ қаламигул жингалаклари ва ёл гуллари бўлса, кирпук навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

Аъло даражадаги ипаксимонлик ва ялтироқликдаги калта жун қопламига эга бўлган ясси гуллик, қовурғасимон қаламигуллик типдаги қўчқорларнинг энг яхшилари танланади. Буларда гул тароқларининг йўналиши бош томонга қараган; гул каштаси тўғри ёндош ёки ёндош концентрик, буларнинг териси қоракўлчасимон юпқа магиз бўлиб ясси ва қовурғасимон типнинг 1 сортига тўғри келади. Бундай типдаги эркак қўзилар ихтисослаштирилган хўжаликларни ясси ва қовурғасимон тип қўчқорлар билан таъминлаш учун шундай қўзиларни етиштириб берадиган ихтисослаштирилган подаларда танлаб, саралаб олинади. Сур, кўк, гулигаз ва оқ рангли эркак қўзилар ҳам жун қоплами ва жингалакларининг селекция қилинаётган худди шу белги ва хоссалари бўйича ранги ва нақшига тааллуқли белгилари намоён бўлиб турган ҳайвонлар орасидан танлаб, саралаб олинади. Наслчиликда фойдаланиш учун пишиқ конс-

титуцияли, яхши етилган, тирик вазни 4,5—5,0 кг келадиган эркак қўзилар танлаб олинади. Совлиқларни уруғлантириш ва қўзиларни бонитировка қилиш журналига «текширишга» деб белги қўйиб қўйилади.

Наслга қолдириладиган эркак қўзилари бор совлиқларга эмизиклик даврида энг яхши яйловларни ажратиб бериш зарур. Қўзисини эмизадиган шундай совлиқларнинг сутдорлиги текшириб кўрилади ва она қўй кам сут ёки мастит билан касалланган бўлса, қўзисини бошқа серсут (қўзиси сўйилган) совлиққа бириктириб қўйилади.

Ҳосилдорлиги паст бўлган айрим яйловларда эса, совлиқларга қўшимча қилиб концентратлар (300—400 г гача) ёки яхши пичан, қўзиларга эса, 2—3 ойликдан бошлаб кунига 0,2—0,3 кг дан омихта озиқалар бериб туриш тавсия этилади. (С. И. Кедрова, Ш. Абдувоитов ва бошқалар) Бундай қўзиларнинг тирик вазни онасидан ажратиш пайтида 28—30 кг га етиб қолади.

Маълумки, ўсиб-унадиган ҳайвонлар протеинга, айниқса, муҳтож бўлади. Уларнинг организми ўзининг ўсиб-ривожланиб бориши учун зарур бўлган ҳамма озиқ моддаларни яйловдан олади. Шу муносабат билан ёш қўзилар онасидан ажратилганидан кейин улар қандай яйловларда ўтлатилганида озиқага бўлган эҳтиёж тўлиғича қондирилишини билиш муҳим.

Чала чўл зонасида беда, суданўт ва бошқалар ўсади, қўзилар онасидан ажратилганидан кейин экини ўриб олинган шу жойларда ўтлатилади. Бундай яйловлар бўлмаган пайтларда ёш қўзиларни майин пояли ўтлар пичани, силос ва таркибида протеин кўп бўладиган концентратлар билан боқиб туриш зарур.

С. И. Кедрова яйлов озиқасига қўшимча қилиб ҳар бир бош ҳайвонга бир кунда ўртача 0,5 кг дан силос, 200—300 г дан сули ва 100 г дан кунжара бериб туришни тавсия этади. Кунжара яхши протеин манбаи бўлиб ҳисобланади. Минерал озиқа эрталабки суғоришдан кейин бериладиган концентратларга қўшилади. Концентратлар ва минерал моддалар кечқурун бериладиган бўлса, қўзилар кечки ва тунги ўтлатишда ўтни яхши емайди.

Наслдор ёш қўзилар тўғри боқиб, парвариш қилиб борилганида бир яшар қўчқорларнинг тирик вазни камида 35—40 кг, 1,5 яшарлигида—40—45 кг, вояга етганда—60 кг бўлиши керак.

Наслдор қўчқорчалар бир ёш ва бир ярим яшарлигида ривожланиши, конституцияси, зотига ва мазкур пода учун типиклигига кўра қўшимча баҳоланади. Яхши ривожланган, дағал конституцияли, жун қоплами дағал, нотекис бўлиб зотнинг нормал типидан ажралиб турадиган ҳайвонлар бракка чиқарилади.

Хўжаликдаги барча наслдор эркак қўзиларни кўздан кечириб текшириб чиқиш, қўшимча баҳолашни бош бонитёр ёки бонитировка учун жавобгар бўлган бош зоотехник ёки наслчилик иши бўйича зооинженер бажаради.

Н а с л и н и н г с и ф а т и г а қ а р а б с а р а л а ш. Қўчқорларни наслининг сифатига қараб текшириш ва баҳолашда асосий вазифа уларнинг генотипини аниқлашдир. Қўчқорларнинг наслдорлик фазилатларини аниқлаш натижасида «яхшиловчилар» группасига қўй подасининг наслдорлик ва маҳсулдорлик хоссаларини янада такомиллаштиришга, пировардида зотни тағин ҳам яхшилашга имкон берадиган, энг яхши қўчқорлар киритилади. Ана шундай қўчқорлардан катта нагрузка билан фойдаланиш ирсий хоссаларни яхшилаш, талаб этиладиган ассортиментдаги қоракўл тери ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг муҳим омилидир.

Наслчиликда фойдаланиш учун эркак қўзиларни саралашда шундай ҳисоб қилиш керакки, синашга ажратиладиган бир ярим яшар қўчқорлар сони ҳар йили сунъий уруғлантиришда фойдаланиш учун умуман талаб этиладиган қўчқорларнинг камида 30% ни ташкил этадиган бўлиши керак.

Наслини текширишга мўлжалланган қўчқорчалар сунъий уруғлантириш бошланмасидан 2—2,5 ой илгари умумий группадан ажратилиб, яхшиловчилар группасига қўшиб қўйилади, уларни сунъий вагинага ирғишга ўргатилади ва спермасининг сифати текшириб чиқилади.

Топшириқлар: 1. Хўжаликда қора рангли қўйлар урчитилади, совлиқларнинг умумий сони 25, 30, 45 минг бошни ташкил этади, наслчиликда фойдаланиш учун танлаб олинадиган наслдор эркак қўзиларнинг сони ва сифатини аниқлаш зарур (сотиш учун мўлжалланган наслдор эркак қўзиларнинг сони 300, 450, 600 ва 1000 бош ҳажмида планлаштирилган.) Эркак қўзиларни 3 ойлигидан бошлаб 13 ойлик бўлгунча қўшимча озиқлантириб бориш ва ўстириш учун зарур бўладиган озиқа миқдори ва ишчи кучини аниқланг.

2. Хўжаликда қора ва кўк рангли қўйлар урчитилади, совлиқларнинг умумий сони 25, 30, 35, 45 минг бошни ташкил этади (40% и кўк ва 60% и қора рангли қўйлар), наслчиликда фойдаланиш учун танлаб олинадиган наслдор эркак қўзиларнинг сифати ва сонини аниқлаш зарур (сотишга мўлжалланган наслдор эркак қўзилар сони 300; 450; 600 ва 1000 бош ҳажмида планлаштирилган). Эркак қўзиларни 6 ойлик маҳалидан тортиб, то 13 ойлик бўлгунича қўшимча озиқлантириб бориш ва ўстириш учун зарур бўладиган озиқа миқдори ва ишчи кучини аниқланг.

3. Хўжаликда оқ, қамбар, гулигаз ва сур рангли қўйлар урчитилади, совлиқларнинг умумий сони 20, 25, 30, 35 минг бошни ташкил этади. (12% қамбар, 18% оқ, 16% гулигаз, 17% қора, 37% сур рангли қўйлар), наслчиликда фойдаланиш учун танлаб олинадиган эркак қўзиларнинг сифати ва сонини аниқлаш зарур. Эркак қўзиларни 9 ойлигидан 14 ойлик бўлгунича ўстириб бориш ва қўшимча озиқлантириб туриш учун зарур бўладиган озиқа миқдори ва ишчи кучини аниқланг.

15-жадвал

Наслдор кўчқорларни саралаш ва ўстириш план-топшириғи

Тартиб №№	Неча бош эркак қўзини ўстиришга қолдириш керак									Ўстириш учун керак бўлади					Эслатма
	ўз подаси учун	сотиш учун	ҳаммаси	қоралари	жумладан		гулигазлари	оқлари	қамбарлари	чўпонлар (киши)	дағал озиқа (кг)		конц. озиқа (кг)		
					кўклари	сурлари					1 бошга	бутун даврга	1 бошга	бутун даврга	

Ҳисоблар 15-жадвалда келтирилган формага мувофиқ бажарилади.

Эслатма: хўжаликнинг ихтисоси ва унда қўлланиладиган саралаш типини ўқитувчи кўрсатиб беради. Бракка чиқариладиган ва ўлиб қоладиган ҳайвонларнинг ўрнини тўлдириш учун эркак қўзиларни резервга олиб қолиб, ўстириб бориш зарурлигини тушунтиринг.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Наслдор эркак қўзиларни қандай хўжаликларда танлаб олиш ҳамда ўстириш ва сотишга қолдириш мумкин?

2. Наслдор эркак қўзилар қачон ва қандай белгиларга қараб танлаб, саралаб олинади?

3. Қандай эркак қўзиларни келиб чиқишига қараб наслчиликда фойдаланиш учун қолдирса бўлади?

4. Қандай эркак қўзиларни сифатига қараб танлаб олинади?

5. Наслдор эркак қўзиларни ўстириш хусусиятларини тасвирлаб беринг.

27-МАШҒУЛОТ

ҚЎЧҚОРЛАРНИ АПРОБАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА САРАЛАШ, УЛАРНИ СОВЛИҚ ОТАРЛАРГА БИРКИТИШ

Машғулотдан мақсад: қўчқорларни апробациядан ўтказиш техникаси ва хусусиятларини ўрганиш, қочириш кампаниясида қўчқорларни совлиқларга индивидуал ва группа тартиоида биркитишнинг асосий талаблари билан танишиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — қўчқорларни совлиқларга индивидуал ва группа тартибида биркитиш ведомостлари. Қоракўлчилик хўжаликларидан бирортасининг қўчқорлари ва совлиқ қўйлари ҳақидаги маълумотлар (ҳайвонларнинг ёши, ранги, барра типи, классларига қараб ҳисобланган сони). Қўчқорларни апробациядан ўтказилганлиги тўғрисида тузилган актлар формалари.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот қўчқорларни апробациядан ўтказиш техникаси ва хусусиятларини мустақил ўрганиш, қоракўлчилик хўжаликларидан бирининг материаллари бўйича қочириш кампаниясида қўчқорларни совлиқларга индивидуал ва группа тартибида белгилаш талаблари билан танишиш аудиторияда ўтказилади, сўнгра студентлар тегишли топшириқларни бажаришади. Ўқитувчи машғулотнинг боришини назорат қилиб туради ва зарур бўлганда тегишли изоҳ-тушунчалар бериб боради. Машғулот охирида бир ёки икки студентга бажарилган топшириқлар бўйича саволлар берилади.

Машғулотнинг мазмуни. Наслдорликнинг аъло сифатларига эга бўлган қўчқорлар подасини тузиш наслчилик ишида муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Давлат наслчилик заводларида қўчқорлар подаси ўша заводда туғилган эркак қўзиларни танлаб, саралаб олиш ва ўстириш билан тўлдириб борилади. Наслчилик совхозларида, наслчилик фермаларида қўчқорлар подаси қўчқорларни наслчилик заводларидан сотиб олиш ва ўзидаги эркак қўзиларни танлаб, саралаб олиш ҳамда ўстириш билан тўлдирилади. Товар хўжаликларида қўчқорлар подаси наслчилик заводлари ва наслчилик совхозларидан қўчқорларни сотиб олиб келиш ҳисобига тўлдирилади.

Хўжаликда қўчқорлар подасини тўлдириш иши қочириш кампанияси бошланмасидан камида 2—2,5 ой илгари тугалланиши керак.

Пода структурасида қўчқорлар сони 1,5—2,5% дан ортмаслиги, жумладан «яхшиловчилар» ва «текширувчилар» улуши кам деганда 10% бўлиши лозим. Хўжаликлардаги қўчқорлар подаси ранги ва барра типи жиҳатидан ихтисослаштирилган энг яхши (қора, кўк, сур, гулигаз ва бошқа рангдаги) ҳайвонлар ҳисобига тўлдирилади. Ҳар хил ранг ҳайвонларни жуфтлаш йўли билан кўк рангли қўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликларда қора ва кўк рангли қўчқорларнинг нисбати тахминан 1 : 1 га тенг бўлиши керак. Бир хил рангдаги ҳайвонларни жуфтлаш йўли билан кўк рангли қўйлар олинадиган хўжаликларда қўчқорларнинг ҳаммаси кўк рангли бўлиши керак. Сур қўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликлар фақат мазкур зот типидаги сур қўчқорларга эга бўлиши шарт.

Қоракўл зот қўчқорлар қочириш кампанияси бошланишидан 2—2,5 ой илгари апробациядан ўтказилади. Мазкур хўжаликдаги қўчқорларнинг ҳаммаси апробациядан ўтказилиши керак. Бунда наслчилик ҳужжатлари ўрганилиб, қўчқорлар зоотехния ва ветеринария текширувидан ўтказилади ва текширув натижаларига қараб комиссия қуйидагиларни аниқлаб беради:

а) хўжаликнинг зарур миқдордаги қўчқорлар билан таъминланганлиги ва қайси қўчқорларнинг наслчиликда фойдаланишга, наслнинг сифати жиҳатидан текшириб кўришга қўйиш мумкинлигини, қайсилари алмаштирилиши ёки бракка чиқарилиши кераклигини;

б) насл олишга яроқли қўчқорлардан қайси бири мазкур хўжалик учун ортиқча ва сотилиши кераклигини;

в) хўжаликнинг совлиқларни қочирадиган ва синовчи қўчқорлар билан қанчалик таъминланганини;

г) тегишли сондаги қўчқорларни хўжалик қайси муддатда алмаштириши ёки бошқасини сотиб олиши кераклигини.

Қўчқорлар апробацияси ҳар йили сунъий уруғлантириш пунктларидан бирида ўтказилади. Вояга етган ва ремонт қўчқорларнинг ҳаммаси ранг-туси, нақши, барра типи, жингалакларининг катта-кичиклигидан қатъи назар апробациядан ўтказилиши керак. Қўчқорларни бош (катта) зоотехник, ветеринария врачи ва тегишли хўжаликнинг тажрибакор чўпонларидан иборат комиссия апробациядан ўтказади. Комиссия ҳайъатидаги шахслар ва апробация ўтказиш муддатлари юқори ташкилот буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия сони хўжаликларнинг сонига қараб белгиланади. Бунда барча қўчқорларни зооветеринария текширувидан ўтказиш иши мўлжалланган муддатда тугатилиши кўзда тутилади. Комиссия иш бошлашдан аввал юқори ташкилот томонидан бериладиган йўл-йўриқлар, қўчқорларга қўйиладиган талаблар билан танишиб олади. Қўчқорларни апробациядан ўтказадиган комиссия ишни қўчқорларнинг зооветеринария ҳолатини таърифлаб берадиган ҳужжатлар ва зоотехника ҳисоботи маълумотларини текширишдан бошлайди. Қўчқорларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини баҳолаш учун қуйидаги ҳужжат ва материаллардан фойдаланилади.

1. Наслчилик иши ва сунъий уруғлантириш станциялари, наслчилик хўжаликлари ва давлат наслчилик заводларида, колхоз ва совхозларнинг наслчилик фермаларида:

а) қўчқорларнинг индивидуал карточкалари (1-форма) ва наслдорлик гувоҳномаларидан;

б) қўчқорларни наслнинг сифатига қараб текшириш натижалари ва улардан кенг фойдаланилганда олинган натижалардан;

в) қўчқорларнинг муайян линияга мансублиги, хусусиятлари, типиклиги тўғрисидаги маълумотлардан;

г) қўчқорларнинг наслчиликдаги хизмати ва уларга қўйиладиган совлиқларнинг класс состави тўғрисидаги маълумотлардан;

д) хўжаликда олинган қўзилар (насл) сони (эркак

ва урғочи қўзилар бўйича алоҳида-алоҳида), уларнинг наслчилик ва маҳсулдорлик сифатлари тўғрисидаги маълумотлардан.

2. Совхоз ва колхозларнинг товар фермаларида:

а) қўчқорларнинг наслдорлик гувоҳномалари ва индивидуал карточкалари (1-форма)дан;

б) қўчқорларнинг аждодлари, хусусиятлари ва типиклиги тўғрисидаги материаллардан;

в) совлиқлар подасининг зот ва класси маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотлардан;

г) қўчқорлардан фойдаланиш методларидан;

д) қўчқорлар наслининг маҳсулдорлик ва наслдорлик сифатлари тўғрисидаги материаллардан.

Ҳужжатлар текширилгандан кейин комиссия қўчқорларни якка-якка ҳолда зоотехника ва ветеринария текширувидан ўтказади, ёш қўчқорлар спермаси сифатини текшириб кўради, уларни сунъий вагинага ирғишга ўргатади ва зарур бўлса, лаборатория текширувини (инфекцион касалликларни аниқлаш, қон анализи ва бошқаларни) уюштиради.

Комиссия аъзолари хўжалик мутахассислари билан биргаликда наслдор қўчқорларни боқиш, асраш ва улардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш юзасидан тегишли таклифларни айтади. Наслдор қўчқорлардан фойдаланиш тўғрисидаги хулосани тайёрлашда комиссия хўжаликдаги совлиқлар ва аҳолининг қўлидаги шахсий қўйларни соф зотли, юқори классли қўчқорлар билан таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиши керак. Насл олишда фойдаланишга мўлжалланган қўчқорлар планда кўрсатилган типига, ҳайвонларни урчитишнинг расм бўлган методларига ва мазкур областдаги хўжаликлар учун тасдиқланган селекция-наслчилик ишлари планига жавоб берадиган бўлиши керак.

Қариндош ҳайвонларнинг системасиз урчишига йўл қўймаслик ва қонни янгилаб туриш мақсадида колхоз ва совхозларнинг подаларида фойдаланилаётган қўчқорлар сони маълум наслчилик репродуктор хўжаликларидан, иложи бўлса, наслчилик заводларидан олинадиган қўчқорлар билан вақт-вақтида тўлдириб турилади. Хўжаликлар ўртасида қўчқорлар айирбошлаб борилади.

Комиссия қўчқорлар давлат апробациясидан ўтказилганлиги тўғрисида ҳар бир хўжалик бўйича акт тузади (қуйида келтирилган намунага мувофиқ) ва уни

тасдиқлашга топширади: хўжаликлар бўйича тузилган актни — район агросаноат бирлашмасининг бошлиғига, станциялар бўйича тузилган актларни эса тегишли мансабдор шахсларга топширади. Қўчқорлар апробацияси тўғрисидаги комиссия актини тасдиқлаган район агросаноат бирлашмаси ёки бошқа ташкилот шу актнинг бир нусхасини хўжаликка, иккинчи нусхасини наслчилик ишлари ва чорва молларини сунъий уруғлантириш билан шуғулланадиган давлат станциясига юборади, қўчқорлар апробацияси тўғрисидаги йиғма ахборотини эса қоракўлчилик совхозларининг область трестига ёки областларга бўлинмаган автоном ва иттифоқчи республиканинг қишлоқ хўжалик министрлигига топширади (қуйида келтирилган намунага мувофиқ). Мана шу кейинги ташкилотлар апробация материалларига асосланиб туриб, хўжаликдаги қўчқорларнинг кўрсаткичларини яхшилашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга ошириб боради. Қўчқорларни давлат апробациясидан ўтказиш якунлари тўғрисидаги ахборотни республика қоракўл саноати бирлашмасига ёки иттифоқчи республика қишлоқ хўжалиги министрлигига топширади. Булар давлат апробацияси ўтказилганлиги тўғрисидаги йиғма ахборотни ва республикада қочиришга қўйиладиган қўчқорларнинг сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни ҳар йили «Союзкаракульпром» ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига топшириб туради.

АКТ

«_____» ____________19   й.

____

. . . .

дан иборат комиссия.

_______________________т____________________

республика, область, ўлка, райондаги

. . . .

колхоз, совхоз ҳайвонларни сунъий уруғлантириш станцияси ва (бошқаларда) фойдаланиш учун қўчқорларни табиий ҳолда зоотехника ва ветеринария текширувидан ҳамда давлат апробациясидан ўтказади.

Бу комиссия қуйидагиларни аниқлайди:

1. Апробация кунига келиб хўжаликда . . . (бош) қўчқор бўлган (16- жадвал);

2. Насл олишда фойдаланиш учун қуйидаги қўчқорлар танланди (17- жадвал);

3 Сотилиши керак бўлган наслдор қўчқорлар (18- жадвал);

4. Бракка чиқарилиши керак бўлган қўчқорлар (19- жадвал);

5. Қўчқорлар сотиб олишига эҳтиёж;

6. Қўчқорларни давлат апробациясидан ўтказиш якунлари бўйича комиссиянинг хулосаси ва таклифлари.

Комиссиянинг раиси . . . . (имзо)
Комиссиянинг аъзолари . . . . (имзо)
. . . . (имзо)
. . . . (имзо)
. . . . (имзо)
. . . . (имзо)

Апробация тугаганидан кейин қўчқорлар сараланиб, белгилаб чиқилади, яъни қочириш кампаниясида улардан фойдаланиш плани олдиндан тузиб олинади. Улар хўжаликдаги селекция-наслчилик ишлари планига мувофиқ белгилаб чиқилади, бунда қуйидаги асосий принципларга амал қилинади:

1. Совлиқ отарларига рангидан қатъи назар барра типлари бўйича қуйидаги схемага мувофиқ қўчқорлар танланади:

а) жакет группасига мансуб қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда барча совлиқларга фақат жакет барра типдаги қўчқорлар танланади;

б) қовурғасимон группага мансуб қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда барча совлиқларга фақат қовурғасимон барра типдаги қўчқорлар танланади;

в) ясси группага мансуб қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда барча совлиқларга фақат ясси барра типидаги қўчқорлар танланади;

г) кавказ барра тип қўйларнинг наслчиликда қиммати йўқ, бу группага мансуб қоракўл терилар эса номақбул бўлиб ҳисобланади, шу муносабат билан бундай совлиқларга хўжаликнинг ихтисосига яраша фойдаланиладиган қўчқорлар қўйилади.

2. Жуфтлаштириш учун мўлжалланган қўчқорлар маҳсулдорлиги (класси) жиҳатидан ҳамиша ўзларига танлаб бериладиган совлиқ қўйларга қараганда юқорироқ бўлиши керак.

3. Жингалаклари майда бўлган қора рангли совлиқларга хўжаликнинг ихтисосига қараб майда ёки ўртача жингалакли қўчқорлар танланади. Жингалаклари ўрта ёки йирик бўлган совлиқларга эса жингалаклари ўрта қўчқорлар қўйилади.

4. Кўк рангли қоракўл тери етиштиришга ихтисос-

лаштирилган хўжаликларда қора ва кўк рангли қўйларни гатероген жуфтлаш усулидан ҳам (бунда кўк рангли қўчқорлар ҳаво ранг, кумушсимон, садаф ва сафид нақшли бўлиши керак. Улар ранги ва нақшлари жиҳатидан бир хил қилиб сараланган кўк рангли қўйлардан туғилган бўлса янада яхши), кўк рангли қўйларни ранги ва нақши бўйича гомоген қилиб жуфтлаш усулидан ҳам фойдаланилади (ҳаворанг X ҳаворанг, кумушсимон X кумушсимон, сафид X сафид, садафсимон X садафсимон).

5. Сур қоракўл терилар етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда сур ва қора рангли совлиқ отарларига зоти бўйича шу совлиқлар билан бир тип ва нақшдаги сур қўчқорлар танланади. Сурхондарё ва қорақалпоқ сур қўйларни урчитишда қамбар рангли совлиқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

6. Гулигаз ранг қоракўл тери олиш учун гулигаз ва қамбар рангли совлиқларга гулигаз ва қамбар рангли қўчқорлар қўйилади, яъни ранг жиҳатидан гомоген ва гетероген жуфтлаш усули қўлланилади.

7. Оқ қоракўл қўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликларда оқ ва қора рангли совлиқларга оқ рангли қоракўл қўчқорлар қўйилади.

8. Совлиқларнинг конституциясидан қатъи назар, ҳамма ҳолларда ҳам мустаҳкам конституцияли қўчқорлардан фойдаланилади, айрим ҳоллардагина жингалаклари майдароқ, нозикроқ конституцияли қўчқорлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

9. Кўк, гулигаз, оқ ва бошқа рангдаги совлиқларга сур рангли қўчқорларни қўйиш тавсия этилади.

10. Дурагай ва барра қўйлар подаларида соф зотли қоракўл қўчқорлардан юқорида баён қилинган талабларни ҳисобга олиб туриб фойдаланилади.

Қўчқорларни саралашда ҳар бирини алоҳида-алоҳида индивидуал ҳар бир совлиққа ёки бир группа совлиқларга саралаб чиқилади. Давлат наслчилик заводларининг подасида, линиялар яратиш бўйича иш олиб борилаётган ёки линияларни урчитиш усули қўлланилаётган жойларда қўчқорлар совлиқ қўйга индивидуал равишда сараланади. Бошқа ҳамма ҳолларда бир хил хусусиятдаги совлиқлар группасига асосий қўчқор ва резерв қўчқор сараланади. Бунда қўчқорга қанча нагрузка тушиши аниқланади ва қуйидаги формага мувофиқ саралаш ведомости тўлдирилади.

16- жадвал

	Тегишли ранг ва нақшдаги қўчқорлар сони														Шулардан класслари бўйича	
	кўклари				сурлари											
					Бухоро сури		Сурхондарё сури			Қорақалпоқ сури						
зоти	коралари	оч кўклари	ўртача кўклари	тўқ кўклари	тилла ранглилари	кумушсимонлари	платинасимонлари (оқ олтин)	қаҳрабо ранглилари	бронзасимонлари	шамчироқ гуллари	ўрик гуллари	пўлати сурлари	пушти ранглари	оқлари	элита	биринчи класс
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

17- жадвал

Насл олишда фойдаланиш учун қуйидаги қўчқорлар қўйилсин

Тартиб №№	Инвентарь номери	Ранги ва нақши	ГПҚ номери	Қайси қўчқор насли	Туғилган вақти	Класси, барра типи, жингалагининг йирик-майдалиги	Биринчи уруғлантириш натижалари бўйича уруғлантира олиш қобилияти		Наслининг сифати бўйича баҳоси (бор, йўқ)	Баҳолаш натижаси
							уруғлантирилган совлиқлар сони	қўзилаганларининг проценти		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

18- жадвал

Сотилиши керак бўлган наслдор қўчқорлар

Тартиб №№	Инвентарь номери	Ранги ва нақши	ГПҚ номери	Қайси қўчқор насли	Туғилган вақти	Класси, барра типи, жингалагининг йирик- майдалиги	Апробациядан ўтказилган вақти
1	2	3	4	5	6	7	8

19-жадвал

Бракка чиқарилиши керак бўлган қўчқорлар

Тартиб №№	Инвентарь номери	Ранги ва нақши	ГПК номери	Қайси қўчқор наслидан	Туғилган вақти	Класси, барра типи, жингалагининг йирик-майдалиги	Бракка чиқариш муддати	Бракка чиқариш сабаби
1	2	3	4	5	6	7	8	9

20-жадвал

Қўчқорлар сотиб олишга эҳтиёж

Тартиб №№	Зоти	Барра типи, класси	Ранги, нақши жингалагининг йирик-майдалиги	Қўчқорлар сони	Насли	Эслатма
1	2	3	4	5	6	7

21-жадвал

19___йилдаги қочириш кампаниясида ________________ хўжаликнинг ________________ фермаси________________отари бўйича қўчқорларни индивидуал суратда совлиқларга белгилаш ведомости

Қўчқорлар									Совлиқлар							
индивидуал номерлари		асосий маълумотлар						индивидуал номерлари		асосий маълумотлар						
ўнг қулоғида	чап қулоғида	туғилган вақти	ранги, нақши	конституцияси	барра типи, жингалагининг йирик-майдалиги	қайси қўчқор наслидан	совлиқлар номери	ўнг қулоғида	чап қулоғида	туғилган йили	ранги, нақши	конституцияси	барра типи, жингалагининг йирик-майдалиги	қайси қўчқор наслидан	совлиқ билан қўчқорнинг қон-қардошлик муносабати	қўчқорни ушбу совлиққа белгилаш учун асос

19_____ й. «_____» ________

Селекционер-зоотехник ______________

22-ж а д в а л

19——йилдаги қочириш кампаниясида——————хўжаликнинг ————фермаси,————отари бўйича қўчқорларни группа совлиқларга белгилаш ведомости

Қўчқорлар								Совлиқлар							Қўчқорни шу группа совлиқларга белгилаш учун асос
индивидуал номери		асосий маълумотлар						асосий маълумотлар							
ўнг қулоғида	чап қулоғида	туғилган йили	ранги, нақши	конституцияси	барранинг типи, жингалагининг йирик-майдалиги	отаси	онаси	яхшиловчи, текшириладиган, оддий	совлиқлар отарларининг номерлари	ёши	ранги, нақши	конституцияси	баррасининг типи, жингалагининг йирик-майдалиги	қўчқорга отар совлиқларидан тушадиган нагрузка	

19——й «——» ——————

Селекционер-зоотехник——————

1-ТОПШИРИҚ.

Хўжаликда қуйида кўрсатилган совлиқлар группаси бор, саралашиб, уларга белгиланадиган қўчқорлар ва туғиладиган қўзиларнинг хусусияти аниқлансин.

23-ж а д в а л

Тартиб №№	Совлиқлар кўрсаткичи: ранги ва нақши	баррасининг типи, класси	конституцияси	саралаш типи	Қўчқорлар кўрсаткичи: ранги ва нақши	баррасининг типи, класси, йирик-майдалиги	конституцияси	яхшиловчи, оддий, текшириладиган
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	кўк сара	элита пишиқ						
2.	оч кўк жак. ҳаворанг	элита	пишиқ					

23-ж а д в а л д а в о м и

Тартиб №№	Совлиқлар кўрсаткичи: ранги ва нақши	баррасининг типи, класси	конституцияси	саралаш типи	Қўчқорлар кўрсаткичи: ранги ва нақши	баррасининг типи, класси, йирик-майдалиги	конституцияси	яхшиловчи, оддий, текшириладиган
1	2	3	4	5	6	7	8	9
3.	оч кўк жак. кумуш	элита	пишиқ					
4.	оч кўк жак. кумуш	1	пишиқ					
5.	оч кўк жак. ҳаворанг	1	пишиқ					
6.	тўқ кўк жак. сафид	эл	пишиқ					
7.	тўқ кўк жак.	1	пишиқ					
8.	оч кўк жак.	1	пиш. иоз					
9.	оч кўк яс.	эл						
10.	оч кўк яс.	1	пишиқ					
11.	тўқ кўк яс.	эл ва 1	пишиқ					
12.	оч кўк яс.	1+2	пишиқ					
13.	оч кўк яс.	2	пишиқ					
14.	оч кўк қов.	эл. 1	пишиқ					
15.	тўқ кўк қов.	1,2	пишиқ					
16.	оч кўк қов.	1,2	пишиқ					
17.	оч кўк қов.	2	пишиқ					
18.	оч кўк жак.	2	ҳар хил					
19.	тўқ кўк жак. кав.	2	ҳар хил					
20.	оч кўк жак кав.	2	ҳар хил					

Қўчқорларни саралаб, белгилаш учун асос	Қуйидагича рангда туғилади деб тахмин қилинган қўзилар, %							Барраси қуйидагича бўлади деб тахмин қилинадиган қўзилар, %			
	қоралари	кўклари	сурлари	гулигазлари	қамбарлари	оқлари	бошқа рангдагилари	жакет	ясси	қовурғасимон	кавказ
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

Эслатма: Саралаш типини, яъни қўчқорларнинг қандай совлиқларга белгиланишига қараб, хўжаликнинг қай хилда ихтисосланишини ўқитувчи кўрсатиб беради. Бир рангли қилиб саралашда қандай тус ва нақшдаги кўк қўзилардан қанчадан туғилиши мумкинлигини аниқлаш юзасидан студентларга топшириқ беради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўчқорлар қайси пайтда апробациядан ўтказилади?
2. Қўчқорлар апробацияси қандай мақсадни кўзда тутади ва ким томонидан ўтказилади?
3. Наслчилик хўжаликлари ва товар хўжаликларида қўчқорларни апробациядан ўтказишда наслчиликка доир қандай ҳужжатлар ўрганиб чиқилади?
4. Апробация натижаларига қараб қайси пунктлар бўйича ва қандай ҳужжат тузилади?
5. Қўчқорларни қочиришга саралаш иши, белгилаш қандай мақсадда, қачон ва қай тариқа ўтказилади?
6. Қўчқорларни саралаш, белгилашда қандай принципларга амал қилиш керак?

28- МАШҒУЛОТ

ҚЎЧҚОРЛАРНИ НАСЛИНИНГ СИФАТИ БЎЙИЧА ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Машғулотдан мақсад — ҳар хил рангдаги қўчқорларни наслининг сифатига қараб текширишга қўйиш техникаси билан таништириш ва уларнинг ирсий хусусиятларига баҳо беришни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — қоракўл зот қўчқорларни саралаш ва наслининг сифатига қараб текшириш тўғрисида инструкция (М., 1982), қўчқорлар-

ни баҳолаш бўйича ишлаб чиқариш практикаси даврида студентлар томонидан ёзилган ва мазкур машғулот учун кафедрада махсус тузилган ведомостлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот қўчқорларни текширишга қўйиш техникасини мустақил ўрганиш ва ирсий хусусиятларини баҳолаш ведомостлари бўйича аниқлаш йўли билан аудиторияда ўтказилади. Ўқитувчи қўчқорларни баҳолашнинг усулларини қисқача айтиб беради ва улардан ҳар бирининг афзалликлари билан камчиликларини кўрсатиб ўтади. Студентлар қўчқорларни баҳолаш ведомостларини анализ қилиб, бир наслдор қўчқорнинг бошқасидан қандай афзаллиги борлиги тўғрисида хулоса чиқариб оладилар.

Машғулотнинг мазмуни. Қўчқорларнинг наслдорлик қиммати асосий маҳсулотининг характери, миқдори ва сифати билан белгиланади. Қоракўлчилик амалиётида уларнинг шу қиммати фенотипини (бонитировка қилиш) ва генотипини баҳолаш билан аниқланади.

Қўчқорларнинг генотипини уларнинг насл-насабига (зоти-аждоди) ва наслининг сифатига қараб баҳоланади. Қўчқорларнинг ирсий сифатларини уларнинг насл-насаб шажарасига қараб баҳолаш қўчқорлар хусусий белгилари тўғрисида фақат тахминий тушунча беради, холос. Қўчқорларнинг насл қимматларини баҳолашнинг анча ишончли методи улардан олинадиган насл кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқишдир.

Бунинг учун улар мазкур хўжаликдаги селекция-наслчилик ишининг йўналишини, подалар хусусиятларини, иқлим ва озиқага оид шарт-шароитлар ҳамда наслчилик ишининг навбатдаги вазифаларини ҳисобга олиб туриб ажратилади.

Ўз ёшига кўра нормал даражада ривожланмай қолган, экстерьерида камчиликлари бўлган, конституцияси нозиклашган, жун қоплами нотекис ва сийрак, гавдасидагина эмас, балки думининг ёғли қисмида ҳам дағал ва қуруқ жунлари бўлган қўчқорлар насл кўрсаткичлари бўйича текширишга қўйилмайди. Қорин, бош ва оёқларнинг жун қоплами ҳам ҳисобга олинади (шу жойлар жун билан яхши қопланган бўлиши керак).

Насл кўрсаткичларига қараб танлашга, одатда, 1,5 яшар қўчқорлар қўйилади, булар биринчи галда бонитировка пайтида шу мақсад учун қолдирилган элита ва I класс қўчқорлар, шунингдек, наслчилик хўжалик-

лари — репродукторлар ҳамда заводлардан келтирилган элита ва I класс қўчқорлардан иборат бўлади.

Насл кўрсаткичига қараб текшириладиган қўчқорларнинг ҳаммаси сунъий вагинада ирғишга олдиндан ўргатилган ва уруғининг сифати текшириб кўрилган бўлиши керак.

2- ТОПШИРИҚ

Хўжаликда қуйида кўрсатилган совлиқлар группаси бор, саралаб белгиланадиган қўчқорлар билан туғиладиган қўзилар хусусиятини аниқлаш зарур.

24- жадвал

Тартиб №№	Совлиқлар			Саралаш типи	Қўчқорлар			
	ранги ва нақши	баррасининг типи, класси	конституцияси		ранги ва нақши	баррасининг типи, класси, йирик-майдалиги	конституцияси	яхшиловчи, оддий, текширилувчи
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	тил. р. сур	сара эл.	пишиқ					
2.	кум. р. сур	сара эл.	пишиқ					
3.	тил. р. сур	жак эл.	пишиқ					
4.	кум. р. сур	жак эл.	пишиқ					
5.	тил. р. сур	жак 1	пишиқ					
6.	кум. р. сур	жак 1	пишиқ					
7.	кум. р. сур	яс. эл.	пишиқ					
8.	тил. р. сур	яс. эл.	пишиқ					
9.	тил. р. сур	яс. 1	пишиқ					
10.	кум. р. сур	яс. 1	пишиқ					
11.	тил. р. кум. р. сур	яс. 2	пишиқ					
12.	тил. р. сур	қов эл. 1	пишиқ					
13.	кум. р. сур	қов. эл. 2	пишиқ					
14.	кум. р. тил	қов. 2	пишиқ					
15.	кум. р. тил	қов. 2	пишиқ					
	р. сур	жак	пишиқ					
16.	пушти	элита	пишиқ					
17.	пушти	1 кл.	пишиқ					
18.	пушти	2 кл.	пишиқ					
19.	қамбар	1 кл.	пишиқ					
20.	қамбар	2 кл.	пишиқ					

тил. р. (тилла ранг сур)

кум. р. (кумуш ранг)

Текшириб кўришга мўлжалланган қўчқорларнинг сони ҳар йили сунъий уруғлантириш учун талаб этиладиган умумий қўчқорларнинг камида 30%ини ташкил этиши лозим.

Қўчқор ранги, нақши, барра типи, класси жиҳатидан бир хил ва тенг ёшли (кам деганда 2,5 яшар) совлиқларда текшириб кўрилади. Қўчқорларни насл сифатига қараб текшириш иши уларни кейинчалик қайси совлиқлар группасида фойдаланишга мўлжал қилинаётган бўлса, ўша совлиқлар группаси устида ўтказилади.

24- жадвал давоми

Қўчқорларни саралаб, белгилаш учун асос	Қуйидагича рангда туғилади деб тахмин қилинган қўзилар %							Барраси қуйидагича бўлади деб тахмин қилинган қўзилар, %			
	қоралари	кўклари	сурлари	пуштиранглари	камбарлари	оқлари	бошқа рангдагилари	жакет	ясси	қовурғасимон	кавказ
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

Эслатма: Саралаш типини, яъни қўчқорларнинг қандай совлиқларга белгиланишига қараб, хўжаликнинг қай хилда ихтисосланишини ўқитувчи кўрсатиб беради.

Совлиқлар отари кўрсаткичлари жиҳатидан бир хил бўлганида текширишга қўйилган битта қўчқорга ранг бўйича бир хил қилиб саралашда камида 100 бош, ҳар хил қилиб саралашда камида 150 бош совлиқ бириктилади.

Уруғлантирилган совлиқларни ҳар куни ҳисобга олиб, сонини жамлаб бориш билан ҳар бир қўчқорга белгиланган нагрузкаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб турилади.

Насл кўрсаткичига қараб текширилаётган қўчқорларга ажратилган совлиқларнинг ҳаммаси қисқа муддатларда уруғлантирилиши ва бир хилда боқиш шароитларига қўйиб қўйилиши керак. Мана шу қўйлардан туғиладиган қўзиларни битта бонитёр бонитировка қилгани маъқул, бунинг учун қўзилатиш даврида совлиқ қўйларнинг отарлари бир-бирига яқин яйловларда жойлаштирилади.

Текширилаётган қора рангли қўчқорларни баҳолаш учун улардан туғилган қўзиларнинг қуйидаги кўрсаткичлари материал бўлиб хизмат қилади: тери-жун қопламининг хоссалари, чунончи ҳаммаси жам бўлиб қўзиларнинг класси, жингалакларининг йирик-майдалиги ва барра типини, қоракўл териларининг сортларини белгилаб берадиган хоссалар.

Кўк рангли қўчқорлар ранги бўйича бир хил қилиб жуфтлашда ҳам, ҳар хил қилиб жуфтлашда ҳам текшириб кўрилади. Гомоген жуфтлашда кўк рангли қўзилар сони ҳам, қора рангли қўзилар сони ҳам селекция қилинаётган энг қимматли нақшлар бўйича, РОЖ методига мувофиқ яшовчанлиги бўйича, қолган бошқа ҳамма хоссалари ва белгилари (барра типи, класси, жунининг характери ва бошқалар) бўйича ҳисобга олинади.

Гетероген жуфтлашда эса текширилаётган кўк ва қора рангли қўчқорларга улардан олинган кўк рангли қўзиларнинг кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам, қора рангли қўзиларнинг кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам, баҳо берилади, сур қўчқорларга эса сур ва қора рангли қўзилар ва терилар жиҳатидан баҳо берилади.

Айни вақтда жун қопламининг ранги, нақши, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги нечоғлик ифодаланганига катта эътибор берилади. Наслининг кўпчилик қисми рўйирост сур ва териси бир текис нақшли бўлиб туғиладиган қўчқорлар жуда қимматли бўлади.

Оқ рангли қўчқорларни текширишда терисининг асосий қисмида оласи бўлмаган, жунлари ўртача узун бўлгани ҳолда аниқ гул ҳосил қилинадиган, узун ва бир текис жингалаклари бўлган қўзилар сонига аҳамият берилади.

Гулигаз рангли қўчқорлар ҳам насл кўрсаткичига кўра худди кўк рангли қўчқорлар каби баҳоланади.

Қўчқорларни баҳолашда эътиборга олинадиган белгилар сони хўжаликлар (давлат наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари, товар подалари) олдига қўйилган вазифаларга ва улардаги наслчилик ишининг даражасига қараб ўзгариши мумкин.

Текширилаётган қўчқорлардан қочириладиган совлиқларнинг қулоқларида номерлари бўлиши керак. Улар шу номерларига қараб отар бўйича қочириш, қўзилатиш ва қўзиларни бонитировка қилиш журналларига тартиб билан ёзиб чиқилади. Бир марта куюкиш давомида совлиқ қўйни икки марта уруғлантириш керак бўлганида

уни биринчи марта қайси қўчқорларнинг спермаси билан уруғлантирилган бўлса, иккинчи марта ҳам худди ўша қўчқор спермаси билан уруғлантирилади, лекин буни журналга такрор ёзилмайди.

Совлиқ қўйлар қўзилаганида янги туғилган ҳар бир қўзига фанера, клеёнкадан ясалган бирка осиб қўйилади, бу биркага қўзининг жинси, туғилган вақти, онасининг номери ёзиб қўйилган бўлади. Қўзилар амалда инструкцияга мувофиқ бонитировкадан ўтказилади, бонитировка маълумотларининг ҳаммаси журналга ёзиб борилади. Қўзининг эмбрионал ривожланиш муддати (қўй уруғлантирилган кундан қўзилаган кунгача ўтган давр) қўзининг отаси тайинли деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Бу давр 5 кун фарқ қилиши мумкин. Ўша кунлар тўғри келмайдиган бўлса, қўзининг отаси номаълум деб ҳисобланади ва бонитировка маълумотлари ҳисобга қўшилмайди. Сўйишга юбориладиган қўзиларга металл ёки бир бўлак клеёнкадан иборат бирка осилади, унга бригада номери ва текширилаётган қўчқорнинг шартли номери ёзилган бўлади. Биркалар қўзининг қулоқ терисига тикиб қўйилади, шунда терисини шилаётган маҳалда бирка сақланиб қоладиган бўлади. Қоракўл терилар сараланиб, сортларга ажратилганидан кейин биркалар кесиб олинади ва группалари, сортлари, ранглари ҳамда нақшларига қараб халтачаларга жойланади.

Ҳар бир қўчқор наслини бонитировкадан ўтказиш ва қўзилар терисининг сифатини ҳисобга олиш маълумотлари вариацион статистика методларини қўллаиб, математик равишда ишлаб чиқилади ёки бирор хил кўрсаткичи бор қўзиларнинг умумий қўзилар сонига нисбатан процент миқдори ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари бир хилдаги совлиқлар группаларида фойдаланилган барча қўчқорларнинг наслига оид ўртача кўрсаткичлари аниқлаб чиқилади. Айрим ҳолларда ҳар бир белгининг ўртача ифодаланганлик даражаси, яъни баллар ҳисобидаги сифати аниқланади, шу сифатини белгиловчи баллар ведомостида ҳар бир белги тагига қўйиб чиқилади. Белгининг энг кўп ифодалангани —10, ўртача ифодалангани —6, кам ифодалангани —3 деб баҳоланади, номақбул белгига 0 балл берилади. Баллар ҳисобида баҳо бериш ҳар бир белги бўйича ўртача баллни ва текширилаётган қўчқор наслининг барча белгилари бўйича йиғинди балларни ҳисоблаб чиқишга имкон беради, наслчилик ҳисоби маълумотларини машина билан ишлашни

25- жадвал

Қўчқорнинг шартли номери	Қўзиларнинг сони								Қўчқорнинг ўртача «ранги»
	жакет типидаги қўзилар, %		шулардан элита қўзилар, %		шулардан 1 класс қўзилар, %		брак, %		
	M	«ранг»	M	«ранг»	M	«ранг»	M	«ранг»	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	62,0	1	12,0	2	50,0	1	1,0	1	1,25
2	55,0	3	10,0	3	40,0	3	3,0	3	3,0
3	60,0	2	20,0	1	42,0	2	2,0	2	1,75
4	54,0	4	5,0	4	38,0	4	4,0	4	4,0

осонлаштиради. Олинган маълумотлар қўчқорни наслининг сифатига қараб баҳолаш ведомостида ёзиб қўйилади (26, 27-жадваллар). Қўчқорларни баҳолаш ведомости бешта қисмдан — қўчқор характеристикаси, совлиқлар характеристикаси, бонитировкадан ўтказилган қўзилар сифати, олинган қоракўл тери сифати, қўчқорни баҳолаш ва саралаш қисмларидан иборат. Ҳар бир қисми бўйича ҳисобга олинадиган белгилар сони хўжаликдаги наслчилик ишининг вазифаларига қараб ўзгариши мумкин. Препотент қўчқорларни аниқлаб олиш учун селекция қилинаётган энг қимматли белгилар (барра типи, нақши, жунининг узунлиги ва бошқалар) бўйича қўшимча тарзда ўзгарувчанлик коэффициенти (С %) аниқланади.

Насл кўрсаткичлари текшириладиган қўчқорлар наслдорлик хусусиятлари жиҳатидан яхшиловчи қўчқорлар, оддий қўчқорлар ва ёмонлаштирувчи қўчқорлар категорияларига бўлинади.

Насл хусусиятлари текширилаётган қўчқорлар индивидуал тарзда баҳоланади, бунда ижобий ва салбий хусусиятларини: а) ўзаро; б) насл хусусиятлари текширилаётган қўчқорлар группасининг ўртача кўрсаткичларига солиштириб; в) яхшиловчи қўчқорлар группасининг ўртача кўрсаткичлари ёки ферма, хўжалик ўртача кўрсаткичларига солиштириб қўрилади.

Қўчқорлар кўрсаткичларини ўзаро солиштириб баҳолашда баҳо беришнинг «ранги»дан фойдаланиш қулай.

559-43-61

«Ранг» деб қўчқорнинг мазкур кўрсаткич бўйича тутган ўрнига (1, 2, 3, 4, ва ҳоказо) айтилади.

Кўрсаткичлар бўйича «ранглар» жамланади ва қўчқор учун ўртача «ранг» чиқарилади, шу билан бирга энг юқори ранг биринчи рангдир.

Жакет барра типдаги қора рангли қўчқорларни «ранглар» бўйича таққослаб баҳолашга мисол, (25-жадвал).

Шундай қилиб, 1-ва 3-қўчқорлар «ранги» бўйича ҳаммасидан яхши бўлиб чиқди. Қўчқорларнинг кўрсаткичларини ўртача кўрсаткичларга солиштириб кўриш йўли билан уларни баҳолашда маълум бир нақш, барра типи, классдаги қўзиларнинг сони ферма ёки хўжаликнинг ўртача кўрсаткичларидан камида 10% ортиқ бўлиб чиққан қўчқорлар ҳаммадан яхши деб ҳисобланади, бундай қўчқорлар *яхшиловчи қўчқорлар* деб аталади, бордию, боягидек қўзиларнинг сони ферма ёки хўжаликнинг ўртача кўрсаткичларига тахминан тенг бўлса, бундай қўчқорлар *оддий қўчқорлар* деб, қўзиларнинг сони ўртача кўрсаткичлардан кам бўлиб чиққан қўчқорлар *ёмонлаштирувчи қўчқорлар* деб аталади.

Масалан: ферма бўйича ўртача кўрсаткичлар қуйидагича — жакет типдаги қўзилар сони 50%, шулардан элита 6%, 1 класс 40%, брак 3%, 25-жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқиладиган бўлса, бу ҳолда № 2 қўчқор оддий қўчқор, № 1 ва № 3 қўчқорлар яхшиловчи, № 4 қўчқор эса ёмонлаштирувчи қўчқор деб хулоса чиқариш мумкин.

Қўчқорларни баҳолашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган методлари комплекс тарзда қўлланилади, улардан фақат биттасини қўллаш нотўғри хулосалар чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.

Қўчқорларни текширишда олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиқишда йиллик озиқа шароитлари эътиборга олинади.

Қўчқорлар маҳсулдорлиги бир хил бўлганида наслдорлик қимматидаги тафовутлари улардан кўпайган қўзиларнинг айрим белгиларини, яъни барра сифатлари шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган белгиларини бир-бирига солиштириб кўриш ва баҳолаш йўли билан аниқланади. Мана шундай белгилар жумласига қуйидагилар киради: ранг қуюқлиги, қоракўл терининг нақши ва унинг бир текислиги, жингалакларининг аниқлиги, бир текис тарқалганлиги, тола узунлиги ва

нисбати, тола қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, селекция қилинаётган бир типдаги барра кўрсаткичига эга бўлган қўзиларининг сони.

Маълум типдаги қўзилар сони бир хил бўлиб чиқса, шуларнинг орасидан энг қимматлиларининг сони қўшимча равишда ҳисобга олинади: жакет типдаги қўзилар учун териси жакет 1 ва кирпук типга кирадиган қўзилар қовурғасимон ва ясси типдаги қўзилар учун қовурғасимон юпқа, ясси, қоракўлча ва ҳоказо типдаги қўзилар ҳисобга олинади.

Қўчқорларни баҳолашда мазкур хўжаликдаги наслчилик ишининг вазифалари, хўжаликнинг йўналиши, поданинг сифат таркиби ва қоракўл тери маҳсулотининг сифатини назарда тутиб иш кўриш зарур.

Жакет типга мансуб қўчқор наслида қовурғасимон типнинг энг яхши қисмига кирадиган қўзилар, қовурғасимон типга мансуб қўчқор наслида эса, аксинча, жакет типининг энг яхши қисмига кирадиган қўзилар сони кўп бўлиб чиқса, у вақтда бу ҳайвонлар тегишли совлиқлар группаларида ишлатилиши керак. Ҳар қандай барра типдаги қўйлар билан жуфтлаштирилганида ҳам старлича юқори кўрсаткичларга эга бўлган насл берaверадиган қўчқорлар чиқиб қолиши мумкин. Мана шундай қўчқорлар ҳаммадан катта аҳамиятга эга бўлади.

Текширилаётган қўчқорлар орасида асосий кўрсаткичлари бўйича ўртача, аммо селекция қилинаётган муҳим белгилардан бирини айнитмай, муқим қилиб наслдан-наслга ўтказиб борадиган ҳайвонлар учрайди. Уларнинг қимматли белги ва хоссаларини подада сақлаб қолиш ва кучайтириш мақсадида мана шундай қўчқорлардан махсус саралашда фойдаланиш мумкин.

Қўчқорларни наслига қараб баҳолашда биринчи марта ўтказилган текшириш узил-кесил бўлиб ҳисобланмайди. Мана шу қўчқорлардан кейинчалик фойдаланишда наслининг сифати қўзиларининг класси ҳамда қоракўл терисининг завод сорти бўйича доимо ҳисобга олиб борилади. Қўчқорни наслининг сифатига қараб баҳолаш натижалари бўйича унинг наслчиликдаги тутган ўрни аниқланади ва қайси группа совлиқлар учун ва қандай нагрузка билан ундан фойдаланиш кераклиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

«Яхшиловчилар» группасига кирадиган қўчқорлар икки категорияга бўлинади: биринчиси — энг яхши қўчқорлар, булардан 1000 бош ва ундан кўпроқ совлиқ-

ларни қочиришда фойдаланилади, иккинчиси кўп деганда 400—500 бош совлиқ ҳисобидаги нагрузка билан ишлатиладиган яхшиловчи қўчқорлардир. «Оддий» қўчқорлардан қўйларни йўлда қочиришда фойдаланилади. Ёмонлаштирувчи қўчқорлардан наслчиликда фойдаланилмайди, улар товар подасига ўтказилади ёки бракка чиқарилади.

26-жадвал

19——йил————— хўжаликдаги қоракўл зот қўчқорларни насл кўрсаткичларига қараб баҳолаш ведомости

Тартиб №№	Қўчқорлар характеристикаси: Индивидуал номери	Қўчқорлар характеристикаси: Ранги	Қўчқорлар характеристикаси: Баррасининг типи, класси	Линияси	Совлиқлар характеристикаси: Баррасининг типи, класси	Совлиқлар характеристикаси: Ранги	Ҳисобга олинган қўзилар сони, бош	Жумладан ранги бўйича			Кўк нақшлари		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

сифатига берилган баллар

Давоми

Бухоро сури: нақши			Қорақалпоқ ва Сурхондарё сури: нақши			Рангининг ифодаланганлиги: аъло	Рангининг ифодаланганлиги: яхши	Рангининг ифодаланганлиги: қаноатланарли	Баррасининг типи: жакет: жами	Баррасининг типи: жакет: элита	Баррасининг типи: жакет: 1 кл
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26

Давоми

Класси, %: Ковурғасимон: жами	Класси, %: Ковурғасимон: элита	Класси, %: Ковурғасимон: 1 кл.	Класси, %: ясси: жами	Класси, %: ясси: элита	Класси, %: ясси: 1 кл.	Класси, %: кавказ	Класси, %: брак	Гули: аниқ	Гули: аниқмас	Гул ўлчами: узун	Гул ўлчами: ўртача	Гул ўлчами: калта	Толасининг узунлиги: калта	Толасининг узунлиги: ўртача	Толасининг узунлиги: узун
27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42

нисбати, тола қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, селекция қилинаётган бир типдаги барра кўрсаткичига эга бўлган қўзиларининг сони.

Маълум типдаги қўзилар сони бир хил бўлиб чиқса, шуларнинг орасидан энг қимматлиларининг сони қўшимча равишда ҳисобга олинади: жакет типдаги қўзилар учун териси жакет 1 ва кирпук типга кирадиган қўзилар қовурғасимон ва ясси типдаги қўзилар учун қовурғасимон юпқа, ясси, қоракўлча ва ҳоказо типдаги қўзилар ҳисобга олинади.

Қўчқорларни баҳолашда мазкур хўжаликдаги наслчилик ишининг вазифалари, хўжаликнинг йўналиши, поданинг сифат таркиби ва қоракўл тери маҳсулотининг сифатини назарда тутиб иш кўриш зарур.

Жакет типга мансуб қўчқор наслида қовурғасимон типнинг энг яхши қисмига кирадиган қўзилар, қовурғасимон типга мансуб қўчқор наслида эса, аксинча, жакет типининг энг яхши қисмига кирадиган қўзилар сони кўп бўлиб чиқса, у вақтда бу ҳайвонлар тегишли совлиқлар группаларида ишлатилиши керак. Ҳар қандай барра типдаги қўйлар билан жуфтлаштирилганида ҳам старлича юқори кўрсаткичларга эга бўлган насл берaверадиган қўчқорлар чиқиб қолиши мумкин. Мана шундай қўчқорлар ҳаммадан катта аҳамиятга эга бўлади.

Текширилаётган қўчқорлар орасида асосий кўрсаткичлари бўйича ўртача, аммо селекция қилинаётган муҳим белгилардан бирини айнитмай, муқим қилиб наслдан-наслга ўтказиб борадиган ҳайвонлар учрайди. Уларнинг қимматли белги ва хоссаларини подада сақлаб қолиш ва кучайтириш мақсадида мана шундай қўчқорлардан махсус саралашда фойдаланиш мумкин.

Қўчқорларни наслига қараб баҳолашда биринчи марта ўтказилган текшириш узил-кесил бўлиб ҳисобланмайди. Мана шу қўчқорлардан кейинчалик фойдаланишда наслининг сифати қўзиларининг класси ҳамда қоракўл терисининг завод сорти бўйича доимо ҳисобга олиб борилади. Қўчқорни наслининг сифатига қараб баҳолаш натижалари бўйича унинг наслчиликдаги тутган ўрни аниқланади ва қайси группа совлиқлар учун ва қандай нагрузка билан ундан фойдаланиш кераклиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

«Яхшиловчилар» группасига кирадиган қўчқорлар икки категорияга бўлинади: биринчиси — энг яхши қўчқорлар, булардан 1000 бош ва ундан кўпроқ совлиқ-

ларни қочиришда фойдаланилади, иккинчиси кўп деганда 400—500 бош совлиқ ҳисобидаги нагрузка билан ишлатиладиган яхшиловчи қўчқорлардир. «Оддий» қўчқорлардан қўйларни йўлда қочиришда фойдаланилади. Ёмонлаштирувчи қўчқорлардан наслчиликда фойдаланилмайди, улар товар подасига ўтказилади ёки бракка чиқарилади.

26-жадвал

19——йил————хўжаликдаги қоракўл зот қўчқорларни насл кўрсаткичларига қараб баҳолаш ведомости

Тартиб №	Қўчқорлар характеристикаси			Линияси	Совлиқлар характеристикаси		Ҳисобга олинган қўзилар сони, бош	Жумладан ранги бўйича			Кўк нақшлари		
	Индивидуал номери	Ранги	Баррасининг типи, класси		Баррасининг типи, класси	Ранги							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

сифатига берилган баллар

Давоми

Бухоро сури			Қорақалпоқ ва Сурхондарё сури			Рангининг ифодаланганлиги			Баррасининг типи		
нақши			нақши			аъло	яхши	қаноатланарли	жакет		
									жами	элита	I кл
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26

Давоми

Класси, %								Гули		Гул ўлчами			Толасининг узунлиги		
Ковурғасимон			ясси			кавказ	брак								
жами	элита	I кл.	жами	элита	I кл.			аниқ	аниқмас	узун	ўртача	калта	калта	ўртача	узун
27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42

Давоми

Ипаксимонлиги			Ялтироқлиги			Терисининг қалинлиги			Жингалагининг йирик-майдалиги		
кучли ипаксимон	нормал	етишмайди	кучли	нормал	етишмайди	юпқа	қалин тортган	қалин	йирик	ўртача	майда
43	44	45	46	47	48	49	50	51	52	53	54

Давоми

Қоракўл тери ва наслдор қўзилар сони	Жумладан 1 сорт наслдор эркак қўзилар						Кавказ	Жами 3 сорт	Баҳоси ва белгиланиши
	жакет		қовурғасимон		ясси				
	жами	жакет 1 ва кирпук 1	жами	юпқаси	жами	юпқаси			
55	56	57	58	59	60	61	62	63	64

Топшириқ қўчқорларнинг кўрсаткичларини бир-бирига, ўртача кўрсаткичларга солиштириш билан уларга насл сифатига қараб баҳо бериш. 29, 30, 31 жадвалларга мувофиқ наслчилик ишида улардан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида тегишли хулосалар чиқариш зарур.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўчқорларнинг наслдорлик қиммати қандай қилиб аниқланади?
2. Ёш қўчқорларнинг қанақалари ва қанчаси текширишга қўйилади?
3. Қўчқорлар қандай совлиқлар устида текшириб кўрилади?
4. Текширилаётган қўчқорларни баҳолаш учун қандай материалдан фойдаланилади?
5. Текширилаётган қўчқорлар насл сифатини ҳисобга олиш техникасини сўзлаб беринг.

27-жадвал

__________________хўжаликдаги қўчқорларни 19__________йилда насл кўрсаткичларига қараб баҳолаш ведомости

Тартиб №№	Қўчқорлар курсаткичи			Совлиқлар кўрсаткичи		Ҳисобга олинган қўзилар	Ранги бўйича			Кўк нақшлари		
	индивидуал номери	баррасининг типи, класси	ранги	баррасининг типи, класси	ранги							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Давоми

Бухоро сури нақшлари			Қорақалпоқ ва Сурхондарё сури нақшлари			Баррасининг типи ва класси, %								
						жакет			қовурғасимон			ясси		
						жами	элита	1 кл.	жами	элита	1 кл.	жами	элита	1 кл.
14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28

Давоми

кавказ	биринчи сортлари жами, дона	Биринчи сорт қоракўл терилар							3-сортдагисининг жами	баҳоси
		жакет		қовурғасимон		ясси				
		жами	жакет 1 ва кирпук	жами	юпқалари	жами	юпқалари	кавказ		
29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39

6. Қўчқорларни наслининг сифатига қараб баҳолаш ведомостларининг формасини тасвирлаб беринг.

7. Қўчқорларни баҳолашда қандай методлардан фойдаланилади?

8. Наслининг сифати бўйича текшириб кўрилган қўчқорлардан қандай фойдаланилади?

9. Қўчқор наслининг сифатига шу қўчқор билан жуфтлаштириладиган совлиқларнинг сифати, ёши, ем-хашак ва озиқа шароитлари таъсир қиладими?

28-жадвал

________________ бўйича 19______ йили қора рангли қўзиларни бир хил қилиб саралашда қоракўл зот қўчқорлар наслининг кўрсаткичига қараб текшириш ведомости

Қўчқорларнинг индивидуал номери		Қўчқорлар					Совлиқлар				Бонитировкадан ўтказилган қўзилар		Қўзиларининг ранги		
ўнг қулоғида	чап қулоғида	туғилган йили	конституцияси	баррасининг типи, жингалагининг йирик-майдалиги	қайси қўчқор наслидан	текширилган ёки текширишда	совлиқлар отарининг номери	ёши	конституцияси	баррасининг типи, жингалагининг йирик-майдалиги	жами	эркаклари	қоралари	рангдорлари	олалари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Давоми

Қўзилар										
баррасининг типи						жингалагининг класси				
ярим доира (жакет) жингалаклари	ўсиқ жингалакли кавказ	қовурғасимон	ясси	майда	ўртача	йирик	элита	жакет тип элита+1 класс	барраси бўйича брак	оласи бўйича брак
17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27

Давоми

кучли ипаксимон ва ипаксимон толалилари	кучли ва нормал ялтироқ толалилари	деформациялилари	ҳисобга олинган барралар	Барралар сифати, %						
				қоракўл группалари			қоракўл сортлари бўйича			
				жакет	кавказ	ковурғасимон ясси	жакет I+кирпук қалин жакет++москва, қалин кавказ	ковурғасимон юпқа I, ясси I	барча учала қоракўл группаларининг биринчи сортлари, жакет I, кирпук, жакет қалин+москва+наслдор эркак қўзилар	кўчқорнинг баҳоси ва белгиланиши
28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38

29-жадвал

Ҳар хил ранг қилиб саралашда кўк ва қора кўчқорларни насл кўрсаткичига қараб текшириш ведомости

хўжалик номи ________________ 19_______ йил

Кўчқор номери		кўчқор ранги, баррасининг типи, класси	кўчқорнинг ёши	кўчқорнинг категорияси (текширилаётган яхшиловчи)	совлиқлар характеристикаси (ранги, барра типи, конституцияси)	жами олинган қўзилар	Ранги бўйича		
ўнг қулоғида	чап қулоғида						кўклари	қоралари	қолганлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

9. Қўчқор наслининг сифатига шу қўчқор билан жуфтлаштириладиган совлиқларнинг сифати, ёши, ем-хашак ва озиқа шароитлари таъсир қиладими?

28-жадвал

__________ бўйича 19_____ йили қора рангли қўзиларни бир хил қилиб саралашда қоракўл зот қўчқорлар наслининг кўрсаткичига қараб текшириш ведомости

Қўчқорларнинг индивидуал номери		Қўчқорлар					Совлиқлар				Бонитировкадан ўтказилган қўзилар		Қўзиларининг ранги		
ўнг қулоғида	чап қулоғида	туғилган йили	конституцияси	баррасининг типи, жингалагининг йирик-майдалиги	қайси қўчқор наслидан	текширилган ёки текширишда	совлиқлар отарининг номери	ёши	конституцияси	баррасининг типи, жингалагининг йирик-майдалиги	жами	эркаклари	қоралари	рангдорлари	олалари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Давоми

Қўзилар										
баррасининг типи						жингалагининг класси				
ярим доира (жакет) жингалаклари	ўсиқ жингалакли кавказ	қовурғасимон	ясси	майда	ўртача	йирик	элита	жакет тип элита+1 класс	барраси бўйича брак	оласи бўйича брак
17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27

Давоми

				Барралар сифати, %						
				қоракўл группалари			қоракўл сортлари бўйича			
кучли ипаксимон ва ипаксимон толалилари	кучли ва нормал ялтироқ толалилари	деформациялилари	ҳисобга олинган барралар	жакет	кавказ	қовурғасимон ясси	жакет I+кирпук қалин жакет++москва, қалин кавказ	қовурғасимон юпқа I, ясси I	барча учала қоракўл группаларининг биринчи сортлари, жакет I, кирпук, жакет қалин+москва+наслдор эркак қўзилар	қўчқорнинг баҳоси ва белгиланиши
28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38

29-жадвал

Ҳар хил ранг қилиб саралашда кўк ва қора қўчқорларни насл кўрсаткичига қараб текшириш ведомости

хўжалик номи____________________19________йил

Қўчқор номери							Ранги бўйича		
ўнг қулоғида	чап қулоғида	қўчқор ранги, баррасининг типи, класси	қўчқорнинг ёши	қўчқорнинг категорияси (текширилаётган яхшиловчи)	совлиқлар характеристикаси (ранги, барра типи, конституцияси)	жами олинган қўзилар	кўклари	қоралари	қолганлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Давоми

Кўк қўзилар кўрсаткичи									Қора қўзилар кўрсаткичи								
оч кўклари	ўртача кўклари	тўқ кўклари	жами нотекислари	ҳаворанг нақшлилари	кумуш рангли нақшлилари	яримдоирасимон барра Тип қўзилар	Элита ва барча биринчи класс қўзилар	браклари	майда	ўртача	йирик	яримдоирасимон (жакет) жингалаклилари	ўсиқжираганлари (кавказ)	ковурғасимонлари	яссилари	элита ва барча биринчи класс қўзилари	браклари
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28

Давоми

Наслчиликда фойдаланишга қолдирилган эркак қўзилар												
кўклари		қоралари		жами кўк барралар	жумладан 1 сортлилари	жами қора барралар	жумладан 1 сортлилари	жумладан		жами кавказ типдагилари	жингалаги деформацияланган жами қўзилар	Кўчқорнинг умумий баҳоси ва белгиланиши
жами	жумладан элиталари	жами	жумладан элиталари					жами 1 сортлилар (жакет)	жами 1 сорт ковурғасимон яссилар			
29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41

29-МАШҒУЛОТ

ҚЎЙЛАРНИ ҚОЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ПЛАНЛАШТИРИШ

Машғулотдан мақсад — қочириш кампаниясига тайёргарлик кўриш техникаси билан танишиш, қўйларни қочиришни планлаштириш ва ташкил этишни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — бирор қоракўлчилик хўжалигининг ишлаб чиқаришга оид материаллари ёки кафедрада ишлаб чиқилган дастлабки маълумотлар, қоракўл қўйларни сунъий уруғлантириш ишини

30-жадвал

Бир хил ва ҳар хил қилиб саралашда бухоро сур қўчқорларини насл кўрсаткичига қараб текшириш ведомости

Қўчқор номери		накши, конституцияси класси, баррасининг типи	Совликлар характеристикаси			Олинган жами қўзилар	Ранги бўйича			
ўнг қулоғида	чап қулоғида		отар номери	жингалагининг йирик-майдалиги, класси, конституцияси, ранги	баррасининг типи		сурлари	қоралари	камбарлари	қолганлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

давоми

Сур қўзилар кўрсаткичи									Қора қўзилар кўрсаткичи				
Накши бўйича			Ярим доирасимон жингалаклари (жакет ва кавказ типлари)	Ясси тип	Элита	браклари	ипаксимон жунлари	кучли ва нормал ялтироқ жунлилари	Ярим доирасимон (жакет тип)	Кавказ типи	қовурғасимон ясси тип	Элита ва 1 класслар	браклари
12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25

давоми

Барра маҳсулот кўрсаткичи						
жами сур барралар	жумладан 1-сорт	жами қора барралар	жумладан 1-сортлари	жумладан жакет группа 1-сорт	жумладан қовурғасимон группа 1-сорти	жами 1-сорт сур ва қора қўзилар
26	27	28	29	30	31	32

ташкил этишга оид тавсияномалар, слайдлар, фотосуратлар, плакатлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, студентлар қўйларни қочиришни ташкил этиш ва уни ўтказиш техникасини мустақил ўрганиб, конкрет материал (рақам)ни олади ва шу асосда ўқутувчи раҳбарлигида топшириқни бажаради.

Машғулотнинг мазмуни

Қоракўл қўйларни кўпайтиришнинг асосий методи сунъий уруғлантиришдир, қисман қўйларни қўлда ва эркин қочириш усули ҳам қўлланилади.

Қўйларни қочириш муддати яйлов озиқа ва иқлим шароитларига боғлиқ, бу хўжаликнинг географик ўрнига қараб ҳар хил бўлади. Қочириш кампанияси 30—45 кун давом этади.

Қоракўл қўйларни қочириш муддатларини танлаганда қўзилаш муддати яйловдаги ўт-ўланлар барқ уриб ривожланиб турадиган пайтга тўғри келадиган қилиб танланади. Ўрта Осиёнинг жанубий районларида қочириш кампаниясини сентябрь ойининг охирги декадасида, ўрта зонасида октябрь ойиниг биринчи декадасида, шимолий зонасида октябрь ойининг иккинчи ярмида бошлаш зарур. Бу кампания одатдагидан кўра 20—25 кун илгарироқ бошланадиган бўлса, натижаларининг жуда яхши бўлиб чиқиши сўнгги йилларда қўлга киритилган тажрибалардан маълум бўлди. Қоракўл қўзилари 8—10 ойлигида жинсий жиҳатдан вояга етади, лекин уларни 18 ойлик бўлганидан кейин қочиришга қўйиш тавсия этилади.

Қўйларнинг куюкканлигини ўз вақтида аниқлаб олгандагина сунъий уруғлантириш юқори самара беради. Совлиқларнинг куюкканлигини қорнига 60×40 см катталикдаги фартук тутиб қўйилган синовчи қўчқорлар ёки вазоэктомия қилиниб, махсус белгилагичлар ўрнатилган қўчқорлар ажратиб беради. Битта синовчи қўчқорга 60—80 бош совлиқ тўғри келади.

Қўйларнинг уруғланувчанлигини оширишда бир куюкишда икки қайта уруғлантириш тавсия этилади, шунинг ҳисобига уруғланувчанлик 5—10% ортади. (Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институтининг маълумоти). Одатда қўйлар ўша куни кечқурун ёки эртасига эрталаб биринчи навбатда такрор уруғлантирилади.

Қочириш даврида совлиқларни ортиқча бесарамжонланишдан имкони борича эҳтиёт қилиш зарур, қочириш пунктларига қўйлар қочириш кампанияси бошланишидан 10—12 кун илгари олиб келинади.

Сунъий қочириш пунктига яйловларнинг катта-кичиклиги ва суғориш манбалари бор-йўқлигига қараб 1500—2500 бош совлиқ бириктилади.

Уруғлантирилган қўйлар алоҳида группа қилиб ажратилади, кейинги кунларда уруғлантирилган қўйлар биринчи куни уруғлантирилганларга қўшиб борилади. 12—13 кундан кейин қўйларнинг уруғланган ва уруғланмаганлиги такрор текшириб кўрилади. Қочириш муддати тугаганидан кейин уруғланмаган қўйлар кам қолади, уларни (қочириш пункти ёпилгач) сурувга қўшилган қўчқорлар қочиради.

Уруғлантиришнинг самарадорлиги совлиқларнинг семизлик даражасига боғлиқ. Чунончи Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институти тадқиқотларининг натижаларига қараганда, ўртадан юқори ва ўртача семизликдаги совлиқларнинг 6,4%, ўртачадан паст семизликдаги совлиқларнинг 33% сунъий уруғлантириш даврида мутлақо куюкмайди, уруғланувчанлик ўртадан юқори ва ўртача семизликдаги совлиқлар группасида 67% ни, ўртадан паст семизликдаги совлиқлар группасида 44% ни ва ориқ совлиқлар группасида 34% ни ташкил этади. Шу муносабат билан қочириш кампаниясига 2—2,5 ой қолганида совлиқлар қўзиларидан ажратиб (бракка чиқариб) бўлинганидан кейин дарров қочиришга тайёрланади. Қўйлар ялписига ветеринария-профилактика эмлашларидан ўтказилади. Бу даврда қўйлар камида 1,1—1,2 озиқ бирлиги ва 110—120 г миқдорида ҳазм бўладиган протеин олиб туриши керак. Ўртадан паст семизликдаги совлиқларни концентратлар билан қўшимча озиқлантириб бориш учун алоҳида группага ажратиб қўйиш лозим.

Қочиришга тайёргарлик кўриш даврида қўчқорларни тўла қимматли озиқалар билан боқиб бориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки жинсий активлик организм функцияларининг кучайиши натижасидир. Шу сабабдан наслдор қўчқорларни қочириш кампаниясига 1,5—2 ой қолган вақтдан бошлаб унинг охиригача тўлиқ рацион асосида боқиб бориш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарур.

Хўжаликлар шароитида қоракўл зот қўчқорларнинг

тирик вазни 50—70 кг атрофида бўлади. Қўчқорларни Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институти маълумотлари бўйича озиқлантириб бориш нормалари 31-жадвалда келтирилган.

31-жадвал

Қоракўл зот қўчқорларга бир кеча-кундузда бериладиган озиқа нормалари (Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институтининг маълумотлари)

Тирик вазни, кг	Озиқа бирлиги кг	Ҳазм бўладиган протеин, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
50	1,75	207	8,9	6,1	23
60	1,85	217	9,5	6,6	27
70	1,95	225	10,0	7,2	31,5

Рациондаги озиқ моддалар миқдори озиқа бирлиги, ҳазм бўладиган протеин, кальций, фосфор ва каротин жиҳатидан бекамукўст, тобига келтирилган бўлиши керак. Хўжаликнинг қайси зонада жойлашганига қараб қўчқорлар оптимал рационларининг структураси ўзгариши мумкин. Озиқларни тайёрлашнинг мавжуд усулларидан (майдалаш, ун қилиб бериш ва бошқалардан) озиқларни донадор ҳолга келтириш, гранулалаш ҳаммадан самаралидир. Донадор ҳолдаги озиқаларни озиқ моддалар миқдори бўйича тобига келтириш осон, рационга ҳар хил қўшимчалар киритишда улар жуда қўл келади, қўчқорларга оптимал рационларни тузишда бунинг муҳим аҳамияти бор.

Қўчқорлардан тўғри фойдаланиш мақсадида уларнинг нагрузкасини қуйидагича белгилаш тавсия этилади: 1 категория яхшиловчи қўчқорлар учун —1000—1200 бош совлиқ; 2 категория яхшиловчи қўчқорлар учун —300—400 бош совлиқ; текширилаётган қўчқорлар учун —100—150 бош совлиқ; синовчи қўчқорлар учун —60—70 бош совлиқ; қўлда ва эркин қочиришда фойдаланиладиган оддий қўчқорлар учун 30—40 бош совлиқ.

Қоракўлчиликда қўйлар сунъий уруғлантириладиган стационар пунктлардан, қисмларга ажратиладиган йиғма ва кўчма пунктлардан фойдаланилади.

Ҳар бир сунъий уруғлантириш пункти зарур асбоб-анжомлар комплекти билан, озиқалар, хўжалик асбоб-ускуналари билан ва ҳар қайсисининг вазифаси аниқ

белгилаб қўйилган малакали ходимлар билан таъминланган бўлиши керак (32-жадвал). Уруғлантирувчи-техник ва унинг ёрдамчиси қисқа муддатли курсларда ҳар йили қайта аттестациядан ўтиб туриши лозим. Пункт ходимларининг тайёргарлигини, шунингдек, қўйларни сунъий уруғлантириш ишини ташкил этишни, назорат қилиб бориш ва шу иш юзасидан ҳисоб бериб туриш вазифасини хўжаликнинг наслчилик ишлари бўйича зоотехниги зиммасига юклаб қўйиш зарур.

Қўйларни қочириш даврида сунъий уруғлантириш пунктларида наслчилик ҳисоби ишларини ўз вақтида олиб бориш зарур.

Она қўй карточкасини қуйидаги формага мувофиқ тўлдириш тавсия этилади:

ОНА ҚЎЙ КАРТОЧҚАСИ

Қулоғидаги номери: Ўнг қулоғидаги ____________________
чап қулоғидаги ____________________
Ранги __________ баррасининг типи ____________________
Класси, жингалагининг йирик-майдалиги ____________________

дастлабки уруғлантирилган кун . . . .
қўчқор номери . . . .
такрор уруғлантирилган кун . . . .
қўчқор номери . . . .

Кичик (10×15 см) қоғоз варақларига ёзилган шу карточкалар ҳар куни тўлдирилади, ҳар бир отар бўйича олиб борилади ва қочириш тугаганидан кейин уруғлантириш журналлари шулар асосида тўлдирилади, унда совлиқларнинг номерлари бирма-бир ёзиб борилади.

Наслдор қўчқорлардан фойдаланиш карточкаси ҳар куни қуйидаги формага мувофиқ тўлдириб борилади.

Қўчқор (яхшиловчи, оддий, текширилаётган қўчқор) карточкаси
Қўчқорнинг қулоғидаги номери, ранги, класси, барра типи __________

совхози № ______ фермасининг ________ сунъий уруғлантириш пункти
Иш вақти ____ дан __________ гача

Вақти	Уруғ миқдори	Уруғ сифати	Уруғлантирилган совлиқлар сони			Жами	Эслатма
			биринчи марта	иккинчи марта	такрор		

Уруғлантирувчи-техник . . . .

32- жадвал

2100 — 2500 бош қўйга мўлжалланган сунъий уруғлантириш пункти ходимларининг вазифалари

Ходимлар категорияси	Ходимлар сони	Бажарадиган ишлари
Уруғлантирувчи-техник	1	Пунктдаги ишга раҳбарлик қилиш. Куюккан совлиқларни аниқлаш устидан назорат олиб бориш. Қўйларни уруғлантириш. Пунктдаги асбоб-ускунларни ҳисобга олиб бориш ва тўғри сақлаш. Пунктга биркитилган совлиқларни ўз вақтида уруғлантиришни, ишларни сифатли қилиб ўтказишни, ветеринария-санитария қоидаларининг бажо келтирилишини таьминлаш
Техник ёрдамчиси	1	Қўчқорлардан уруғ олиш, уни баҳолаш. Қўчқорлар, жумладан синовчи қўчқорларни боқиш ва парвариш қилиш устидан назорат олиб бориш. Сперма текшириладиган лабораторияни санитария жиҳатидан яхши аҳволда сақлаш. Газ ва иссиқ сув бериб турадиган система ишини кузатиб бориш.
Ҳисобчи	1	Қўйларни уруғлантириш журналини, шунингдек белгиланган ҳисоб формаларини тўлдириш. Қўйларга эн солиш, қулоқларидаги номерлари тушиб қолган бўлса, ўрнига бошқасини қўйиб қўйиш, биноларни йиғиштириш, тозалаб туриш.
Чўпон	1	Барча қўчқорларни суғориш, озиқлантириш ва яйратиб, сайр қилдириб туриш. Уруғлантириш учун совлиқларни ажратиб бериш.
Ишчилар	2	Қўйларни олиб келиб туриш

33- жадвал

Сунъий уруғлантириш пункти иш кунининг тартиби

Ишнинг номи	Соат ва минутлар		
	бошланиши	тугаши	муддати
Ишга тайёргарлик	6.30	7.00	0.30
Қўйларни уруғлантириш	7.00	9.00	2.00
Танаффус	9.00	9,30	0.30
Қўйларни уруғлантириш	9.30	11.30	2.00
Иш жойларини йиғиштириш	11.30	12.00	0.30
Тушлик танаффус	12.00	14.00	2.00
Ҳужжатларни расмийлаштириш	14.00	15.00	1.00
Қўйларни такрор уруглантириш	15.00	16.30	1.30
Иш сменасининг муддати			8.00

Қўйларни қочириш қандай бораётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳар куни, якунловчи маълумотлар эса ҳар беш кунда топшириб турилади.

Сунъий уруғлантириш пунктида қўйларни қочириш, қўзилатиш ва қўзиларни бонитировка қилиш журнали (бу журнал қўйларни қочириш тугаллангандан кейин тўлдирилади); қўчқорларни индивидуал ёки группа тарзида саралаб белгилаш ведомостлари; наслдор қўчқорлар ва синовчи қўчқорларнинг озиқ рационлари ҳамда уларни асраб боқиш тартиби; пункт ходимларининг вазифалари; пункт иш кунининг тартиби; қўйларни қочириш ишининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги кундалик маълумотлар, совлиқ қўйларнинг карточкалари, қўчқорлардан фойдаланиш карточкалари, совлиқ қўйларни боқиш тартиби бўлиши керак.

Қочириш кампанияси тугаганидан кейин ҳар бир сунъий уруғлантириш пункти бўйича қуйидаги формулага мувофиқ акт тузилади:

. . . . совхози . . . . . . фермасидаги . сунъий уруғлантириш пунктининг иши тугагани тўғрисида

Қочириш кампанияси бошланишидан олдин умуман хўжалик бўйича ёки айрим фермаларнинг ҳар бир отари бўйича қочиришни ўтказиш плани тузилади.

Шундай планни тузиш ва тегишли ҳисоб-китобларни қилиш учун қуйидагиларни билиш керак:

1. Қочириладиган совлиқ қўйлар отарларининг сони, ҳар бир отарда неча бош совлиқ борлигини, керак бўладиган қўчқорларнинг сони ва сифатини аниқлаш учун совлиқларнинг ранги, барра типи, класси, жингалагининг йирик-майдалиги бўйича тақсимланишини;

2. Қочириш бошланадиган ва тугалланадиган муддатларни;

3. Қочириш тури — сунъий қочириш, қўлда ёки эркин қочириш турини;

4. Ҳар бир отарда совлиқларнинг қандай тартибда: индивидуал ёки группа тарзида танланишини, шунга қараб неча бош қўчқор кераклиги ва қўчқорлар касал бўлиб қолса, уларни алмаштириш учун неча бош резерв қўчқорлар кераклиги белгиланади;

5. Наслдор қўчқорлар ва синовчи қўчқорлар нагрузкаси нормаларни;

6. Қанча ва қандай асбоб-ускуналар, сунъий уруғлантириш пунктлари, хўжалик жиҳозлари, химикатлар ва ишчи кучи кераклигини;

АКТ

Иш бошланган вақт ————, иш тугаган вақт————

Отар номери	Қочириш вақтидаги совлиқлар сони (бош)	Совлиқлар ёши	Ранги, барра типи, класси жингал. Йирик-майдалиги	Пунктда уруғлантирилган жами совлиқлар (бош)	Фойдаланилган қўчқорлар (бош)	Қўчқорларнинг қулоқ номери	Уруғланмай қолган совлиқлар (бош)	Эркин қочиришга қўйилган қўчқорлар (бош)	Катта чўпон имзоси

Сун. ур. пункти бўйича ҳаммаси . . . .

АКТ тузилган кун

Бош зоотехник . . . . .
Ферма бошқарувчиси . .
Ферма зоотехниги . . . .
Уруғлантирувчи техник .

7. Қочириш ўтказилаётган маҳалда қўчқорларга бериш учун қанча озиқ запаси туриши зарурлигини.

Қўйларни қочириш планини хўжаликнинг зоотехниги, ферма мудирлари ва катта чўпонлар билан биргаликда ишлаб чиқади.

Топшириқ

Қўйчилик фермасидаги 16 та отарда 12 минг бош совлиқ бор, шу жумладан олти отари кўк (икки отари — ўрта кўк, жакет, элита, ҳаворанг ва кумушранг нақшли, бир отари — ўрта кўк, ясси типда, элита+I класс; бир отари — ўрта кўк, қовурғасимон типда, элита+I класс; икки отари II кл) олти отари қора (икки отари — жакет типда, элита, жингалагининг йирик-майдалиги ўртача, икки отари — жакет I класс, икки отари — кавказ, жакет II класс (ва тўрт отари сур) икки отари — жакет, элита кумушранг нақшли, бир отари — жакет, I класс, кумушранг ва тилларанг нақшли, бир отари — II кл. Жакет, Кавказ). 15 отардаги қўйлар сунъий уруғлантириш йўли билан ва бир отардаги қўйлар эркин қочирилади.

Хўжалик жакет барра типли группага мансуб қоракўл териларни етиштиришга ихтисослашган, унда рангига кўра ҳар хил қора ва кўк, группавий жуфтлаш ва бир

хил сур рангли жуфтлаш усули қўлланилади (яйлов ҳолати қониқарли).

15 отарда сунъий уруғлантириш ва биттасида эркин қочириш усули қўлланилади. Қочиришни I октябрда бошлаб, 30 кун давомида тугатиш зарур. Сунъий уруғлантириш тугаганидан кейин эркин қочириш қўлланилади. Текширишга 10 бош кўк, 10 бош қора ва 6 бош сур қўчқорларни қўйиш керак.

Қочиришни ташкил этиш ва ўтказиш плани тузилсин. Бунда қўйларни икки қайта уруғлантиришни мўлжаллаб, наслдор қўчқорлар ва уларнинг ўрнини боса оладиган резерв қўчқорлардан, синовчи қўчқорлардан, эркин қочириш учун қўйиладиган қўчқорлардан неча бош керак бўлишини хисоблаб чиқиш зарур. Нечта хона, қанча ишчи кучи, асбоб-ускуна зарур бўлиши, уруғлантириш пунктига қанча нагрузка тушиши аниқлансин. Қочириш даврида қўчқорлар учун рацион тузилсин ва уларга қанча озиқа керак бўлиши аниқлансин (28-ва 29-жадвалларга мувофиқ).

34- жадвал

Қочиришни ташкил этиш ва ўтказиш плани

Тартиб №№	Катта чўпон фамилияси, исми	Отар номери	I — X да совлиқлар сони	Совлиқларнинг ёши	Ранги, барра типи; класси, йирик-майдалиги	Қанча қўчқор зарур						
						яхшиловчи текширилувчидан		синовчилардан				Жами қўчқорлар
						Ранги, барра типи. класси	сони	ранги. барра типи, класси	сони	ранги, барра типи, класси	сони	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Ишчи кучи		Бинолар		асбоб-ускуна			
сунъий уруғ. пункти ходимлари	ёрдамчи ишчилар	сунъий уруғлантириш пунктлари	кўтонлар, кошарлар	сунъий уруғл. пункти учун	хўжалик асбоблари	химикатлар	эслатма
14	15	16	17	18	19	20	21

35- жадвал

Кочириш даврида керак буладиган озиқа миқдори

Отар номери	Қўчқорлар сони	Қўчқорлар: конц. озиқа — бир кунга	конц. озиқа — мавсумга	кўк беда — бир кунга	кўк беда — мавсумга	пичан — бир кунга	пичан — мавсумга	сабзи — бир кунга	сабзи — мавсумга	тухум — бир кунга	тухум — мавсумга	туз — бир кунга	туз — мавсумга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

давоми

Қўчқорлар сони	Синовчи қўчқорлар ва такрор кочирадиган қўчқорлар: конц. озиқа — бир кунга	конц. озиқа — мавсумга	кўк беда — бир кунга	кўк беда — мавсумга	пичан — бир кунга	пичан — мавсумга	сабзи — бир кунга	сабзи — мавсумга	туз — бир кунга	туз — мавсумга	Эслатма
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26

Қочириш пунктлари буйича

ҳаммаси булиб: — конц. озиқа
— кўк беда
— пичан
— сабзи
— тухум
— туз керак булади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қочириш муддатлари қай тариқа аниқланади?
2. Қўйларни қочиришнинг муваффақияти нимага боғлиқ?
3. Пунктга неча бош қўй бириктиб қўйилади?
4. Қўчқорлар учун қандай нагрузка белгиланади?
5. Қўйларни сунъий уруғлантириш пунктидаги ҳар бир ходимнинг вазифалари нимадан иборат?
6. Пунктда қандай кун тартибига риоя қилиниши керак?

7. Пунктда ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишлари қандай формага мувофиқ олиб борилади?

8. Қочириш плани қай тариқа ва қандай кўрсаткичларга қараб тузилади?

9. Қочириш даврида қўчқорларни озиқлантириш ва боқиб бориш хусусиятлари нимадан иборатлигини айтиб беринг.

30-МАШҒУЛОТ

ҚЎЙЛАРНИ ЯЙЛОВДА БОҚИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚЎЙЛАР ҚИШЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ПЛАНЛАШТИРИШГА ДОИР ҲИСОБЛАР

Машғулотдан мақсад — қоракўл қўйларни йил фаслларига қараб яйловда боқиш хусусиятларини ўрганиш. Қўйларни қишда боқиш ишини планлаштириш ва ташкил этишни ўрганиб олиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — совхозларда пода қишловига тайёргарликни текшириш акти бланкалари, қишлоқ хўжалиги бўйича перспектив планлаштириш учун нормативлар справочниги, қўй чўпонлар справочниги, кафедрада ишлаб чиқилган маълумотлар, фотосуратлар, слайдлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, студентлар қўйларни яйловда боқиш хусусиятларини, қишловдан олиб чиқишни ташкил этиш ва ўтказиш техникасини мустақил равишда ўрганадилар, конкрет рақам материаллар олиб, шу материал асосида топшириқни бажарадилар.

Топшириқни бажаришда студент қўйлар қишловини планлаштириш, уларни қишловдан олиб чиқишга жавобгар ташкилотчи зооинженер нуқтаи назардан иш кўриши учун ўқитувчи ўртага проблематик вазият яратиши керак.

Машғулотнинг мазмуни

Қоракўлчилик саҳро чорвачилигининг соҳаси бўлиб, қўйларни йил бўйи деярли яйловда боқишга асосланади.

Яйлов озиқасига бўлган эҳтиёжни аниқлаб олиш учун ҳайвонларни озиқлантириб боришнинг йиллик структураси белгилаб олинади. Қоракўлчиликда бу

структура қўйларни яйловларда йил бўйи муваффақият билан боқиб бориш имкониятларини белгилаб беради. Бу, табиий факторларга, дағал ва концентрланган озиқалар запасига боғлиқ бўлади.

Қорнинг қалин ёғиши ва кучли бўрон бўлаётганлиги туфайли қўйлар яйловга чиқарилмайдиган кунларда мўлжалланадиган эҳтиёт озиқалар миқдори, кўп йиллик тажрибага қараб, Ўзбекистон учун структурадаги ҳар бир бош қўй ҳисобига йилига 1,5—2 ц пичан ва 30—45 кг омухта озиқа белгиланган (С. И. Кедрова).

Озиқаларнинг амалда қанча сарфланиши мазкур йилнинг яйлов ҳосилига боғлиқ бўлади. Намгарчилик кўп бўлиб, яйлов ўт қоплами қалин бўлган йилларда тайёрлаб қўйилган дағал озиқалар деярли сарфланмайди ва кейинги йилга запас бўлиб қолаверади. Қурғоқчилик келган йилларда (бундай йиллар эса ҳар ўн йилда 3—4 марта такрорланиб туради) запас озиқалар амалда нормадагидан кўпроқ сарфланади, шундай кезларда яхши келган йиллари, ғамлаб қўйилган озиқалар ишлатилиб кетади.

Қоракўл қўйларининг яйлов озиқаси билан қўшимча озиқаларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаб чиқиш учун уларга озиқа бериб бориладиган фаслларнинг қанча давом этишини билиш керак.

Бир бош қўйга йилига ўрта ҳисобда 425 озиқа бирлиги ёки 899 кг қуруқ пичан керак бўлиши ҳисоблардан маълум.

И. В. Ларин асосий типдаги чўл яйловлари ҳосили ҳамда бир бош қўйга мўлжалланган яйлов озиқасининг ўртача суткалик нормаси тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, бир бош ва 100 бош ҳайвон учун мўлжалланадиган яйловлар майдонини қуйидагича белгилайди (37-жадвал).

Чўл ва ярим чўл шароитларида табиий яйловларнинг ҳосилдорлиги доим ўзгариб туради. Яйлов ҳосилдорлиги асосан об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади. Яйловларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш учун конкрет бир хўжаликка доир маълумотлардан ёки район область ва республикадаги тадқиқот муассасаларининг берган маълумотларидан фойдаланиш тавсия этилади. Тўғридан-тўғри хўжаликларнинг ўзида ўтларни ўриб кўриш ва зоотехника методлари билан яйловларнинг ҳосилдорлиги тўғрисидаги аниқ маълумотларни қўлга киритса бўлади.

36- жадвал

Вояга етган совлиқлар учун яйлов майдонларини йил фаслларига қараб хисоб қилиш (И. Б. Ларин)

Йил фасли	100 бош қўйга керакли яйлов озиқаси (ц)		Бир бош совлиқ қўйга									
			йирик бутали яйловда		майда бутали яйловда		ўтлоқ яйловда		шўрхок яйловда		аралаш яйловда	
	бир кунга	фаслга	ҳосили, га/ц	керакли озиқа, га/ц	ҳосили, га/ц	керакли озиқа га/ц	ҳосили, га/ц	керакли озиқа га/ц	ҳосили, га/ц	керакли озиқа га/ц	ҳосили, га/ц	керакли озиқа, га/ц
Баҳор	2,1	149,1	1,0	1,49	1,0	1,49	3,3	0,45	0,4	3,72	1,4	1,06
Ёз	2,3	317,4	0,9	3,53	1,0	3,17	2,6	1,22	0,4	7,92	1,2	2,64
Куз	2,4	206,4	1,0	2,06	2,1	0,98	1,6	1,29	2,3	0,90	1,7	1,21
Қиш	2,5	175,0	0,8	2,19	2,2	0,80	1,2	1,46	1,9	0,92	1,5	1,27
Бир йилга;												
100 бош қўйга (га)	—	—	927	644	—	442	—	1350	—			608
1 бош қўйга (га)	—	—	927	6,44		4,42		13,50				6,08

Яйловлардан тўғри фойдаланиш учун ўсиб турган ўт-ўлапларнинг неча процентидан қўйлар фойдалана олишини билиш ва у ёки бу участкага тўғри келадиган қўйлар нагрузкасини аниқлаш жуда муҳим. 1 га яйловга тўғри келадиган нормал нагрузка қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$Г = \frac{У}{Н \times П}$$

бу ерда Г — 1 га яйловда боқиладиган қўйлар сони: У — 1 га майдондан қўйлар ейдиган ўт-ўланлар ҳосили (кг); Н — битта қўйга тўғри келадиган суткалик ўт нормаси (кг); П — — мазкур яйловдан фойдаланиш муддати (кун).

Олимларнинг текширишларига кўра Ўрта Осиё чўл шароитларида бир бош совлиққа 425 озиқа бирлиги миқдорида яйлов озиқаси ва 60 озиқа бирлиги миқдорида қўшимча озиқа планлаштириладиган бўлса, хўжаликларда қўйларни бекаму-кўст боқиб боришни ташкил этиш ва озиқаларни етарли запас қилиб қўйиш мумкин.

Қишда қўйлар, асосан, яйловларда асралади.

Бўғоз қўйларни яйловларда боқишни ташкил этишда яйловларнинг мавсумийлигини, ўт қопламининг сифатини алоҳида ҳисобга олиш керак. Бўғозликнинг биринчи даврида ҳайвонлар ўт қопламининг сифати пастроқ участкаларда боқишга йўл қўйилади, чунки бу даврда қориндаги ҳомиланинг нормал ўсиши учун арзимас миқдорда озиқ моддалар сарфланади.

Ёғин-сочинли совуқ кунлар бошланиши билан қўйларни кеча-ю кундуз яйловда ўтлатилган ҳолда камроқ суғориб турилади. Қўйлар яйловда дам олади.

Айрим чўпонлар қишда — декабрь ва январь ойларида тунда ҳаво яхши ва очиқ бўлса ҳам қўйларни ўтлатмайди. Бироқ, илғор чўпонларнинг тажрибаси кўрсатадики, Ўзбекистоннинг жанубида қўйларни кечаси ўтлатиш уларнинг организмига яхши таъсир қилиб, улардан кўпроқ миқдорда маҳсулот олишга, семизлиги ҳамда саломатлигини сақлаб қолишга ёрдам беради.

С. И. Кедрова қишки даврда бўғоз қўйлар учун қуйидаги кун тартибини таклиф этади (37-жадвал).

Қор қалин ёққанда қўйларнинг дам оладиган жойлари ҳамиша қордан тозалаб қўйилади. Қаттиқ шамол, совуқ бўлиб турган ва қор ёғаётган қаҳратон қиш кунларида қўйлар қўрада бўлади.

Қишда қўйлар яйловда боқилганида озиқ моддалар нормасининг тахминан 50% ни олади. Мана шу мавсумда улар қўшимча равишда озиқлантириб турилмаса, семизлик даражаси 15—45% га камайиб кетади (С. И. Кедрова).

Тажрибадан маълум бўлганидек, қоракўл қўйлар вазнининг қочиришдан олдинги кузги вазнига қараганда 15% гача камайишига йўл қўйиш мумкин. Бу кўрсаткичнинг шундан ортиқроқ миқдорда камайиши қўйлардан олинадиган маҳсулот сифатининг ёмонлашиб кетишига ва уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Энг яхши қишки яйловларда ҳам совлиқ қўйларнинг озиқ моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжи қондирилмаслиги, шунинг учун доимо қўшимча озиқа бериб туриш зарурлигини айтиб ўтиш керак.

Бўғозликнинг иккинчи ярмида она қорнидаги ҳомила тез ўсиб, ривожланиб боради. Озиқ моддаларга суткалик эҳтиёж ортади: оқсилга бўлган эҳтиёж тахминан 30%, озиқа бирлигига бўлган эҳтиёж 20% кўпаяди. Яйлов озиқаси етишмайдиган бўлса, бўғоз қўйга қўшимча равишда ем ҳамда яхши пичан бериб туриш керак. Бу даврда қўйлар қорнини қаппайтирадиган озиқаларни бериш тўғри келмайди, чунки қўйларнинг ошқозонига зўр келиб, ҳомила босилиб қолади, бу эса унинг ўсишига ёмон таъсир кўрсатади.

37-жадвал

Қишда бўғоз қўйларга мўлжалланган тахминий кун тартиби

Кўрсаткич	Вақти (соати)	Ҳаммаси бўлиб неча минут	Суткага нисбатан % ҳисобида
Суғориш	12 — 13	60	4,1
Ўтлатиш	13 — 19	360	25,2
Дам бериш	19 — 2	420	29,1
Ўтлатиш	2 — 6	240	16,6
Дам бериш	6 — 9	180	12,5
Ўтлатиш	9 — 12	180	12,5

Қўшимча озиқа қўйларга одатда эрталаб, яйловдан қайтиб келгандан кейин ва кечқурун, яйловга чиқариш олдидан берилади. Бунинг учун охурлардан фойдаланилади. Озиқани ерга тўкиб қўйиш ярамайди, чунки бунда унинг 70% гача қисми нобуд бўлади. Қўшимча озиқани донадорлаштирилган ҳолда ёки омухта қилиб,

концентратлар қўшиб бериш керак. Дағал хашак ўз ҳолича бериладиган бўлса, қўйлар уни ўрта ҳисобда атиги 30% миқдорида ейди.

Қоракўл қўйларни қиш мавсумида чўл-саҳро яйловлари шароитида боқиш энг масъулиятли ва сермеҳнат ишдир. Масъулиятни тўла ҳис қилиб, бу мавсумга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш зарур.

Шуни ҳисобга олиб махсус комиссия тузилиб барча қоракўлчилик хўжаликларининг қишловга тайёргарлиги текшириб чиқилади. Бу комиссия ишларнинг аҳволини текшириб кўриб, совхозларнинг қишловга тайёргарлиги текшириб кўрилганлиги тўғрисида акт тузади ва бу актни 1 октябргача юқори ташкилотга топширади.

Актда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

1. Ҳар қайси тур ва ёшдаги қоракўл зот қўйлар сони (19 .... 1/10 гача бўлган, 1/1 га кутиладиган сони, қишлов давридаги ўртача сони), бунда кейинги ҳисоб-китобларни енгиллаштириш учун барча чорва ва парранда махсус коэффициентлар ёрдамида шартли қорамол бошига айлантириб ҳисобланади.

2. Чорва молларининг семизлиги (текшириш куни мавжуд бўлган барча турдаги моллар) бўйича умумий туёқ сонига нисбатан процент ҳисобида аниқланади, қўшимча озиқа бериб боқиладиган ҳайвонлар сони алоҳида кўрсатилади.

3. Жамоат чорвачилиги учун ажратиладиган озиқа (ҳар бир турдаги моллар учун) қишловга ажратилган умумий озиқа миқдори, 1 бош шартли қорамолга ажратилган озиқа миқдори аниқланади; шунга қараб эҳтиёжга нисбатан процент ҳисобида қанча озиқа борлиги ҳисоблаб чиқилади.

4. Қўйларнинг қишловга жойлаштирилиши (қанчаси қишлоқ яқинидаги зонада, қанчаси райондаги яйловларда ёки олис яйловларда қишлаши кўрсатилади).

5. Қишки яйловларда бериладиган озиқа ва тўшама миқдори (қишки яйловлар бор - йўқлиги, 1 га яйловга нечта шартли мол боши тўғри келиши, қишлов жойларига ҳар қайси турдаги моллар учун қанчадан озиқа келтириб қўйилгани, эҳтиёжга нисбатан процент ҳисобида қанча озиқа борлиги ва озиқа ташиб келтириш муддатларининг қачон тугалланиши) аниқланади.

6. Озиқа сарфлаш плани (ой сари сарфлаб бориладиган озиқа миқдори ҳисобга олинади).

7. Қўйларга бериладиган дағал ва ширали озиқаларни тайёрлаш плани (майдалаш, буғлаш, химиявий йўл билан ишлаш, ачитиш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган озиқа миқдори таҳлил қилиб чиқилади, шу билан бирга қўйларга бериш учун мўлжалланган витаминли ўт уни, хашак уни, карбамид ва бошқалар миқдори белгилаб қўйилади).

8. Қўйларга бериладиган озиқаларни тайёрлаш цехларини ташкил этиш (буларнинг бор - йўқлиги ва ишга тайёр тургани текшириб кўрилади).

9. Озиқа тайёрлаш техникасига бўлган талаб, бундай техникадан қанча борлиги ва унинг тайёргарлиги (ҳар қайси турдаги техникадан қанча борлиги, унинг тайёрлиги текшириб чиқилиб, уни тайёрлаб қўйиш ёки сотиб олиш муддатлари кўрсатиб берилади).

10. Биноларнинг етарли-етарлимаслиги (ҳар қайси тур молнинг қишлови учун қандай ва қанча бино, сунъий уруғлантириш пунктлари, ветамбулаториялар, ветеринария дорихоналари кераклиги, буларнинг мавжудлиги ва тайёрлиги аниқланади. Қоракўлчиликда қанча очиқ қўтонлар, усти ёпилган майдон ва кошарлар зарур бўлиши қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

	кошарлар	майдончалар
вояга етган бир бош қўйга	1,0 м²	1,2—1,5 м²
вояга етган бир бош қўчқорга	1,5 м²	2,0 м²
ўтган йили туғилган қўзига	0,7—0,8 м²	1,0 м²
она қўй ва қўзиларга	1,5 м²	1,5—2,0 м²

11. Чорвачиликда иш процессларининг озиқа бериш, гўнг тозалаш, қўйларни суғориш нечоғли механизациялаштирилганлиги аниқланади.

12. Бинолар ва яйловлардаги қўйларни суғориш ишининг ташкил этилиши.

13. Чорвачилик фермаларининг кадрлар билан нечоғлик тўла таъминлангани (чорвачиликка алоқадор барча ходимларнинг штат жадвалига мувофиқ сони ва малакаси таҳлил қилиб чиқилади).

14. Чорвачилик ходимларининг коржома ва пойабзал билан нечоғлик таъминлангани (қайси туридан қанча борлиги ва буларга бўлган эҳтиёж таҳлил қилиб чиқилади).

15. Бўрдоқига боқиш ишини ташкил этиш (бўрдоқига боқиладиган қўйларнинг сони ва вазни, уларни боқувдан

олиш муддатлари ҳамда ой сари мўлжал қилинадиган тириқ вазни кўрсатилади.

16. Совлиқларни қочириш ишини ташкил этиш (қочириш муддатлари ва тури).

17. Чорвачиликнинг ветеринария-санитария аҳволи.

18. Умумий хулоса.

Қишловга тайёргарликнинг қандай бораётганини хўжалик раҳбари назорат қилиб боради.

38- жадвал

Яйловлар ва қўшимча озиқага бўлган эҳтиёж

Қўйлар группаси	Фасл муддати (кунлар)	Бутун фаслга керакли яйлов майдони (га)	Бир бош қўйга бир суткага керакли озиқа миқдори (кг)		Қўйлар сони	Барча қўйларга керакли озиқа миқдори				Эслатма
						суткасига		фаслга		
			дағал озиқа	конц. озиқа		дағал оз.	конц. оз.	дағал оз.	конц. оз.	
Қўчқорлар Совлиқ қўйлар Ахта қўчқорлар Шу йили туғилган қўзилар										

39- жадвал

Ишчи кучи, бинолар ва охурларга бўлган эҳтиёж

Қўйлар группаси	Отарлар сони	Ишчи кучи		Бинолар (м²)			Охурлар (м)	Эслатма
		чўпонлар	ёрдамчи ишчилар	очиқ қўтонлар	майдончалар	кошарлар		
Қўчқорлар Совлиқлар Ахта қўчқорлар Шу йили туғилган қўзилар								

40- жадвал

Қўйларни боқиш режими

Иш номи	Вақти (соати)			
	қўчқорлар	совлиқлар	ахта қўчқорлар	шу йили туғилган қўзилар
Қўйларни кўздан кечириб чиқиш				
Суғориш				
Қўшимча озиқа бериш				
Ўтлатиш				
Дам бериш				
Қўшимча озиқа бериш				
Ўтлатиш				
Дам бериш				

Топшириқ

Фермада 18000 бош қўй, жумладан 630 бош қўчқор, 1370 бош ахта қўчқор, 4000 бош шу йил туғилган қўзи ва 12000 бош совлиқ қўй бор.

Озиқа плани, кун тартиби, ишлаб чиқариш операцияларининг суткалик графигини тузиб чиқиш зарур. Қанча ишчи кучи (битта чўпонга 350 бош тўқли, 200—250 бош совлиқ қўй, 300—350 бош ахта қўчқор, 100—150 бош қўчқор биркитилади), охур (4 бош вояга етган қўйга, 6 бош тўқлига 1 погон метр), бино (усти ёпиқ майдончалар, кошарлар) ва яйловлар зарур бўлиши қуйидаги формаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Эслатма: зарур бўлса, буғоз қўйлар учун буғозликнинг ҳар бир даврида қанчадан озиқа керак бўлишини ҳисоблаб чиқиш юзасидан топшириқ бериш мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қоракўл қўйларни асрашнинг қандай хусусияти бор?
2. Қўйларни яйловда боқишни фасллар бўйича айтиб беринг.
3. 1 га яйлов ҳосилдорлигини ва унга тўғри келадиган нагрузка нормасини қай тариқа аниқласа бўлади?
4. Қўйларни қиш даврида асраш режимини, кун тартибини сўзлаб беринг.
5. Қиш даврида қўйларга қанақа ва қанча миқдорда қўшимча озиқа керак бўлади?

6. Хўжаликларнинг қишловга тайёргарлигини текшириш акти қандай кўрсаткичлар бўйича тузилади?
7. Қиш даврида қоракўл қўйлар учун керак бўладиган озиқа, бинолар ва охурлар нормасини айтиб беринг.

31- МАШҒУЛОТ

ҚЎЙЛАРНИ ҚЎЗИЛАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ПЛАНЛАШТИРИШГА ОИД ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Машғулотдан мақсад — бўғоз совлиқларни боқиш хусусиятларини, қўйларни қўзилатиш ишини ташкил этиш ва ўтказишни ўрганиш, қўзилатишни планлаштириш ва ташкил этишни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ҳисоб ва ҳисобот формаларининг бланкалари, қишлоқ хўжалиги бўйича нормативлар справочниги, қўйчивон справочниги, бирор қоракўлчилик хўжалигидан олинган ёки кафедранинг ўзида ишлаб чиқилган маълумотлар, фотосуратлар, слайдлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, қўйларни қўзилатиш ишини ташкил этишни ҳамда қўзилаган қўйларни боқиш хусусиятларини студентлар мустақил ўрганиб, конкрет (рақам) материаллар оладилар ва қўйларни қўзилатишга тайёрлаш ҳамда бу ишни ўтказиш планини тузиб чиқадилар. Топшириқнинг мураккаблигини ҳисобга олиб уни қисман уйда бажариш мумкин.

Машғулотнинг мазмуни

Қўйларни қўзилатиш қоракўлчиликда масъулиятли ва сермеҳнат жараёндир. 30—40 кун давомида деярли барча қўзилар туғилиб бўлади. Буларни сақлаб қолиш ва маълум шарт-шароитлар яратиб, тўғри ўстириб бориш барча чўпон ва мутахассислардан масъулият талаб қилади. Қўйлар одатда кўкламда — март-апрель ойларида қўзилайди.

Қўзилаш даврида ҳар қайси совлиқлар отари соғиладиган, қўзилари сўйилган —«мари», бўғоз қўйлар ва ажратиш давригача қўзиларини эмизиб турадиган совлиқлар группаларига бўлинади. Ҳар қайси группадаги қўйлар сони мавсум давомида ўзгариб боради. Бўғоз

қўйлар группаси аста-секин камайиб, эмизикли қўйлар билан «мари» қўйлар группаси кенгайиб боради. Қўзилатиш охирига келиб, ҳар хил ёшдаги сақмонлар ва «мари» қолади.

Ҳар қайси группани боқиш режими (кун тартиби) алоҳида-алоҳида белгиланади (41, 42, 43-жадваллар).

41- ж а д в а л

Бўғоз қўйларни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби (С. И. Кедрова)

Кўрсаткич	Вакти (соати)	Хаммаси бўлиб неча минут	Суткага нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	6—10	240	16,6
Суғориш	10—11	60	4,1
Кундузги дам	11—16	300	20,8
Ўтлатиш	16—20	240	16,6
Тунги дам	20—6	600	41,9

42- ж а д в а л

Кичик ва ўрта ёшли сақмонларни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби (С. И. Кедрова)

Кўрсаткич	Вақти (соати)	Ҳаммаси бўлиб неча минут	Суткага нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	6—10	240	16,4
Суғориш	10—11	60	4,1
Ўтлатиш	11—20	540	36,9
Тунги дам	20—6	600	43,6

43- ж а д в а л

Катта ёшли сақмонни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби (С. И. Кедрова)

Кўрсаткичлар	Апрель		Май	
	минут	суткасига нисбатан % ҳисобида	минут	суткасига нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	770	53,5	843	58,4
Ўтлатиб, ҳайдаб бориш	80	5,5	—	—
Ҳайдаб бориш	110	7,6	52	3,7
Дам бериш	466	32,5	517	36,1
Суғориш	14	0,9	28	1,8

Зарур бўлади							
бочитерлар	ҳисобчилар	тери тузлаш-га ишлатила-диган туз (кг)	сўйиш пунктлари	аптечкалар	хўжалик ас-боблари	зоотехник ас-боблар ва ҳи-соб формала-ри	эслатма
27	28	29	30	31	32	33	34

Эслатма: Озиқаларга эҳтиёжни ориқ она қўйлар учун (бутун даврга) алоҳида ҳисоблаб чиқиш ва 15 кунга етадиган озиқа запас туришини мўлжаллаш зарур.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўйларни қўзилатиш иши қачон ва қандай яйловларда ўтказилади?
2. Қўзилатиш даврида бўғоз қўйлар қандай группаларга ажратилади ва уларни боқиб бориш учун қандай кун тартиби тавсия этилади?
3. Неча группа сақмонлар тузилади?
4. Қўзи ва қўшимча маҳсулот олиш планини қандай қилиб белгиласа бўлади?
5. Қўзилатиш даврида нечта ва қандай хоналар зарур бўлади?
6. Қўзилатиш даврида чўпон бригадаларига нималар ва қанча озиқа ажратиб бериш зарур?
7. Сўйиш пунктида кимлар ва неча киши ишлайди?

32-МАШҒУЛОТ

ҚЎЙЛАР ЖУН ҚИРҚИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ПЛАНЛАШТИРИШГА ОИД ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Машғулотдан мақсад — қоракўл қўйлар жун қирқимига тайёргарлик ва уни ўтказиш хусусиятларини тушунтириб бериш, жун қирқимини ўтказиш планлари тузишни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ўқув-тажриба хўжалигининг қўйлари. Ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш формаларининг бланкалари, жун қирқиш пунктларига

мўлжалланган технологик ускуна комплектларининг тасвири, қўйчивон справочниги, қоракўлчилик хўжаликларининг биронтасидан олинган маълумотлар ёки кафедранинг ўзида ишлаб чиқилган дастлабки маълумотлар, плакатлар, фотосуратлар, слайдлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, студентлар жун қирқимини ташкил этиш, планлаштириш хусусиятларини шу ерда мустақил ўрганиб, конкрет рақам материалини олишади ва жун қирқимини ўтказиш планини тузиб чиқишади, кейин эса ўқув-тажриба хўжалигининг қўйчилик фермасида ёки практика вақтида жун қирқимини ўтказиш планини тузишда шахсан иштирок этадилар. Бу топшириқнинг маълум даражада қийинлигини ҳисобга олиб, уни қисман уйда бажариш мумкин.

Машғулотнинг мазмуни

Зооинженер жун қирқимини ўтказиш плани ва графигини, шунингдек бу процесснинг технологик картасини олдиндан ишлаб чиқиши керак. Жун қирқимини ўтказиш плани отарларни жун қирқиладиган жойга олиб келиш тартиби ва муддатларидан ташқари бир қанча ишлаб чиқариш операцияларини ҳам ўз ичига олиши керак (бинолар, қўйлар, асбоб-ускуналарни тайёрлаш, жун қирқимини маълум муддатларда ўтказиш, қўйларни жуни олинганидан кейин ветеринария-профилактик ишловдан ўтказиш ва бошқаларни).

Мана шу ишлаб чиқариш операцияларининг ҳаммаси, жун қирқимини плани ва графигида ҳам, технологик картасида ҳам акс этиши керак.

Вояга етган қоракўл қўйларнинг жуни йилига икки марта: кўкламда ва кузда қирқилади. Ёш қоракўл қўйлар жуни кузда қирқилади (туғилган йилининг ўзида), бунда олинадиган жун *қўзи жуни* дейилади. Мамлакатимизнинг барча зоналари учун қўй жунини қирқишнинг маълум муддатларини белгилаб бериш жуда қийин. Жун қирқимининг тахминий муддатлари маҳаллий шароитлар ва қўйларнинг аҳволига қараб аниқлаштирилади. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим: баҳорги жун қирқими кунлар исиб, қўйлар жуни «тобига келган»да қирқилади,— қоракўл қўйларнинг жуни шу пайтга келиб, япоқлана бошлайди, яъни жун қопламининг тери билан бирикканлиги бўшашади. Баҳорги жун қирқимини ҳали иссиқ кунлар бошланмас-

дан туриб, вақтидан илгари ўтказиладиган бўлса, жуни олинган қўйларнинг ҳаво совиган маҳалда шамоллаб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Қирқимнинг кечикиши жуннинг нобуд бўлишига олиб келади. Жуни олинмаган қўйлар иссиқ кунлар бошланиши билан яхши ўтламайди, улар жуда озиб кетади. Она қўйлар сути камайиб қолади, ўтган йили туғилган қўзилар эса ўсмай қолади.

Кузда қўйлар одатда қўзиларини сутдан ажратгандан кейин, тахминан 15—20 августдан бошлаб, 10—15 сентябргача жуни олинади. Хўжаликнинг қайси зонада жойлашгани, қўйларнинг қандай муддатда қўзилагани ва жун қопламининг аҳволига қараб кузги жун қирқимининг муддати аниқлаб олинади. Шимолий районларда, кузги совуқлар бирмунча эрта тушадиган бўлгани учун, қўйлар жунини эртароқ олишга киришилади, шунда қиш тушгунча қўйлар жуни етарлича ўсиб қолади. Қиш кечроқ тушадиган жанубий районларда кузги жун қирқими сентябрда ўтказилади. Қоракўл қўзилар жуни биринчи марта 5—6 ойлигида олинади, шунда улар жунининг сифати жуда яхши бўлади, *қўзи жуни* деб шуни айтилади. Айрим ҳолларда қўйлар жунини йилига бир марта олиш мумкин.

Қоракўл қўйлар (баҳорда, кузда) жунини қирқишдан 1—2 кун олдин махсус ванна ёки мосламаларда тоза сувда чўмилтирилади.

Хўжаликлардаги жун қирқиш пунктларининг сони қўй подаларининг катта-кичиклиги, ер массивларининг территориал жойлашуви ва қўйларнинг аҳволига қараб белгиланади. Жун қирқадиган замонавий электр агрегатлар билан таъминланган кўпгина колхоз ва совхозларда 25—30 минг бош ва бундан кўра кўпроқ қўй жуни битта йириклаштирилган пунктда олинади.

Ҳар бир агрегатда 24—36—48 ва бундан кўра кўпроқ машинка жойлаштирилган бўлади. Сўнгги йилларда йириклаштирилган пунктларда 2—3 та ЭСА-12 Г маркали агрегат ёки 24—36—48 ва бундан кўра кўпроқ машинкага мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган жун олиш агрегатлари жойлаштирилган бўлади (КТО-24, КТО-48 маркали агрегатлар). Қўйлар жунини олиш учун мамлакатимизда ЭСА-1Д, ЭСА-12Г, ЭСА-12/200 ва АСТ-36 маркали агрегатлар, қўйлар жунини олиш ҳамда жунга бирламчи ишлов бериш учун эса КТО-24 ва КТО-48 маркали технологик ускуна комплектлари ишлаб чиқарилди. Жун қирқишнинг йириклаштирилган пунктлари-

ни ташкил этиш жун қирқувчилар учун қулай иш шароитлари яратишга, техник хизматни ва агрегатдан фойдаланишни анча яхшилашга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга, ходимлар сонини қисқартириш ва жун қирқимига сарфланадиган меҳнатни камайтиришга имкон беради. Қўйлар жунини механизмлар ёрдамида олишга мўлжалланган махсус бинолари бўлмаган хўжаликларда жун қирқиш агрегатлари шу мақсад учун ёруғли биноларга ўрнатилади. Бунинг учун кошарлардан фойдаланилади.

Қўйлар жуни қирқиладиган бино етарлича кенг бўлиши керак. Бунда қўйларнинг жун қирқувчиларга яқин жойда туриши уларни жун қирқувчиларнинг иш жойига етказиб бериб туриш ишини анча енгиллаштиради. Жун қирқувчиларнинг кундузги ёруғликдан фойдаланиб ишлагани маъқул, чунки электр чироқдан фойдаланиш ишловчиларнинг кўзини толиқтириб, ишини қийинлаштиради. Жун қирқиш пункти жойлашган бино мумкин қадар хўжалик ёки ферма марказида бўлиши керак, шунда қўйларни олисдан ҳайдаб келишга ҳожат қолмайди. Жун қирқиш пункти ёнида бўш яйловлар ва қўйларни суғориш учун сув бўлиши керак. Жун қирқиш агрегатлари жойлаштирилган асосий бинодан ташқари жуни олинмаган қўйларни ёғин-сочиндан пана қилиб туриш, жунини олиш олдидан турғазиб қўйиш мумкин бўладиган хона ҳам бўлиши керак. Пунктда ошхона, шунингдек, жун қирқувчилар учун душ бўлиши лозим. Бу бинолар жун қирқими бошланишдан 10 кун илгагари ремонтдан чиқарилиб, тозаланган, дезинфекция қилинган ва поллари яхши қуритилган бўлиши лозим.

Пунктда зарур бўладиган ашё ва материаллар рўйхати:

1. Қўйлар жунини олиш учун бир қирқувчига 1,7—2,0 м ҳисобидан столлар (стеллажлар), уларнинг эни 1,2—1,4 м, баландлиги 0,4—0,6 м бўлади. Столлар ишлатилмайдиган хўжаликларда қирқувчилар учун тахминан худди шундай ҳисобдан тахта тўшамалар ўрнатилади. Қўйларни столлар ёки тўшамалар устида жунини қирқиш жунни ифлосланишдан сақлайди ва жун қирқувчилар ишини осонлаштиради.

2. Жунни классларга ажратиш столлари—классларга ажратувчи ҳар бир ишчи учун биттадан. Бу столнинг узунлиги 2,5 м, эни 1,5 м, баландлиги 0,7—0,8 м. Бундай столнинг юзига кўзи 2×2 см келадиган металл тўр

тутилади, бу тўр ёғоч ромга ўрнатилган бўлади. Металл тўр ўрнига ёғоч рейкалардан ишланган панжара ўрнатиш мумкин.

3. Жун тортиладиган тарози билан жун тойи тортадиган тарози.

4. Жун жойланадиган (тойланадиган) материал. Унинг қанча керак бўлиши жун миқдори, тури ва уни жойлаш усулига боғлиқ (жун прессланади ёки қўл билан босиб тойланади). Жун прессланадиган бўлса, ўров материали камроқ сарфланади.

5. Жунни қўлда ўраб тойлашда тойларни осиб қўйиш учун арқон (60—80 м).

6. Тойларни тикиш учун каноп (10—12 кг).

7. Жун тойларини белгилаш учун суюлтирилган бўёқ (10—12 кг).

8. Тойларга тушириладиган трафаретлар ва рақамлар тўплами (1 комплект).

9. Жун қирқувчилар ва бу ишда банд бўлган бошқа ходимлар учун фартуклар, халатлар ёки комбинезонлар.

10. Умивальниклар, тоғоралар, совун, сочиқ (жун қирқимида банд бўлган ишчилар сонига яраша).

11. Том қилиб ишлатиш учун кўчма шчитлар (30—40 дона) ва шунга етарли миқдорда қозиқлар.

12. Темир белкураклар, ёғоч кураклар, супургилар ва бошқалар.

13. Ёнғинга қарши воситалар — сув тўлдирилган бочкалар, қумли яшик, чангак, болта, челак ва бошқалар.

14. Жун қирқиш пункти ишининг натижалари кўрсатиб қўйиладиган тахта.

15. Медицина ва ветеринария аптечкалари.

Электр билан жун қирқадиган ускуна танланганида жуни қирқиладиган қўйларнинг аҳволи, жинси ва ёши, улардан қанча жун олиниши ва қирқувчиларнинг малакаси ҳисобга олинади. Битта қирқувчи бир сменада одатда 60—70 бош, энг моҳир қирқувчилар эса 100—120 бош қўй жунини олади.

КТО-24 ва КТО-48 маркали унификацияланган технологик ускуна комплектлари (булар 24 ва 48 иш жойига мўлжалланган) жун қирқиш пунктидаги ишларни комплекс механизациялашга белгиланган. Шу комплектлар таркибига кирувчи ускуналар жун қирқиш процессларини жун қирқувчиларнинг иш жойидан жунни тортиладиган ва ҳисобга олинадиган жойга етказиб бериш ишларини механизациялашга имкон беради. Жун

Комплектларнинг таркиби	КТО—24	КТО-48
ТШ- 0,5 маркали жун транспортёри	—	1
ТШ- 0,5А маркали жун транспортёри	1	—
Жунга мўлжалланган ПГШ- 1 маркали гидравлик пресс	1	2
Жунни класслаш учун СҚШ- 200 маркали стол	1	2
Бир дискли ТА- 1 маркали чархлаш аппарати	1	3
ДАС- 350 маркали суппортли чархлаш аппарати	1	1
ВГ-10 маркали эгилувчан вал ва АОЛ—0, 12—2С маркали электр двигател ўрнатилган, қўйлар жунини олиш учун мўлжалланган машинка	24	48
Жун тортиладиган тарози	1	2
Жун тойлари тортиладиган тарози	1	1
Комплектларнинг асбоблари ва эҳтиёт қисмлари	1	1

Пунктда жун қирқувчиларнинг нормал ишлаши учун тахминан қуйидаги штатга эга бўлиш тавсия этилади:

	12 машинка (ЭСА-12 Г) га мўлжалланган пунктда	24 машинка (КТО-24) га мўлжалланган пунктда	48 машинка (КТО-48) га мўлжалланган пунктда
Жун қирқиш пункти мудири	1	1	1
Электрик-агрегат бошлиғи	1	1	1
Қирқувчилар	12	24	48
Созловчи- чархчи	1	2	4
Қўйларни етказиб бериб турувчи	2	4	8
Жунни ҳисобга олиб бориб берувчи	1	2	2
Жунни классловчи	1	1	2
Классловчи ёрдамчиси	1	1	2
Прессловчи- ўровчи	1	2	4
Маркировкаловчи-тарозибон	1	1	1
Ҳисобчи- тарозибон	1	2	4
Жунни йиғиштирувчи	1	1	2
Ветеринария ходими	1	1	1
Жами	25	43	80

тойлари СНУ-05 маркали ғарамлагич, «Пионер» маркали кран, тельфер ёки бошқа механизмлар билан автотранспортга ортилади. Бу комплектлар жун қирқишга мослаштирилган ҳар қандай бинога (қўйхона, гараж, донхонага), об-ҳаво ва яйлов чорвачилиги шароитлари қулай бўлганда эса тўғридан-тўғри бостирмага ҳам ўрнатилаверади.

Штатлар жадвали ва ходимлар сони маҳаллий шароитларга қараб ўзгариши мумкин. Масалан, наслчилик хўжаликларида наслчилик ишлари бўйича ҳисобчи, баъзида эса классловчи ҳам қўшилади. Жун қирқувчилар жадал ишлайдиган бўлса, жунни олиб бориб берувчилар, қўйларни етказиб бериб турувчилар ва ёрдамчи ишчилар сони кўпайтирилиши мумкин.

Жун қирқувчилар иш вақтининг тиғизлигини ҳисобга олиб, пунктда шундай кун тартиби белгилаш зарурки, токи ишчилар маълум вақт оралатиб дам олиб турадиган бўлишсин.

Кун тартиби жун қирқими учун қанча вақт белгилангани, жун қирқувчиларнинг малакаси, қўйларнинг аҳволи ва бошқа шарт-шароитларга қараб тайинланади. Жун қирқими мавсумий иш эканлигини ҳисобга олиб туриб, иш куни жун қирқувчи ходимлар, бошқа ишчилар ва жамоат (касаба союз) ташкилотининг розилиги билан аксари 8—10 соатгача узайтирилади. Бу — жун қирқувчиларнинг манфаатларига хилоф келмайди, чунки меҳнатга ишбай баҳоларда ҳақ тўланади. Кун тартиби ана шундай белгиланганида жун қирқувчилар куннинг айни қизиб турганида ишламайди. Бундан ташқари иш ва дам олишни навбатлаб бориш одамларнинг иш қобилиятига яхши таъсир кўрсатади.

Малакали жун қирқувчиларгина қўйларнинг терисини кесмасдан жунини тоза ва яхшилаб олиши ҳамда жунни узилишдан сақлаб қолиши мумкин. Малакали жун қирқувчи ходим битта қўй жунини олишга 3—4 минут сарфласа, малакасиз ходим 15—20 минут сарфлайди. Жунни классларга ажратувчилар одатда матлубот союзларининг тайёрлов конторалари, жунни бирламчи ишлайдиган фабрикалар, илмий текшириш институтлари ёки олий ўқув юртлари қошидаги курсларда ўқитилади. Жун қирқими даврида малакали қирқувчилар ва уни классларга ажратувчиларнинг ҳаммаси хўжаликдаги бошқа ишлардан озод этилиши ва жун қирқиш пунктларида ихтисоси бўйича ишлатилиши керак.

Жун қирқимида иш кунининг тахминий тартиби

Иш бошланиши	соат 7 да
Иш муддати	2 соат
Танаффус	30 минут
Иш бошланиши	соат 9, 30 минут
Иш муддати	2 соат
Овқатланиш вақти	соат 11, 30 минут
Танаффус	2 соат
Иш бошланиши	соат 2, 30 минут
Иш муддати	2 соат
Танаффус	30 минут
Иш бошланиши	соат 17 да
Иш муддати	2 соат
Ишнинг тугалланиши	соат 19 да
Жами	12 соат
Шундан иш вақти	—8 соат
Дам олиш вақти	—4 соат

45- жадвал

Қоракўл қўйларнинг баҳорги жун қирқимига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш плани

Катта чўпон фамилияси, исми	Отар номери	Қўйларнинг жинси, ёши ва ранги	Отардаги қўйлар сони (бош)	Ўрта ҳисобда олинадиган жун (кг)	Жун олиш плани (кг)	Чўмилтириш куни	Жун қирқишга отарни етказиб бериш куни	Жун қирқиладиган кун		Профилактик чўмилтириш куни	Эслатма
								бошланиши	тугалланиши		
											1. Жун қирқими——кун ичида ———— дан ———гача ўтказилади 2. ——— жун олинади, ——— оқ ва оч кўк жун олинади

Жун қирқимининг самарали ўтишида қўйлар жун қопламининг ҳолати катта аҳамиятга эга. Қўйларнинг жуни ифлосланмаган, тоза бўлса, терисига яқин қилиб, кўп зўр бермасдан текис олинади. Қўйларнинг жуни чанг босган ёки ифлосланиб кетган бўлса, уни олиш қийинлашиб, жун қирқувчиларнинг меҳнат унумдорлиги па-

қўзи ва 12 минг бош совлиқ бор (жумладан 6 отар кўк, 6 отар қора ва 4 отар суррангли қўйлар). Қўйлар жун қирқимини 15 кун ичида тугаллаш керак.

Аввал тайёргарлик ишлари планини ишлаб чиқинг. Бу план қуйидагиларни ўз ичига олади:

— қўйларнинг жуни олинадиган биноларни тайёрлаб қўйиш (бу биноларнинг қаерда жойлашгани кўрсатилиб, тайёргарлик ишлари ва уларни бажариш муддатларини бирма-бир санаб чиқинг);

— электромеханик йўл билан жун қирқадиган ускуналарни ўрнатиш (агрегат маркаси, ёрдамчи ускуналар, тараси ва бошқалар);

— қўйларни жунини олишга тайёрлаш (чўмилтириш вақти, ҳайдаб келинадиган куни ва йўли, жунини қирқиш олдидан турғизиб қўйиш);

— жун қирқувчи ходимларни тайёрлаш (жун қирқувчи ва ёрдамчи ходимлар сони ҳисоблаб чиқилади).

Қўйларнинг жунини қирқимига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш плани 45-жадвалда келтирилган формага мувофиқ тузилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қоракўл қўйларнинг жуни қачон олинади?
2. Жун қирқиш муддатлари нимага боғлиқ?
3. Қўйларни жунини олишга тайёрлаш техникаси қандай?
4. Қўйлар жуни қаерда ва қандай ускуналар ёрдамида олинади?
5. Жун қирқими даврида қандай кун тартиби энг маъқул ҳисобланади?
6. Қўйлар жунини олишда неча нафар ходимлар зарур?
7. Қўйлар жунини олиш плани формасини тасвирлаб беринг.

33-МАШҒУЛОТ

ПОДА ИЧИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН НАСЛЧИЛИК ИШИ ПЛАНИНИ ТУЗИШ

Машғулотдан мақсад — қоракўл қўйлар подаси ичида олиб бориладиган селекция-наслчилик иши планини тузиш ва у билан танишиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — Ю. А. Гагарин номли, «Уч ажи» давлат наслчилик заводлари, «Оёқ-қудуқ» совхози ва бошқа хўжаликлар селекция-наслчилик ишларининг планлари, ҳар хил категориядаги хўжаликлар учун кафедрада ишлаб чиқилган наслчилик иши планларининг схемалари. Топшириқни бажариш учун керакли конкрет рақамлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, ўқувчилар наслчилик селекция иши планларига қўйиладиган асосий талаблар ва қоидалар билан мустақил танишадилар, давлат наслчилик заводлари ва товар хўжаликларидаги наслчилик-селекция иши планини ўрганадилар. Кафедрада тайёрланган конкрет рақам материалига қараб ўқитувчи раҳбарлиги остида соддалаштирилган схема бўйича наслчилик иши планини тузадилар. Бунда қуйидаги асосий масалалар кўзда тутилади: 1. Қўйларни жинси, ёши, кўрсаткичлари бўйича группалари ва барра типига қараб туёқ сонини йиллар бўйича кўпайтиришини перспектив планлаштириш; 2. План-топшириқларни бажариш юзасидан олиб бориладиган наслчилик ишининг вазифалари; 3. Наслчилик ишини ташкил этиш методлари.

Топшириқнинг мураккаб ва ўзига хослигини ҳисобга олиб, уни уйда бажариш мумкин.

Машғулотнинг мазмуни

Наслчилик иши қоракўлчилик хўжаликлари ва подаларининг ҳеч истисносиз ҳаммасида олиб борилади. Бу иш план асосида, узоқ давр (10—15 йил) мобайнида битта шахс раҳбарлиги остида бир йўналишда олиб борилгандагина самарали натижа бериши мумкин.

Наслчилик иши плани бир йилга ёки бир неча йилга (3—5 йилга) тузилади.

Наслчилик-селекция иши планини тузиш учун қуйидаги материал ва ҳужжатлар зарур:

1. Хўжаликнинг ташкил этилиш тарихи ва ҳозирги аҳволи ҳақидаги материал ва ҳужжатлар;

2. Пода тузиш тарихи, пода билан олиб бориладиган иш ва унинг зотдорликка алоқадор натижалари тўғрисидаги материал ва ҳужжатлар.

3. Пода ўтмиши ва ҳозирги аҳволи, унинг ихтисослаштирилиши, олдиндаги вазифалар, озиқа базаси тўғрисидаги материал ва ҳужжатлар;

4. Хўжаликда қоракўлчиликни бир йил давомида ёки беш йилликда ривожлантириш: подадаги қўйлар сони, пода структураси, маҳсулдорлиги тўғрисидаги материал ва ҳужжатлар (план);

5. Озиқа базасини яхшилаш истиқболлари тўғрисидаги материал ва ҳужжатлар (план).

Поданинг тарихига, унинг қай тариқа ихтисослашгани, наслчилик ишининг даражаси, илгари планлар бўлган-бўлмаганлигига қараб планлар ва уларнинг схемаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Планнинг қуйидаги бўлимлари умумий ҳисобланади:

I. Хўжаликнинг иқлим ва яйлов-озиқа шароитлари характеристикаси.

II. Хўжаликни, подани тузиш тарихи, ўтмишдаги (ушбу план тузилмасидан илгариги) наслчилик ишининг методлари (босқичлари бўйича). Ўша вақтдаги пода, унинг маҳсулдорлиги тўғрисида характеристика (барра кўрсаткичлари, қўйларнинг табиий пуштдорлиги, наслчилик материали жун, гўшт етиштириш).

III. Пода ва наслчилик ишининг ҳозирги аҳволи:

а) подадаги қўйлар сони, поданинг жинс ва ёш групаларига қараб ажратиладиган структураси;

б) поданинг таркиби: ҳайвонларнинг ранги, маҳсулдорлиги, барра типлари, класси, конституцияси, ривожланганлик даражаси;

в) етиштирилган қоракўл тери сифати, ранги, групаси, сорти;

г) наслчилик материали ва бошқаларни етиштириш;
д) наслчилик ишининг йўналиши, хўжаликнинг ихтисосланиши, таъсир доираси.

IV. План топшириқлари:

1. Подадаги қўйлар сони бўйича;

2. Пода таркибининг сифат кўрсаткичлари бўйича: а) маҳсулдор типлари (барра типлари); б) класси;

3. Мазкур хўжалик учун ва реализация қилиш учун наслдор ҳайвонлар, қўчқорлар етиштириш бўйича;

4. Ишлаб чиқариладиган қоракўл терининг сифати ва ассортименти бўйича;

5. План топшириқни бажариш бўйича олиб бориладиган наслчилик ишининг вазифалари;

а) танлаш ва жуфтлаш йўналиши;

б) муайян рангда жакет, ясси ва қовурғасимон типда маҳсулот берадиган қўйларни урчитиш бўйича ихтисослаштириш;

в) планлаштирилган ассортиментда қоракўл тери ишлаб чиқариш.

6. Подада наслчилик ишини ташкил этишнинг методлари:

а) урчитишга қўйилган мақбул типдаги қоракўл қўйни тасвирлаб бериш:

қўчқорнинг кўринишини — ранги, маҳсулдорлик типи (жакет, ясси жингалакли ва қовурғасимон қалами гуллилиги)ни тасвирлаш. Фотосуратларини кўрсатиб қўйиш. Кучайтирилиши, подага тарқатилиши ва унда мустаҳкамланиши керак бўлган энг муҳим афзалликлари, бартараф этилиши зарур бўлган камчиликларни тасвирлаш;

б) ҳайвонларни индивидуал кўрсаткичлари, келиб чиқиши, наслининг сифатига қараб танлаш методлари, индивидуал, индивидуал-группали, линиялар бўйича, бир хил қилиб, ҳар хил қилиб саралаш, қон-қариндошларни саралаш методлари;

в) фермалар, отарларни белгиланган ранг, типдаги қўйлар урчитиладиган қилиб ихтисослаштириш;

г) бошқа подалардан қўчқорлар олиб келиш. Уларни олиб келиш зарурлигини асослаш, манбанинг тўғри танлангани, олиб келинадиган қўчқорлар сони ва улардан фойдаланиш;

д) механизациялаштирилган йирик бригадалар жорий этилиши муносабати билан наслчилик ишини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кампаниялари, процесслари (қўйларни қочириш, қўзилатиш подалари, отарлар группаларини тузиш)нинг хусусиятларини тасвирлаш;

е) наслчилик ҳисоби ва ҳисоботларни йўлга қўйиш;

ж) ҳайвонларни давлат наслчилик китобига киритиш.

V. Озиқа базаси. Хўжаликдаги озиқа базасини мустаҳкамлаш:

а) яйловлардан рационал фойдаланиш методларини жорий этиш, яйловни алмаштириш;

б) яйловларни яхшилаш ва унумдорлигини ошириш (саксовул, кейреуқ ва ёввойи ҳолда ўсадиган бошқа озиқабоп ўтларни экиш);

в) лалмикор ерларда суғориш усулини қўллаб, далада озиқа етиштириш.

VI. Озиқа воситаларидан рационал фойдаланиш:

а) озиқаларни майдалаш, буғлаш ва ҳоказо;

б) жинси, ёши, физиологик ҳолати ҳар хил ҳайвонлар учун тўла рационли донадор озиқалар етиштириш.

VII. Қўйларни боқиш ва асраш режими. Наслдор ҳайвонлар, наслдор қўзиларни ўстириш, наслдор қўчқорларни асраш, қўйларни бинолар билан таъминлаш, суғориш.

VIII. Подани соғломлаштиришга доир даволаш-профилактика тадбирлари.

IX. Қадрлар билан ишлаш. Мутахассислар, чўпонлар ва бонитёрлар малакасини ошириш.

X. Планда кўрсатилган ҳар бир йил учун наслчилик ишининг календарь плани.

Товар хўжаликларида, колхозлар ва совхозлар фермаларининг кичикроқ подалари учун наслчилик иши планини соддалаштирилган схемага мувофиқ тузиш тавсия этилади. Бундай планда қуйидаги бўлимлар кўзда тутилади:

1, Подани тузиш тарихи, унинг ўтмишдаги характеристикаси, яйлов-озиқа шароитлари (қисқача);

2. Ҳайвонларнинг жинси, ёши, типлари ва классларига қараб ажратиладиган пода таркиби. Етиштириладиган қоракўл тери навлари;

3. Хўжаликнинг, поданинг ихтисосланиши, наслчилик ишининг йўналиши;

4. Қўйларни жинси, ёши, сифат группалари, қоракўл терисининг сифатига қараб туёқ сонини йиллар бўйича ўстиришни перспектив планлаштириш;

5. Наслчилик материали олинадиган манба, ундан хўжаликда фойдаланиш, наслчилик иши методлари;

6. Озиқа базасини яхшилаш;

7. Календарь иш плани.

Наслчилик иши планлари Трест ёки Бош Бошқарма томонидан тасдиқланади. Уларнинг бажарилишини ҳам шу ташкилотларнинг ўзи назорат қилиб боради.

Топшириқ

Кафедрада тайёрланган конкрет рақам материалига асосланиб, ўқитувчининг топшириғи бўйича наслчилик иши планининг бир ёки бир нечта масалалари ишлаб чиқилсин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Селекция-наслчилик иши плани неча йилга ва қандай хўжаликларда тузилади?

2. Наслчилик иши планини тузиш учун қандай ҳужжат ва материаллар зарур бўлади?

3. Наслчилик иши плани қандай масалаларни ёритиши керак?

4. «Пода ва наслчилик ишининг ҳозирги аҳволи» деган масалани ёритишда қандай кўрсаткичлар келтириб ўтилади?

5. «План топшириқларини бажаришни таъминлаш юзасидан олиб бориладиган наслчилик ишининг вазифалари ва методлари» деган масалани ёритишда қандай кўрсаткичлар келтириб ўтилади?

6. «Озиқа базасини яхшилаш» деганда нимани назарда тутилади?

7. Наслчилик ишининг ҳар йилга тузилган календарь планида қандай масалалар кўриб чиқилади?

8. Наслчилик ишининг соддалаштирилган схема бўйича плани қандай масалалар бўйича тузилади?

9. Наслчилик иши планини ким тасдиқлаб, бажарилишини назорат қилиб боради?

34- МАШҒУЛОТ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК КАРТАЛАР ТУЗИШ

Машғулотдан мақсад — саноат технологияси шароитларида қоракўлчилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш ва бошқариш методи сифатида операцион-технологик карталар тузиш билан танишиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — қоракўлчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича кафедрада ишлаб чиқилган технология карта моделлари. Участка-қўра системасида боқиладиган ва механизациялаштирилган бўрдоқичилик майдончасида қўй гўшти етиштириладиган шароитларда йириклаштирилган чўпон бригадалари томонидан қоракўл тери ва жун етиштиришга доир тахминий технологик ҳужжатлар.

3. *Машғулот ўтказиш методикаси* — машғулот аудиторияда ўтказилади, студентлар операцион-технологик карталар тузиш методикасини мустақил ўрганиб, асосий технологик операциялар ҳамда йириклаштирилган чўпон бригадаларининг вазифалари билан танишадилар, кафедрада ишлаб чиқилган технологик карталардан модель тариқасида фойдаланиб туриб, ўқитувчининг топшириғига мувофиқ технологик картани ишлаб чиқадилар.

Машғулотнинг мазмуни. Қоракўлчиликни янада ин-

тенсивлаш ишлаб чиқариш процессларини планлаштириш билан бир қаторда операцион технология билан ифодаланадиган программалашни жорий этишни ҳам талаб қилади. Бундай программалаш иш характерини, айрим операциялар бажариладиган даврлар ва унинг усулларини, механизациялаш учун зарур воситаларни, озиқа, энергия ва меҳнат сарфини акс эттирадиган операцион технологик карталар комплексидан иборатдир.

Қоракўлчиликда қўлланиладиган технологияни ишлаб чиқаришни илмий ташкил этишнинг программаланган системаси деб қараладиган бўлса, уни қуйидаги асосий ҳужжатлар билан ифодалаш мумкин:

— маҳсулот етиштиришнинг умумий технологик картаси. Бу картада ишлаб чиқариш процесси умумий тарзда акс эттирилиб, асосий ишлаб чиқариш даврлари, муддатлари ва моддий шароитлари, алоҳида кўрсатиб қўйилади;

— асосий технологик операциялар, уларнинг муддатлари, ҳажми ва моддий шароитлар бирма-бир кўрсатиб чиқиладиган операцион-технологик карталар (ҳар бир ишлаб чиқариш даври ёки босқичи учун);

Қоракўл тери, жун ва қўй гўшти етиштириш →	Умумий технологик карта
Асосий ишлаб чиқариш процесслари: Ёз даврида қўйларни асраш, боқиш ва парвариш қилиб бориш Қиш даврида қўйларни асраш, боқиш ва парвариш қилиб бориш	(ишлаб чиқариш процессларидан иборат) ↓ Операцион-технологик карталар (ишлаб чиқариш операцияларидан иборат)
қўйларни уруғлантириш; қўйларни қўзилатиш; қўзиларни ўстириш; қўйларни жунини қирқиш; қўйларни яйловда ва бўрдоқига боқиш; қўзиларни бонитировка қилиш; сўйиш ва қоракўл терига биринчи ишлов бериш ↓ Ишлаб чиқариш операциялари	↓
↓ Иш операциялари: озиқа тарқатиш, гўнгни йиғиштириш, қўйлар жунини қирқиш, уларни уруғлантириш ва ҳоказо.	Операцион карталар (иш операциялардан иборат)

— асосий технологик процесслардаги операциялар карталари, бу карталарда иш усуллари, вақти ва керакли ашёлар кўрсатиб қўйилган бўлади.

Схема тарзида буни қўйидагича қилиб тасвирлаш мумкин (В. Н. Целютин).

Умумий технологик карта процессни умумий тарзда акс эттирадиган ишлаб чиқариш схемаси бўлиб, зооинженер шу схема бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этади ва уни бошқариб боради. Асосий ишлаб чиқариш процессларининг операцион-технологик карталари ишлаб чиқаришни ёки технологик операцияларни ишлаб чиқаришдаги навбати билан мантиқий тарзда акс эттиради. У ферма мудири ёки бригадирда турадиган оператив ҳужжат. Операцион карталар асосий иш операцияларининг тартиби ва уларни бажариш усулини кўрсатиб беради ҳамда бевосита ижрочилар — ферма ишчиларининг оператив ва назорат ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Кондицияли қўй гўшти ва шу билан бирга қоракўлча олиш учун бракка чиқарилган совлиқларни механизациялаштирилган хўжаликлараро йирик корхоналарда ва хўжалик ичидаги ихтисослаштирилган майдонча-фермаларда саноат асосида бўрдоқига боқиш сўнгги йилларда кенг расм бўлди, ана шу жойларда қўчқорлар, қоракўлча олишга ярамайдиган совлиқлар қўй гўшти, жун ва пўстинбоп тери етиштириш мақсадида саноат асосида бўрдоқига боқилади.

Қоракўлчилик чорвачиликнинг экстенсив соҳаси бўлиб, унинг ривожланиши умуман ҳосили паст бўлиши билан характерланадиган чўл яйловларидан фойдаланишга боғлиқ. Мана шундай шароитларда қўй боқилаётган зонанинг шароитларига қараб ҳар бир бош қўйга 1 га дан 7 га гача яйлов ери тўғри келади. Қўйларни отарларга бўлиб боқиш анъанавий усул бўлиб қолмоқдаки, ҳар бир ишчига тўғри келадиган нагрузка 170—200 бош қўйдан ортмайди.

Яйлов хўжалигини изчиллик билан интенсивлаш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологияси ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этиш асосида ҳозирги вақтда қоракўлчиликни ташкилий-хўжалик жиҳатдан қайта тузиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб беради. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларидан бири йириклаштирилган қўйчилик бригадаларидир.

Қўйларни асрашнинг янги, прогрессив технологиясини ва меҳнатни ташкил этишнинг мукаммал формаларини қоракўлчилик хўжаликлари амалиётига жорий этиш табиий яйловлардан рационал фойдаланишга, сермеҳнат процессларни механизациялашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, қоракўлчилик маҳсулоти таннархини камайтиришга имкон беради, яъни қоракўлчиликни саноат йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтқазишни осонлаштиради.

Қоракўлчилик амалиётида биринчи бўлиб «Қарнаб» давлат наслчилик заводида 6890 га майдонга ҳар қайсиси 265 га дан қилиб 26 та қўрага бўлинган тўсиқли маданий яйлов барпо этилиб, эксплуатацияга топширилди.

Тўсилган яйловларнинг тахминан 70% и ёввойи ҳолда ўсадиган чўл ўсимликлари: қорасаксовул, изень, чогул, кейреуқ экиш йўли билан бойитилди. Қўралардан йилига икки марта: биринчиси баҳор билан кузда, иккинчиси ёз билан қишда фойдаланилади. Ўт қопламининг қалинлигига қараб ҳар бир қўрада йилига бир ярим, икки ой қўй боқилади.

Қўйларни йиғноқ ҳолда боқиш, ўтлатишда янги технологияни қўллаш чўпонларнинг меҳнатини янгича ташкил этишга имкон берди. Яйлов массивининг ҳаммаси ундаги ишлаб чиқариш бинолари ва боқилаётган қўйлар (2—4,5 минг бош) билан биргаликда 10 кишидан иборат йириклаштирилган битта қўйчилик бригадасига бириктилган. Бригадада иш сменали қилиб ташкил этилган.

Йириклаштирилган бригададаги битта чўпонга тўғри келадиган нагрузка 400—450 бош қўйни ташкил этди, йиллик иш ҳақи 1,8 баравар, меҳнат унумдорлиги 2,1 баравар ортди.

Йириклаштирилган бригадаларининг иши юқори самарали бўлиб чиқди. Чунончи, бир бош қўйни боқиш учун қилинадиган сарф-харажатлар бундай бригадаларда одатдаги бошқа бригадалардагига қараганда 20—30% кам, бир бош қўйдан олинадиган ялпи маҳсулот миқдори 10—13% ортиқ бўлди. Ҳар бош она қўйдан тушадиган қўшимча соф даромад 6,8—13,1 сўмга етди.

Бундай шароитларда подани тиклаш методларини, жумладан қўйларни қочириш, қўзилатиш ишларини ташкил этишга, ёш қўзиларни ўстириб боришга тааллуқли бутун зооветеринария чора-тадбирларини мукаммаллаштириб бориш имкониятлари юзага келди.

Қўйларни уруғлантириш циклик метод билан ўтказилади. Бу методнинг моҳияти шундаки, бир муддатда куюккан совлиқлар бир вақтда уруғлантирилиб, ажратилиб, улардан группалар тузиб борилади. Айни вақтда территориядаги сунъий уруғлантириш пунктларидан фойдаланилади, зарур бўлганда кўчма пунктлардан ҳам фойдаланилади. Қўйлар икки қайта — эрталаб ва кечқурун уруғлантирилади. Уруғлантирилган биринчи отар (I группа) 6—9 кун давомида тузилади. Сўнгра иккинчи отарни (2 группани) тузишга киришилади. Уруғлантиришнинг 13—14 кунига келиб, биринчи отар орасидан қайта куюккан совлиқлар ажратиб олиниб, уларни қайтадан уруғлантирилади ва иккинчи отарга ўтказилади. 6—9 кун давомида иккинчи отар ҳам тузилади ва ҳоказо.

Қўйларни циклик методда уруғлантириш қўзилатиш процессини маълум тартибга солади ва қўзилатиш ишини вақт-вақтида даврий муддатларда ташкил этишга имкон беради. Бу — қўзилатишни қисқа муддатларда ўтказишга, қўзиларни яхшироқ сақлаб қолиш ҳамда меҳнат сарфини камайтиришга имкон беради. Чунончи, йириклаштирилган бригада қўйларининг ҳар бир группасида қўзилаш 8—10 кун ичида одоғига етади: биринчи даврда биринчи отарнинг; иккинчи даврда иккинчи отарнинг бўғоз қўйлари қўзилайди ва ҳоказо. Бригада бўйича қўзилатиш умуман бир ой ичида тугалланади.

Қўзилатишни группа-группа қилиб ўтказиш учун яхши ускуналанган битта бино бўлиши зарур. Бу бинодан қўзилаш муддатларининг бошланишига қараб бригада отарлари учун фойдаланилади.

Маълум вақт оралаб уруғлантирилган қўйларни давра-давра қилиб қўзилатиш йириклаштирилган бригадаларда 250—300 бош қўзидан иборат сақмонлар тузишга шароит яратади. Ҳамма группадаги қўйларнинг қўзилари ёшига қараб сақмонларга ажратилади. Сақмонлар йириклаштирилиб, 20—25 кундан кейин 400—500 бошга етказилади ва шу миқдордаги қўзилар онасидан ажратилгунча бирга боқилаверади.

Яйлов участкаларида ҳар бир ишлаб чиқариш группаси (отар) учун кошар, қудуқ, қишлов жойларида эса озиқа сақланадиган омбор бинолари бўлиши зарур.

Қўйлар участка-қўра системасида боқиладиган шароитда бир бош ўртача қўйнинг озиқага бўлган суткалик

эҳтиёжи йил фаслларига қараб қуйидагича белгиланган (46-жадвал).

46-жадвал

Бир бош қўйнинг озиқага бўлган ўртача суткалик эҳтиёжи (Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти маълумотлари)

Йил мавсуми	Куруқ озиқа массаси, кг	Озиқа бирлиги, кг
Баҳор		
1 даври	3,0	1,25
2 даври	2,1	1,55
Ёз	2,5	1,10
Куз	2,5	0,90
Қиш	2,3	1,115

Ҳисобчи-тарозибон	1	2	4
Жунни йиғиштирувчи	1	1	2
Ветеринар	1	2	1
Жами	25	43	80

Бригадада меҳнатни ташкил этишнинг асоси кооперация ва меҳнат тақсимотидир.

Меҳнат коллективининг ишига бригада бошлиғи раҳбарлик қилиб боради. У бригадага бириктирилган қўйлар учун моддий жавобгар бўлиб, қўйларни сунъий уруғлантириш ва қўзилатиш ишларини ташкил этади, қўйларни яйлов участкаларига чиқаришга бошчилик қилади, озиқа сарфини ҳисобга олиб боради, санитария чора-тадбирларининг муддатида ўтказилишини ташкил этади, иш ҳисоби табелини ёзиб боради, доимий ва мавсумий ишчиларнинг вазифаларини кўрсатиб беради ва уларнинг ишини назорат қилиб боради.

Қўйларни тўғри парвариш қилиб, уларни яхши асраб бориш учун бригаданинг барча аъзолари баробар жавобгар ҳисобланадилар, улар қўйларни қочириш, жунини қирқиш, қўзилатиш, қишдан олиб чиқиш давридаги ишлаб чиқариш процессларининг бажарилишини технологик карталар асосида таъминлаб борадилар, бинолар, яйловларни тегишлича зоогигиеник аҳволда сақлайдилар.

Қўйларни сунъий уруғлантириш ва қўзилатиш, қишловдан олиб чиқиш даврида бригадага вақтинчалик ва мавсумий ишчилар ажратиб берилади.

Топширик

Кафедрада ишлаб чиқилган технологик карталардан модель тариқасида фойдаланиб туриб, ўқитувчининг топшириғига мувофиқ ишлаб чиқариш процессларидан бирининг операцион-технологик картаси тузилсин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш процессларини программалаштириш деганда нима тушунилади?
2. Ишлаб чиқариш процессларининг программаси нималардан таркиб топади?
3. Умумий технологик карта, операцион-технологик карта ва операцион карта нималардан таркиб топади?
4. Қоракўлчиликда саноат технологияси қўлланиладими?
5. Яйлов қоракўлчилигида прогрессив технологияни жорий этишга имкон борми?
6. Йириклаштирилган чўпон бригадаларини тузишнинг самарадорлиги нимадан иборат?
7. Йириклаштирилган бригадалар тузилганида меҳнатни ташкил этиш методлари ўзгарадими, бу нима билан ифодаланади?
8. Қўйларни циклик метод билан уруғлантириш ва давра давра қилиб қўзилатишнинг самарадорлиги нимадан иборат?
9. Қўйларни участка-қўра системасида боқишнинг самарадорлиги нимадан иборат?

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

1-машғулот 5

Қоракўл қўй ва қўзиларнинг конституционал типлари, экстерьери ва танасининг айрим қисмларини аниқлаш 5

Қоракўл қўзиларининг конституция типлари 8

2-машғулот 13

Қоракўл қўйларининг ёшини аниқлаш 13

3-машғулот 17

Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш принциплари. Танлашда амал қилинадиган белгилар, бонитировка калити, бонитировка журналларини тўлдириш тартиби .

Қоракўл қўзиларни индивидуал бонитировка қилиш . 17

4-машғулот 24

Ҳар хил типдаги (барра, маҳсулдор) қоракўл қўзиларининг характеристикаси. Қоракўл қўзиларга эн солиш принциплари 24

5-машғулот 26

Қора рангдаги соф зотли қўзилар классификациясининг схемаси. Жакет қоракўл типдаги қўзилар классларини қоракўл терилар мисолида кўрсатиб туриб тасвирлаш 26

Жакет барра типи 29

6-машғулот 33

Жакет типдаги қоракўл қўзилар классларини қоракўл терилар мисолларида тасвирлаш юзасидан мустақил иш 33

7-машғулот 34

Ясси қоракўл типдаги қора рангли қўзилар классларини қоракўл терилар мисолида кўрсатиб туриб тасвирлаш 34

Ясси қоракўл типи 35

8-машғулот 36

Ясси қоракўл типдаги қўзиларни бонитировка қилиш ва тасвирлаш юзасидан олиб бориладиган мустақил иш 36

9-машғулот 37

Қовурғасимон қоракўл типдаги қора рангли қўзилар классларини қоракўл тери мисолида кўрсатиб тасвирлаш 37

Қовурғасимон барра типи 38

10-машғулот 40
Қовурғасимон қоракўл типга мансуб қўзиларни бонитировка қилиш ва классларини тасвирлаб бериш юзасидан қоракўл терилари устида олиб бориладиган мустақил иш 40

11-машғулот 41
Кавказ барра типдаги қора рангли қўзилар классларини тасвирлаш 41
Кавказ барра типи 41

12-машғулот 43
Кўк қоракўл қўзиларининг ранг-туслари, нақшлари ва бонитировка қилиш хусусиятлари 43

13-машғулот 49
Асл зотли кўк қоракўл қўзилар классификациясининг схемаси. Қўзиларга эн солиш . . . .

14-машғулот 51
Жакет ва кавказ барра типдаги кўк қўзилар классларини тасвирлаш 51
Ярим доира ва ўсинқираган гулли 53

15—16-машғулотлар 55
Ясси ва қовурғасимон типдаги кўк қоракўл қўзилар классларини тасвирлаш 55
Қовурғасимон қоракўл типи 56

17-машғулот 57
Бухоро, Сурхондарё ва Қорақалпоқ сур қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш хусусиятлари, уларни классификациялаш ҳамда эн солиш схемаси 57

18-машғулот 63
Жакет ва кавказ қоракўл типларга мансуб сур қўзилар классларини тасвирлаш 63
Жакет ва кавказ типларидаги сур қўзилар классларининг характеристикаси 64

19-машғулот 65
Ясси ва қовурғасимон барра тип сур қўзилар классларини тасвирлаш 65
Ясси қоракўл типи 65
Қовурғасимон қоракўл типи 66

20-машғулот 68
Гулигаз, оқ, қамбар ранг қўзилар ва дурагай қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш 68
Гулигаз қўзиларни классификациялаш схемаси ва классларининг тасвири 69
Оқ қўзиларни бонитировка қилиш 70
Дурагай қўзиларни бонитировка қилиш 71

21-машғулот 73
Қўзиларни 12—20 кунлигида, 4 ойлигида ва 1,5 ёшлигида қўшимча баҳолаш 73
Қўзиларни 12—20 кунлигида қўшимча баҳолаш . . 74

22-машғулот . . . .
Қоракўлчиликда наслчилик ҳисоби . . . . .
Қоракўл қўзиларни расмга олиш . . . .

пособие
46.6я73

23-машғулот 81
Ёш қўзиларни ўстириш, онасидан ажратиш ва отарлар тузиш схемаси 81
Ёш қўзилар отарларини тузиш принципи 84
Наслчилик хўжаликларида отарлар тузиш 84
Кўк қоракўл қўзилар отарларини тузиш принципи . 85
Сур қўзилар отарларини тузиш 86
Товар хўжаликларида ёш қўзилар отарларини тузиш 86
24-машғулот 90
Пода структураси, қўйларни бракка чиқариш ва кейинчалик улардан фойдаланиш 90
Қўйларни бўрдоқига ва яйловда боқилганидаги озиқа сарфини ҳисоблаш 90
25-машғулот 102
Хўжаликлараро комплекслар шароитида қоракўлча ва қўй гўшти етиштириш 102
26-машғулот 107
Наслдор эркак қўзиларни саралаб олиш ва ўстириш 107
27-машғулот 113
Қўчқорларни апробациядан ўтказиш ва саралаш, уларни совлиқ отарларига бириктиш 113
28-машғулот 124
Қўчқорларни наслининг сифати бўйича текшириш ва баҳолаш 124
29-машғулот 138
Қўйларни қочиришни ташкил этиш ва планлаштириш 138
30-машғулот 149
Қўйларни яйловда боқиш хусусиятлари ва қўйлар қишловини ташкил этиш ҳамда планлаштиришга доир ҳисоблар 149
31-машғулот 158
Қўйларни қўзилатишни ташкил этиш ва планлаштиришга оид ҳисоб-китоблар 158
32-машғулот 164
Қўйлар жун қирқимини ташкил этиш ва планлаштиришга оид ҳисоб-китоблар 164
33-машғулот 174
Пода ичида олиб бориладиган наслчилик иши планини тузиш 174
34-машғулот 179
Қоракўлчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича операцион-технологик карталар тузиш 179

лаш
Қовурға

Юсупов С. Ю. ва бошқ.

Ю91 Қоракўлчилик: (Амалий машғулотлар): Қ. х. ин-тлар, студ. учун ўқув қўлл. /С. Ю. Юсупов, А. А. Раҳимов, А. И. Исмоилов.—Т.: Меҳнат, 1986.— 192 б:: Расм., жадвал.

I. 1, 2 Автордош.

Қўлланмада ҳар хил тус ва барра тип соф зот қоракўл қўзилар классларининг сифат белгилари ва характеристикаси таърифланган. Шунингдек, бўлажак мутахассис-чорвадорларнинг амалий фаолиятларига, бонитировка қилиш принципига, студентларнинг мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилган.

Ишлаб чиқариш жараёнлари, шу жумладан, ёш қўзилар отарларини ташкил қилиш ва қўзиларни сўйиш техникаси, бракка чиқариш, совлиқларни асраш, бўрдоқига боқишда озиқ сарфини ҳисобго олиш, қочириш кампаниясини планлаштириш ва ташкил этиш, қўйларнинг кишлаши қўзилатиш ва жун қирқиш комплекси баён қилинган.

Китоб қишлоқ хўжалик институтларининг қоракўлчилик ва зооинженерлик факультетлари студентлари учун мўлжалланган..

Юсупов С. Ю. и др. Каракулеводство: Учебное пособие для студентов сельскохозяйственных институтов.

46.6я73

КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Меҳнат» нашриёти 1986 йилда китобхонларга қуйидаги китобларни тақдим этади.

Д. Нарзиев. **«Ҳайвонлар анатомияси».** Тиражи 3000 экз. Баҳоси 1 сўм 10 тийин.

Мазкур китоб китобхонларни қоракўл қўйларининг анатомик тузилиши, ҳаракат қилиш органлари, лимфатик системалари билан таништиради.

Я. Нуриллаев, Б. Тошпўлатов. **«Наслчилик иши асослари ва қоракўл қўйларни бонитировка қилиш».** Тиражи 13 000 экз. Баҳоси — 40 т.

Китоб қоракўлчиликда наслчилик ишларини ташкил қилиш, қора, кўк ва сур тери берадиган қўйларни кўпайтиришда, қоракўл қўзиларини классификациялашда, териларни нав ва сортларга ажратишда мутахассисларга ёрдам беради. Шунингдек, унда қўзиларга эн солиш, бонитировка қилиш, етук қўйларга баҳо бериш, наслчилик ишларини юритиш баён этилган.

Д. Т. Абдукаримов ва А. Халилов. **«Деҳқончилик асослари ва ем-хашак етиштириш».** Тиражи 5000 экз. Баҳоси 3 сўм 30 тийин.

Китобда Ўзбекистонда кўп экиладиган экинлар, уларни етиштириш технологияси, табиий яйловларни яхшилаш, шунингдек силос бостириш ва пичан уни тайёрлаш усуллари баён этилган. Унда айниқса, ўсимликларнинг ҳаёт шароитлари, деҳқончилик системалари, алмашлаб экиш схемалари, тупроқни экишга тайёрлаш ва экиш, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган минерал ўғитларга алоҳида аҳамият берилган.